



Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси
хузуридаги Фискал институт



СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ
ОММАБОП ЖУРНАЛ



www.soliqvahayot.uz

“СОЛИҚ ВА ҲАЁТ” ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ ҲАЙЪАТИ ТАРКИБИ

Таҳририят кенгаши раиси: и.ф.д. Қудбиев Шерзод Давлатович

Бош муҳаррир: и.ф.д. проф. Қурбанов Зият Ниязович

Таҳририят аъзолари:

и.ф.д. Юсупов Каҳрамон Ахмедович

и.ф.д. проф. Засько Вадим Николаевич (Россия Федерацияси)

и.ф.д. проф. Роздольская Ирина Владимировна (Россия Федерацияси)

ю. ф. д. проф. Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович

т.ф.д.доц. Ақбаралиев Бахтиёр Бакирович

и.ф.ф.д. PhD Вассилис Полименис (Греция)

и.ф.д. проф. Тошматов Шухрат Аманович

и.ф.д. проф. Хотамов Комил Раббимович

и.ф.д.проф. Уразов Комил Баҳромович

и.ф.д. проф. Қўзиева Наргиза Рамазановна

и.ф.д. доц. Худойқулов Садриддин Каримович

и.ф.д. проф. Исманов Иброҳим Набиевич

и.ф.д. доц. Ўрманов Жаҳонгир Жалолиддинович

и.ф.д. Ниязметов Исламбек Машарипович

Маъсул муҳаррир: и.ф.ф.д. (PhD) Назаров Абдукарим Кушарович

Веб администратор: Қуйлиев Улуғбек Рашидович



СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ

www.soliqvahayot.uz



Ismanov I.N.	<i>Buxgalteriya hisobida baholash uslubining tutgan o'rni va o'ziga xos xususiyatlari.....</i>	4
Абдуразаков А.А.	<i>Харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш усуллари, технологияси ва масъулият марказлари.....</i>	12
Аҳмаджонов А.К.	<i>Ривожланган мамлакатларда МҲҲСни қўллашнинг жаҳон тажрибаси.....</i>	22
Бозоров А.А.	<i>Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг қўчмас мулкларини солиқقا тортиш тартибини такомиллаштириш.....</i>	30
Гулматов Ж.Р.	<i>Солиқ мониторинги солиқ назоратининг самарали шакли.....</i>	41
Дусияров Ш.Х.	<i>Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектларини солиқقا тортиш механизмини такомиллаштириш йўллари.....</i>	47
Кудбиев Д. Мисиров К.М.	<i>Экологик харажатлар ҳисобини назарий ва методологик жиҳатдан такомиллаштириш масалалари.....</i>	57
Ризаев Н.К.	<i>Номоддий активлар: халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва таҳлил.....</i>	65
Саъдуллаев Р.	<i>Рақамли иқтисодиёт шароитида пуллик ҳисоб - китобларни амалга оширишда назорат-касса техникаси ва виртуал кассалардан фойдаланишини янада такомиллаштириш.....</i>	83
Уразов К.Б. Исройлов Ё.Ж. Тошпулатов Р.Н.	<i>Автомобилларга хизмат қўрсатувчи корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг концептуал масалалари.....</i>	90
Уразов Д.К.	<i>Пути и возможности развития аудиторских услуг в Республике Узбекистан.....</i>	97
Эргашов Ж.А.	<i>Жисмоний шахслардан мол-мулк ва ер солиқларини ундиришнинг самарали йўллари.....</i>	104



BUXGALTERIYA HISOBIDA BAHOLASH USLUBINING TUTGAN O'RNI VA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

*i.f.d., professor Ismanov I.N.
Farg'onha Politexnika Institut*

Annotatsiya: Maqolada mulkning pul ifodasi sifatida baholash tushunchasi, mohiyati va roli hamda kompaniya faoliyatiing natijalari ta'siri ko'rib chiqiladi, mahalliy va xorijiy olimlarning asarlarida baholash tushunchasining turliy talqini oganilib, ochib beriladi. Baholash an'anaviy ravishda buxgalteriya hisobining asosiy elementlaridan biri bo'lib xizmat qilishi, bu esa mulk holati va kompaniya faoliyati natijalari to'g'risida umumlashtirilgan tasavvurga ega bo'lishiga imkon berishi xaqida fikir yuritildi. Buxgalteriya usuli elementlari ro'yxatidagi baholash o'rnnini misolar bilan aniqlaydi.

Kalit so'zlar: baho, buxgalteriya hisobi, buxgalteriya usuli, qiymati, baholash obyekti, pul o'lchami, baholash.

Аннотация: В статье рассматриваются понятие, сущность и роль оценки как денежного выражения имущества и ее влияние на результаты деятельности компании, раскрываются различные трактовки понятия оценки в работах отечественных и зарубежных ученых. Было высказано мнение, что оценка традиционно служит одним из основных элементов бухгалтерского учета, что позволяет получить обобщенное представление о состоянии имущества и результатах деятельности компании. Метод бухгалтерского учета определяет место оценки в перечне элементов с помощью примеров.

Ключевые слова: оценка, бухгалтерский учет, метод учета, стоимость, объект оценки, денежное измерение, оценивание.

Abstract: The article examines the concept, essence and role of valuation as a monetary expression of property and its impact on the results of the company's activities, reveals various interpretations of the concept of valuation in the works of domestic and foreign scientists. It was suggested that valuation traditionally serves as one of the main elements of accounting, which allows you to get a generalized idea of the state of the property and the results of the company's activities. The accounting method determines the place of evaluation in the list of elements using examples.

Keywords: evaluation, accounting, accounting method, value, object of evaluation, money measurement, assessment.

1. Kirish.

Buxgalteriya hisobida baholashni tushunish doimo o'zgarib turadi. Eng avvalo, bu uning tarixiy rivojlanishi, hisob tizimida shakllanadigan axborotni qo'llash sohasining kengayishi, hisob imkoniyatlarining muntazam o'sib borishi bilan bog'langan. Hozirgi vaqtida buxgalteriya hisobi – bu nafaqat axborotni shunchaki qayd etib qo'yish emas, balki o'ziga xos usullar va uslublardan foydalanib, unga ishlov berish va umumlashtirishdan iborat.

Bunday nuqtai nazar o'sha paytlarda o'rini bo'lgan, chunki u paytlarda hisob oldiga foydalanuvchilar uchun obyektlar haqidagi baholovchi axborotni shakllantirish vazifasi qo'yilmagan. U paytlar buxgalteriya hisobi ko'proq xo'jalik faoliyati holatlarini qayd etish bilan shug'ullangan va qiymat haqidagi tashqi ma'lumotlardan foydalangan. U vaqtida hali hisob tizimida mulkning, majburiyatlarning va kapitalning ishonchli qiymatini hisoblab chiqish imkonini beruvchi baholash uslublari ishlab chiqilmagan edi. Shu bilan birga, "tayyor" baho mulkning real qiymatini faqat u korxonaga kelib tushadigan paytga aks ettiradi.

Mulkdan foydalanish va tasarruf etish jarayonida, vaqt omili va inflaytsion hodisalar ta'sirida mulk va majburiyatlarning puldag'i qiymati o'zgaradi va tegishli ravishda buxgalteriya hisobi ma'lumotlarining obyektivligi va ishonchliliga erishish maqsadida uni aniqlashtirish talab etiladi. Buxgalteriya hisobi uchun "tayyor" baholashdan foydalanishni inkor qiluvchi yana bir omil bo'lib obyektning tashqi baholanishlari umuman mavjud bo'lмаган vaziyatlar hisoblanadi. Masalan, xo'jalik aylanmasidan chiqarilgan noyob obyektlarga, ishlab chiqarilgan mahsulot, bajarilgan ishlar, ko'rsatilgan xizmatlar, tabiiy resurslar va boshqalarga nisbatan. Ularning qiymatini aniqlash buxgalteriya hisobi tizimining ichida ro'y beradi.

2. Adabiyotlar sharhi.

Uzoq vaqt hisob nazariyasi buxgalteriya hisobi tizimida obyektlar qiymatining shakllanishi imkoniyatlarini nazarda tutmagan. Jumladan, F.Leytner (1923) hisoblaganki: "Buxgalterianing o'zi baholamaydi. U mustaqil ravishda hech qanaday baholarni yaratmaydi, balki faqat ularni o'zlashtirib oladi". I.Russiyan (1891) ham xuddi shunday fikrni qo'llagan: "Hisobshunoslik uchun mulkni baholash ham, xuddi uning tarkibi kabi tayyor ma'lumotdan iborat bo'lishi ko'zda tutiladi".

Quyidagi fikrlar A.Gulyayevga (1913) tegishli: "mulk qismlarini baholash hisobshunoslikdan ko'ra ko'proq, siyosiy iqtisodiyot va xo'jalik siyosatiga taaluqli". P.Struvening (1913) fikricha: "buxgalteriya u baholashni amalga oshiradigan joyda anchagina mukammal emas va ochiqchasiga qonikarsiz faoliyat yuritadi".

Hozirgi vaqtida baholash tushunchasini qayta ko'rib chiqish va aniqlashtirish zarurati bir qator omillar ta'siri bilan asoslanadi.

Birinchidan, baholash tamoyillari va uslublarining mamlakatda mavjud bo'lgan direktiv reglamentlash hisob nazariyasi sohasida faoliyat yurituvchi olimlarning ko'pchiligi, baholash tushunchasini tushunish va talqin qilishda yakdil bo'lganlar A.Bikova (1962), A.Karimov (2004), V.Makarov (1978), V.Paliy (1984), N.Toshmamatov (2017), I.Ismakov (2019), A.Sumsov (1975). Bundan tashqari, "baholash" tushunchasi monografiyalarda alohida tadqiq etilmagan va faqat buxgalteriya hisobi uslubi elementlarini aniqlashda bilvosita yoritib ketilgan.

Ikkinchidan, baholashni buxgalteriya hisobi uslubining elementi sifatida tushunish sof texnik tavsiyatga ega bo'lgan – o'rnatilgan narxni hujjatda ko'rsatilgan miqdorga ko'paytirish yo'li bilan natural ko'rsatkichlarni qiymat ko'rsatkichlariga aylantirishdan iborat bo'lgan. Jumladan, A.Bikova (1962) hisoblashicha, "hujjatlardagi tabiiy ko'rsatkichlar baholash yordamida pul ko'rsatkichlariga aylanadi". Shunday nuqtayi nazar V.Makarovda (1978) ham bo'lgan: "Baholash yordamida tabiiy va mehnat ko'rsatkichlarini pul ko'rsatkichlariga o'tkazish ro'y beradi. O'tkazish uchun ... amaldagi davlat narxlaridan foydalilanadi". Hozirda baholashni bunday tushunish aniq yetarli emas. Agar baholash – bu qiymatli o'lchash usuli, o'lchash esa

obyekt kattaligini aniqlash bo'yicha bir qator harakatlarni amalga oshirishni ko'zda tutishini hisobga olinsa, u holda u faqatgina oddiy matematik harakat bilan cheklanib qolishi mumkin emas.

Va nihoyat, mamlkatda bozor munosabatlarining rivojlanishi aynan bir predmetga qat'iy narxlarning bekor qilinishiga va turli narxlar paydo bo'lishiga olib keldi. Hisobni isloh qilish jarayonida baholashning turli uslublari, "past narxlar" qoidasidan foydalanish, bozor narxlarini qo'llash, adolatli qiymatga ruhsat berilgan edi. Shunga ko'ra baholashning oldingi tushunchasi o'zining naflilagini yo'qotdi.

Zamonaviy monografiyalarning ko'pchilik mualliflari haligacha baholashni – "buxgalteriya hisobi obyektlarini umumlashgan pul o'Ichovida ifodalash usuli" deb hisoblaydi" (M.Kuter, 2000). Z.Kiryanova (1995) tomonidan baholash "korxona mulki va uning manbalarini pulli o'Ichovlarda ifodalash usuli" sifatida ko'rib chiqiladi. Baholash tushunchasining bunday talqin etilishi, umuman olganda, buxgalteriya hisobi tamoyillari va qoidalarini buzmaydi, lekin ushbu "usul"ning mazmunini, uning sifat ko'rsatkichlarini ham ko'rsatmaydi, va buning oqibatida, baholashning hisob jarayoni sifatidagi mohiyati ochilmay qolib ketaveradi.

Shu bilan birga, boshqa nuqtayi nazar ham mavjud bo'lib, uning tarafdorlari baholashni yoki tadbirlar kompleksi, yoki jarayon sifatida ko'rib chiqadilar, bu esa mohiyatan shunga teng bo'ladiki, har qanday jarayonni bir qator tadbirlar yig'indisi sifatida tasavvur qilish mumkin. Jumladan, Ya.Sokolov (2000) baholashni yuqorida aytib o'tilgan an'analar qatorida "hisob obyektlarini natural o'Ichovdan pul o'Ichoviga o'tkazish usuli" sifatida ta'riflaydi, lekin boshqa mualliflardan farqli ravishda, u usulning mohiyatini ochib beradi, ya'ni, u "bir yoki bir necha tadbirlarni tanlash va hayotga tadbiq qilishni ko'zda tutadi" deb ta'riflaydi.

E.Xendriksen va M.Van Breda (1997) ham shunday deb hisoblaydilar, ya'ni "...baholash jarayoni o'zida buxgalteriya hisobi obyektlariga ulardan ham birgalikda, ham alohida foydalanish mumkin bo'lgan usulda olingan muayyan pul kattaliklarini biriktirish tadbiridan iborat bo'ladi".

Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (1998) baholashni "ularga muvofiq moliyaviy hisobot elementlari tan olinishi va ham balansa va ham foya va zararlar to'g'risidagi hisobotga kiritilishi lozim bo'lgan pul qiymatliklarini aniqlash jarayoni sifatida" talqin qiladi.

Bizning fikrimizcha, baholashni buxgalteriya hisobi obyektlari qiymatining shakllanish jarayoni sifatida tushunish hisob uslubi ushbu elementning haqiqiy mazmunini to'laqonli tarzda aks ettiradi. Xo'jalik vaziyatlari va hisob obyektlari turli-tumanligini, eng asosiysi esa, buxgalteriya hisobi axborotlaridan foydalanuvchilar ko'zlagan maqsadlarning ko'pligini e'tiborga olgan holda, baholash hisob tadbiri sifatida murakkab va ko'p mehnat talab qiluvchi bo'lib qoladi. Baholash davomida korxona ichki axborot tizimi va tashqi muhit ma'lumotlaridan foydalaniladi, axborot iste'molchilarining qiziqishlari hisobga olinadi, hisob-kitob uslubini tanlash ro'y beradi. Xo'jalik faoliyati jarayonida vaqt omilini hisobga olgan holda aktivlar va passivlarni doimiy qayta baholash, ya'ni takroriy baholash zarurati tug'iladi. Bu holatlar baholash bittagina harakatdan iborat emasligi, balki o'z ichiga tadbirlar kompleksini olishini isbotlaydi.

3. Tadqiqot metodologiyasi.

Maqolani yozishda quyidagi metod va usullar qo'llanildi: soha yetuk olimlarining o'rganilayotgan mavzu yuzasida bildirgan fikr va qarashlarining tizimli va qiyosiy tahlil etlib, axborotni qayta ishlash amalga oshirildi.

4. Tahlil va natijalar.

Mamlakatda amalda bo'lgan buxgalteriya hisobi bo'yicha me'yoriy hujjatlar baholash tushunchasiga ta'rif bermaydi, garchi hisob uchun asosiy hujjat bo'lgan – "Buxgalteriya hisobi

to'g'risida" gi qonunda baholashga alohida modda ajratilgan bo'lsada. Unda aytilganki, "mulk va majburiyatlarni baholash tashkilotda ularni buxgalteriya hisobi va hisobotda pulda ifodalash uchun amalga oshiriladi". Mazkur matn, ayrim hollarda, baholash mazmuni tushunchasini erkin talqin qilishga va yohud uni toraytirishga, yohud subyektiv kengaytirishga olib keladi. Shuning uchun, baholash tushunchasini ohib berish va uni qiymatni shakllantirish jarayoni sifatida tushunish uchun, baholashning buxgalteriya hisobi tizimida harakatlanish sohasini yanada aniqlashtirish zarur.

Baholash haqidagi yuqoridagi fikrlar mualliflari baholashning hisobda foydalanish sohasini turlicha ta'riflaydilar. Jumladan, Z.Kiryanova (1995) baholashga "korxona mulki va uning manbaalari" tortiladi deb ko'rsatadi, bunda u obyektlarning eng muhim guruhlaridan biri – xo'jalik operatsiyalarini e'tibordan chetda qoldirib ketadi. Bu bilan u uning qo'llanilish sohasini toraytiradi.

Sarflarga va pirovardida daromadlarga olib keluvchi xo'jalik jarayonlari, qiymat o'Ichoviga ega va baholash sohasiga kirishi kerak. Aks holda ularning qiymat o'Ichovining yo'qligi korxona faoliyatining samradorligi, natijadorligini aniqlash imkonini bermaydi. M.Kuter (2000) hisoblashicha, "baholash ishlab chiqariladigan mahsulot hayot siklining barcha bosqichlariga tarqaladi". Mazkur ta'rif, korxonada mavjud bo'lgan mulk va majburiyatlarni tushirib qoldirgan holda, faqat moliyaviy natijani baholashni qamrab oladi. MHXAda berilgan baholashning ta'rifi bilan ham cheklanib qolish mumkin emas, chunki u hisobotga taaluqli va joriy hisobga tegishli bo'lmaydi.

Turli nuqtayi nazarlar va hisob amaliyotini umumlashtirib ta'kidlash mumkinki, baholash sohasiga buxgalteriya hisobining barcha obyektlari kiradi. Mulk va majburiyatlarga nisbatan ularning qiymati hisobga olishda, hisobot sanasiga mavjudligi va chiqib ketishida, xo'jalik jarayonlari qismida – daromadlar va xarajatlar, moliyaviy natijalar miqdori aniqlanadi. Baholash mobaynida olingan ko'rsatkichlar ham alohida obyektlarga nisbatan, va xuddi shunday obyektlar guruhining umumlashgan tavsiyotlari uchun foydalilanadi.

Baholash tushunchasini to'la to'kis shakllantirishdan oldin, unga o'xshash, baholashning sinonimi sifatida ko'p qo'llaniladigan bir qator atamalarning, aynan, qiymat va narx mazmunini aniqlashtirib olish zarur. Atamashunoslikdagi noaniqlik, izchil emaslik amalda ushbu tushunchalarni xato talqin qilishga olib keladi. Ayniqsa, keng ma'noga ega bo'lgan atamalar buxgaletriya hisobidagi o'ziga xos tushunchalarni belgilash uchun foydalilanilda.

Narx tushunchasi tarifiga ikki xil qarash mavjud. Birinchisiga ko'ra – tovar narxi uning qiymatini ifodalaydi, ikkinchisiga ko'ra esa – xaridor muayyan naf keltiruvchi tovar uchun to'lashga tayyor bo'lgan pul mablag'lari summasini ifodalaydi. Birinchi holatda so'z narxning qiymat nazariyasi haqida borib, uning asoslari U.Petti, A.Smit va D.Rikardo tomonidan yaratilgan, ikkinchi holatda – bozor iqtisodiyoti uchun xos bo'lgan iste'mol qiymati nazariyasi haqida so'z boradi.

Narx qiymat konsepsiyasining mohiyati shundan iboratki, barcha tovarlar inson mehnati mahsuli hisoblanadi, ularning yaratishda "moddiylashgan va jonli mehnat sarf etiladi va ularning natijaviy majmuasi sifatida qiymat vujudga keladi" (Д.Құдбиев, 2019). Shundan kelib chiqib, turli tovarlar qiymati ularga sarflangan mehnat miqdoriga bog'liq, ya'ni ularni tayyorlash uchun sarflangan xarajatlar summasi bo'yicha aniqlanadi.

Talab va taklif omillari amal qiladigan bozor munosabatlarda narx va qiymat mos kelmaydi. Buning natijasi bo'lib yuqori foydalilik nazariyasi hisoblanib, unga ko'ra narx moliyaviy imkoniyatlar, motivlar yoki xaridorning maxsus qiziqishlariga qarab aniqlanadi. Bu holatda narx ishlab chiqaruvchining xarajatlarigagina emas, balki xaridor uchun nafliligiga ham bog'liq bo'ladi. Shunga qaramasdan, narx baribir qiymat ko'rsatkichi hisoblanadi, chunki sotilishida tovar ishlab chiqarish va sotish jarayonlarini o'tkazish bilan bog'liq bo'lgan barcha xarajatlarni qoplashi lozim. Jumladan, "Tariflar va savdo bo'yicha bosh agentlik" tomonidan qiymatning

quyidagi tariflanishidan foydalanish tavsiya etiladi: "Normal qiymat deganda, tovar kelib chiqariladigan mamlakatda materiallar qiymati va tovarni ishlab chiqarish qiymati sifatida tushuniladi, ular oddiy savdo operatsiyalari plyus ongli foyda va umumiylar".

Narxning qiymatdan asosiy farqi shundaki, narx – tarixiy dalil. U muayyan zamon va makonga tegishli. Qiymat esa baholashning tanlab olingan sharoitlariga muvofiq muayyan vaqtdagi tovarlar va xizmatlar qimmatligi haqidagi tushuncha hisoblanadi. Qiymat baholashning yakuniy natijasi hisoblanadi, ya'ni baholash – qiymatni o'lhash jarayoni. Uni baholash yordamida oladilar, ya'ni – baholash qiymatni o'lhash jarayonidir.


Baholash atamasining etimologiyasi, uning iqtisodiy mazmuni, qo'llanish sohasi va buxgalteriya hisobida bajaradigan funksiyalarini hisobga olib, baholashga quyidagicha ta'rif berish mumkin Baholash – bu buxgalteriya hisobi obyektlari qiymatining shakllanish jarayoni bo'lib, uning yordamida axborotni umumlashtirish maqsadida har bir obyekt yoki ular guruhining kattaligi o'lchanadi.

Baholash, obyektlarni hisobga qo'yishni ta'minlashi, resurslarning mavjudligi, foydalanilishi va harakatlanishi, xususiy va qarz kapitali kattaligi to'g'risidagi qiymat to'g'risidagi ma'lumotlarni shakllantirishi, xo'jalik operatsiyalari samaradorligini belgilashidan kelib chiqib, baholash jarayonlariga quyidagi amallar kiradi:

- ❖ Turli xo'jalik vaziyatlarida baholashning maqsadini belgilash
- ❖ Obyektning aylanmada turishining vaqt omili va bosqichlari asosida qiymat turini tanlash
- ❖ Uning xossalari va reglamentatsiyasini hisobga olib baholash uslubini tanlab olish
- ❖ Belgilangan qiymatni hisoblash

Qaysiki, baholash buxgalteriya hisobi uslubining elementi hisoblanar va hisob axborotinnig shakllanishida bevosita ishtirot etar ekan, u holda baholash jarayoni buxgalteriya hisobini yuritishga qo'yiladigan barcha talablarga javob berishi, olingan qiymat ko'rsatkichlari esa – buxgalteriya axborotining sifat tavsiotlari talablariga javob berishi lozim. Baholash jarayonida olingan ma'lumotlarni joriy hisobda, keyinchalik esa hisobotda foydalanishdan oldin, ularni bir qator xossalarning mavjudligi nuqtai-nazaridan tahlil qilib chiqish zarur. Aytib o'tish kerakki, hisoblab chiqilgan qiymat ko'rsatkichlari ushbu xossalarga qay darajada ega bo'lishi, baholash ma'lumotlaridan hisobda foydalanish to'g'risida, yohud ularni qo'llash sohalarini cheklash, yohud tanlangan hisoblash uslubidan voz kechish va baholash natijalarining qoniqarsiz ekanligini tan olishga imkon beradi.

Baholash o'rnlilik, tushunarililik, ishonchlilik va qiyosiylilik talablariga javob beradigan hisob ma'lumotlarini shakllantirishi uchun u quyidagi xossalarga ega bo'lishi lozim (1-rasm).



1-rasm. Buxgalteriya hisobi tizimida baholashning xossalari

Baholashning relevantligi shuni ko'zda tutadiki, u axborotdan foydalanuvchi tomonidan qaror qabul qilish uchun foydali bo'lishi yoki foydalanuvchi maqsadalariga erishishga imkon berishi lozim. Baholash mulkiy obyektlarning real qiymati, xususiy va qarz kapitalining ko'lamlari haqida axborot olishni ta'minlashi lozim. Biroq har bir keyingi vaqt paytida amaldagi korxonada xo'jalik operatsiyalari ro'y berib, ular uning aktivlari, majburiyatlari va kapitali kattaligiga ta'sir ko'rsatadi. Shuning uchun foydalilik xossasi baholashning o'z vaqtidaligi va bashoratlanuvchanligi bilan ta'minlanadi.

Baholashning o'z vaqtidaligi, uning hisob obyektlari kattaligining o'zgarishlarini aks ettirishi va korxona xo'jalik faoliyati davriga muvofiq kelishi uchun yetarli darajada qisqa vaqt oraliqlarida o'tkazilishini ko'zda tutadi.

Baholashning kelgusidagi daromadlar va xarajatlar miqdori, korxonada doimiy mavjud bo'lgan mulk qiymatining real bashoratini ta'minlash qobiliyati, uning bashoratlanuvchanligini anglatadi. Obyektning uni hisobga qo'yish uchun qiymati o'z ichiga uni sotib olish, qurish yoki tayyorlash uchun zarur bo'lgan butun sarf-xarajatlar kompleksini olishi lozim bo'lib, buning asosida obyektning kelgusidagi daromadliligin, almashtirish imkoniyatini ishonchli tarzda baholash mumkin bo'lsin. Me'yor va normativlardan ular ishlab chiqarishning texnik darajasiga mos kelishini hisobga olgan holda foydalanish orqali hisoblab chiqilgan qiymat, yuqori darajadagi bashoratlilik darajasiga ega bo'ladi. Xo'jalik operatsiyalarini amalga oshirish tashqi sharoitlari, obyektlarni baholashning o'tmishdagi va kelajakdagi hodisalar bilan aloqadorligini aniqlash, normativlarni aniq belgilashning murakkabligi bashoratlashdagi og'ishlarga olib keladi. Lekin shu bilan bir vaqtning o'zida baholashda bashoratlanuvchanlikning mavjud bo'lmasi buxgalteriya hisobi vazifalarini hal qilmaydi va uni foydalilikdan mahrum qiladi.

Baholashning navbatdagi xossasi – ishonchlilik yoki munosiblik, hisob ma'lumotlari va xo'jalik hayoti faktlarining haqiqiy mavjudligi o'rtaсидаги obyektiv muvofiqlikka erishishdan iboratdir. Bunda munosiblik tushunchasi mutlaq aniqlik yoki haqqoniylilik bilan begonalashtirilmaydi, balki aktivlarni baholash jarayonida ahamiyatli xatolarga yo'l qo'yilmasligini, baholash axboroti shakllantirilgan shaxslarning ta'siri tekislanishini ko'zda tutadi. Bu yerda baholashning ishonchliligi uning tekshiriluvchanligi va neytralligi bilan ta'minlanadi.

Tekshiriluvchanlik xossasi shuni anglatadiki, buxgalteriya hisobi axborotidan har qanday kelgusidagi foydalanuvchi bitta hisob obyektni baholashda xuddi oldingisi kabi natijani olishi lozim. Buning uchun baholashda faqat hujjatli tasdiqlangan birlamchi ma'lumotlardan foydalanish lozim, aniq aktivlar va majburiyatlarga nisbatan baholashning me'riy o'rnatilgan tartibiga qat'iy rioya qilish, shakllantirilayotgan qiymat kattaligiga ta'sir ko'rsatgan barcha omillarni e'tiborga olish, lekin bu talablarning hammasini buxgaleriya hisobida real hisobga olish juda qiyin. Tashqi bitim narxi deyarli hech qachon buxgalteriya hisobida obyektning baholanishi bo'lib qolmaydi, chunki buxgalter olingan yoki berilgan mulk qiymatini ushbu jarayonga yo'ldosh bo'lgan ko'pgina xarajatlarni hisobga olgan holda aniqlaydi. Amaliyotda sotib olish jarayonida inshoot yoki buyumning qiymati tarkibiga kiradigan xarajatlarning me'yoriy tarkibiy tuzilmasi aniqlangan bo'lishiga qaramay, baholash ko'pincha buxgalterni fikr muloxazasiga bog'liq bo'lib ularni na hisob siyosatida na hisobotda aytib o'tiladi. Bu qonunchilikda ko'zda tutilgan tekshiriladigan baholashni hamda qiymatni aniqlash usulini tanlashni qiyinlashtiradi. Ushbu vaziyatda tekshirish imkoniyati mumkin bo'lishi uchun, tashkilot tomonidan tanlab olingan hisob-kitob uslublari buxgalteriya axborotidan foydalanuvchilarga yetkazib berilishi lozim.

Baholashda tekshiruvchanlik xossasining mavjudligini aniqlash uchun bir necha yondoshuvlardan foydalanish mumkin. Ulardan birinchisiga muvofiq, baholash agar uning kattaligi isbotli tasdiqlansa, tekshiriluvchan hisoblanadi. Ushbu yondoshuvning kamchiligi bo'lib, subyektivlik, isbotning o'zining intiluvchanligi hisoblanadi.

Ikkinchı yondoshuv baholash natijalarining manfaatdor shaxslar ta'siri ostida bo'lmagan, mustaqil malakali baholovchilar tomonidan tasdiqlanishidan iborat bo'ladi.

Baholashning neytralligi u biror-bir foydalanuvchilar guruhi yoki alohida shaxs manfaatlariga yo'naltirilgan bo'lmasligi lozimligini anglatadi, oldindan aniqlangan qaror qabul qilishga turki berishi mumkin emas. Dastlab qaraganda neytrallik xossasi naflilik xossasiga ziddek tuyuladi, chunki foydalanuvchilar turli guruhlari ehtiyojlarini qondirish uchun xuddi shu obyektning shuncha baholashlari soni mavjud bo'lishi zarur. Biroq hisobda har bir obyektga bitta baho mos keladi, va u obyektiv bo'lishi lozim, aks holda axborot o'z qiymatini yo'qotadi. Shunga ko'ra buxgalteriya hisobida baholash neytral bo'lishi kerak. Shu bilan bir vaqtida hisob baholari asosida foydalanuvchilar ularga zarur ko'rsatkichlarni hisoblab chiqish imkoniga ega bo'ladilar.

Bundan tashqari, baholashning neytralligi uning oldingi baholashlar ta'siridan xolisligini anglatadi. Masalan, asosiy vositalar qoldiq qiymati kattaligiga ularning boshlang'ich qiymati va qayta baholash yo'li bilan aniqlangan qiymat ta'sir ko'rsatadi. Agar obyektni boshlang'ich qiymatini shakllantirishda to'laqonlilik talabi buzilgan bo'lsa, tiklash qiymati esa sodir bo'lgan sharoitlarni, foydalanish davri va uni intensivligini, obyektning fizik holatini hisobga olinmasdan hisoblangan bo'lsa, u holda real qiymat qoldiq qiymatga mos kelmaydi. Shunday qilib, agar baholash uslublari baholanayotgan obyekt qiymatini eskisini yangisiga almashtirishda bog'liqlik omili asosida qo'llanilgan bo'lsa, neytrallik xossasiga erishishi qiyinlashadi. Shu vaziyatdan kelib chiqib, ayrboshlash shartnomasiga ko'ra obyektlarning qiymatini aks ettirishda neytrallik xossasiga amal qilinmaydi. Milliy qonunchilikda neytrallik xossasi chiqib ketayotgan obyektlar qiymati orqali aniqlanadi, shundan sotish qiymatini aniqlashda yo'l qo'yilgan xatolar xarid qiymatiga ko'chiriladi, baholash esa oldindan kelishilgan bo'lib qoladi.

Baholashning navbatdagi xossasi – qiyosiylik – turli hisobot davridagi faoliyatning iqtisodiy ko'rsatkichlarini taqqoslash imkonini beradi. Bu xossa tahlil, bashoratlash va boshqarish qarorlarini qabul qilish uchun sharoitni ta'minlaydi. Baholashning qiyosiyligi uning bir xilligi va barqarorligiga bog'liq.

Bir xillik xossasini o'xshash obyektlar va operatsiyalar uchun bir uslubdan foydalanish sifatida ta'riflash mumkin. Ushbu xossaning baholash jarayonidagi zarurati bir nechta sabablar bilan asoslangan. Birinchidan, hisob amaliyotida qo'llanilayotgan baholash variantlarining xilmalligi turli korxonalar ma'lumotlarini taqqoslashga to'sqinlik qiladi. Ikkinchidan, ma'muriyatning baholashning o'z uslublarini tanlashdagi erkinligi real qiymat kattaliklarini ataylab yashirishga olib kelishi mumkin. Amalda yagona shaklga buxgalteriya hisobi obyektning har bir turini baholash qoidalarini me'yoriy asosda mustahkamlash orqali erishiladi.

Lekin uslublarni majburiy tanlash boshqaruv erkinligini buzadi, buxgalteriya hisobini baholashning qat'iy qoidalari va uslublari bilan cheklaydi, va ular har doim ham korxona uchun samarali emas, xo'jalik vaziyatiga mos kelmaydi va baholash natijalarini mazmuni bo'yicha emas, balki shakli bo'yicha qiyosiy qilib qo'yadi, va nihoyat hisob amaliyotining keyingi rivojlanishini to'sadi. Shuning uchun baholash uslublarini qonuniy mustahkamlashga ongli yondoshuv zarur, ularning tanlanishi majburiy emas, balki korxona hisob siyosatining ixtiyoriy maqsadi bo'lib qolishi lozim, chunki har qanday direktiv mustahkamlangan uslublarning iqtisodiy oqibatlarini oldindan ko'rish mumkin emas.

Izchillik xossasi bir tashkilot tomonidan turli vaqt oraliqlarida mulkni va majburiyatlarni baholashning muayyan uslublaridan foydalanishni bildiradi. Bunday ketma-ketlik korxona faoliyati natijalarini bashoratlashni davriy ma'lumotlar asosida amalga oshirish imkonini beradi. Agar hisobda baholashning turli uslublari yoki amallaridan foydalansilsa, u holda korxona bir hisob davridan boshqasiga o'tishda tashqi omillar ta'sirining moliyaviy-iqtisodiy oqibatlarini aniqlash qiyin. Masalan, aynan bir aktivlar turli davrlar narxlariда hisobga olingan bo'lsa,

ayniqsa narxlarning o'sish surati yuqori bo'lsa, u holda ularning qiymati noto'g'ri aks ettirilgan bo'ladi.

Biroq izchillik xossasiga rioya qilishdan agar yangi uslublar ancha aniq va foydali axborot olish imkonini bersa, baholash uslublari o'zgarishi tufayli voz kechish yaramaydi. Albatta, baholash uslublarini o'zgartirish asoslangan bo'lishi va ular amalga oshirilgan davrda aks ettirilishi lozim. Bundan tashqari, o'zgarishlar haqida buxgalteriya axborotidan barcha foydalanuvchilarga xabar berish zarur.

5. Xulosa.

Demak, buxgalteriya hisobida baholashni zamonaviy tushunish uni hisob obyekti muayyan qiymatini olish jarayoni sifatida talqin qilishini ko'zda tutadi. Baholash hisob tizimida axborotni qiymatda ifodalagani uchun, baholash jarayoni natijasi buxgalterlik axborotining barcha sifat xossalariiga ega bo'lishi lozim, bunga foydalilik, ishonchlilik va qiyosiylig xossalariiga rioya qilish orqali erishiladi. Baholash natijasi hisob registrlarida o'z aksini topishidan oldin, uni aytib o'tilgan xossalarga egaligiga tekshirish zarur. Buxgalteriya hisobi uslubining mustaqil elementi sifatida baholash, butun hisob tizimiga, va faqat ushbu elementga taaluqli bo'lgan, aytib o'tilgan xossalarga rioya qilishga yo'naltirilgan o'z tamoyillariga ega bo'lishi mumkin.

Adabiyotlar:

- Leitner F. (1923) Bilanztechnik und Bilanzkritir. Berlin –Leipzik.
Быкова А.Л. (1962) Теория бухгалтерского учета. М.,Госфиниздат.
Гуляев А.И. (1913) Начало комерческого счетоводства-М.:
Исманов И.Н. (2019) О некоторых вопросах предмета бухгалтерского учета. Журнал. Проблемы современной науки и образования №12-2 стр 88-93
Каримов А.А. (2004) Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: “Шарқ”.
Кутер М.И. (2000) Теория и принципы бухгалтерского учета. – М.: “Финансы и статистика” и “Экспертное бюро”.
Кирьянова З.В. (1995) Теория бухгалтерского учета: Учебник. М.: “Финансы и статистика”.
Макаров В.Г. (1978) Теоретические основы бухгалтерского учета. – М.: “Финансы и статистика”, (4, 54 б.);
МСФО (1998) Международные стандарты финансовой отчетности.- М.: «Аскери».
Палий В.Ф., Соколов Я.В. (1984) Теория бухгалтерского учета. Учебное пособие. –М.: “Финансы и статистика”.
Руссиян И.Р. (1891) Вопросы и ответы. Ответ на вопрос №2511 //«Счетоводство».
Струве П.Б. (1913) Политическая экономия и бухгалтерия//Русская мысль –М.:
Сумцов А.И. (1975) Теория бухгалтерского учета и бухгалтерский учет в промышленности. М., “Статистика”,
Тошмаматов Н. (2017) Бухгалтерия ҳисоби назарияси.- Т.: “Наврӯз”.
Соколов Я.В. (2000) Теория бухгалтерского учета. М.: “Финансы и статистика”.
Құдбиев Д., Исманов И.Н., Тошпулатов А. (2019) Баҳонинг шаклланиши.- Тошкент, “Наврӯз” нашриёти:
Хендриксен Э.С., Ван Бреда М.Ф. (1997) Теория бухгалтерского учета. М.: “Финансы и статистика”.



ХАРАЖАТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ, ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА МАСЪУЛИЯТ МАРКАЗЛАРИ

Абдуразақов А.А.
Тошкент молия институти

Аннотация: Мақолада танланган мавзу доирасидаги мавжуд илмий мактаблар вакилларининг тадқиқот натижалари танқидий таҳлил қилинган, умумлаштирилган ҳамда натижаларига асосланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларда харажатларниң стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишда таннархни ҳисоблашнинг замонавий усуллари моҳияти талқин қилинган, уларни интеграллашган ҳолда қўллаш матрицаси ҳамда ишлаш механизми таклиф этилган. Харажатларни бошқариш технологиялари моҳияти ёритилган. Харажатларниң стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишининг самарали ижро этувчи механизми сифатида молиявий масъулият марказлари фаолиятини ташкил қилиш асосланган. Молиявий масъулият марказларининг шакллари таклиф этилган.

Калим сўзлар: харажатларниң стратегик бошқарув ҳисоби, таннархни ҳисоблашнинг интеграл усуллари, бошқариш технологиялари, молиявий масъулият марказлари.

Аннотация: В статье по результатам исследований критически анализированы, обобщены и систематизированы существующие подходы научных школ по методикам расчета себестоимость продукции (работ, услуг), раскрыта сущность современных методов калькуляции при организации стратегического учета затрат в хозяйствующих субъектах, предлагаются матрица интегрированного использования и механизм их применения. Изложена сущность технологий управления затратами. Подробно освещены порядок организации деятельности центров финансовой ответственности как эффективного исполнительного механизма организации стратегического управления затратами. Предложены формы центров финансовой ответственности.

Ключевые слова: стратегический управлеченческий учет затратами, интегрированные методы калькуляции, технологии управления, центры финансовой ответственности.

Abstract: Based on the results of the research, the article critically analyzes, generalizes and systematizes the existing approaches of scientific schools on methods for calculating the cost of products (works, services), reveals the essence of modern methods of calculation in the organization of strategic cost accounting in economic entities, proposes an integrated use matrix and a mechanism for their application . The essence of cost management technologies is stated. The procedure for organizing the activities of financial responsibility centers as an

effective executive mechanism for organizing strategic cost management is covered in detail. Forms of financial responsibility centers are proposed.

Key words: *strategic management, cost accounting, integrated costing methods, management technologies, financial responsibility centers.*

1. Кириш.

Бугунги кунда жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёни хўжалик субъектларидан узоқ муддат учун мўлжалланган стратегик ривожланиш йўналиши ҳамда кўрсаткичларини аниқлаб олишни талаб қиласди. Зоро, ривожланган мамлакатларда ушбу тадбир "...компаниялар мувафақиятининг асосий омили бўлиб, стратегик аҳамиятга эга бўлган тезкор ва ишончли маълумотларни олиш ҳамда мұхим бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратиб келмоқда" (К.Друри, 2003).

Бутун дунё бўйлаб компанияларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг энг мұхим омили саналган стратегик бошқарув ҳисоби усусларини оптималлаштириш бўйича мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу соҳада амалга оширилган илмий изланишлар хўжалик субъектларида харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини амалий тарафдан етарлича ёритиб бера олмайди. Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобининг баъзи жиҳатлари бўйича назарий ҳамда амалий ишланмаларнинг этишмаслиги, стратегик менежментнинг аҳамияти ошиб бораётган даврда халқаро компанияларнинг ушбу ҳисоб шаклига бўлган қизиқишнинг ортиши хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини янада чуқурроқ таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

2. Адабиётлар шарҳи.

Хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш ва юритишнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини, хусусан, МДҲ давлатлари иқтисодчи олимларидан В.Керимов (2005) томонидан ҳам корхоналарда бошқарув ҳисобини харажатлар асосида ташкил қилиш, харажатларнинг бошқарув ҳисобида қўлланиладиган калькуляция усусларини янада такомиллаштириш ҳамда бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишган.

Лекин, хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини яхлит бир тизим сифатида амалий жиҳатдан ташкил қилиш бўйича илмий тадқиқот натижалари деярлик йўқ.

Россиялик олим В.Керимов (2005) таъкидлаганидек: "Миллий ўқув ва илмий адабиётларимизда стратегик бошқарув ҳисоби бўйича чоп этилган ишлар деярли йўқ ҳисоб".

Корхоналар амалиётида стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш масалалари энди кун тартибига чиқаётганлиги, шу муносабат билан амалиётда унинг моҳиятига етарлича эътибор берилмаётганлиги, аксарият ҳолатларда эса уни анъанавий тарзда бошқарув ҳисобининг бир қисми сифатида қаралаётганлигини кўрсатиб беради (И.Хахонова, Н.Хахонова, 2013).

Маҳаллий олимлардан А.Пардаев (2019) таъкидлаганидек: "...ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда, стратегик бошқарув ҳисоби- стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ахборот таъминоти шаклланадиган бошқарув ҳисобининг бир йўналиши сифатида эътироф этилади. Стратегик бошқарув ҳисоби доирасида хўжалик юритувчи субъектнинг барча фаолият йўналишларининг батафсил таҳлили амалга оширилади.

Хорижий иқтисодчи олимлардан Марк ДеФонд ҳамда Жиншуаи Ҳу (2020) стратегик бошқарув жараёнида ишлаб чиқариш жараёнидан олинган даромадларни, унинг таннархи ва сотишдан олинган пул оқимлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг таҳлили натижасида бошқариш механизмларини такомиллаштиришни таклиф қилган.

Б.Хасанов (2004) бошқарув ҳисобининг методологик масалаларини такомиллаштириш бўйича докторлик диссертацияларини ёқлаган. А.Пардаев (2019) томонидан монография ҳамда дарслик чоп этилган ва уларда стратегик бошқарув ҳисобининг кўрсаткичларини танлаб олиш, кўрсаткичларни истиқболда прогнозлаш методикаси ҳамда стратегик бошқарув ҳисобининг умумметодологик масалалари кўриб чиқилган.

Бироқ стратегик бошқарув ҳисоби бўйича яхлит тизимли қамровга эга бўлган йирик илмий ишлар кўп эмас. Ушбу ҳолат стратегик бошқарув ҳисобини янада такомиллаштириш учун қатор тавсияларни ишлаб чиқиши талаб этади.

Мавзу доирасидаги ривожланган хорижий давлатлар, МДҲ мамлакатлари, шунингдек мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ҳамда турли илмий мактаблар вакилларининг қарашлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг амалиётини ўрганиш натижалари уларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш бўйича ягона методологик ёндошув ва услубий таъминот шаклланмаганлигини кўрсатади. Бу эса мавзу доирасида илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарблигидан далолат беради.

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада илмий тадқиқот жараёнида харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисоби борасидаги иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, жараённи кузатиш, харажатларнинг миқдори ва даражасига таъсир қиласидаги омилларни тизимлаштириш, харажатларнинг стратегик бошқаруви ҳисоби самарадорлигини ошириш мақсадида, уларни интеграллашган ҳолда қўллаш матрицаси ҳамда ишлаш механизми ўрганилган, харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг самарали ижро этувчи механизми сифатида молиявий масъулият марказлари фаолиятини ташкил қилиш механизми таҳлил қилинган, муаллиф тадқиқотлари билан қиёсий таҳлил олиб бориш орқали тадқиқот натижаларига асосланиб, хуласа ва таклифлар берилган.

4. Таҳлиллар ва натижалар.

Глобаллашув ва ўзаро рақобатнинг кучайиб бораётган ҳозирги шароитда амалиётчилар харажатларни ҳисобга олишда маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш натижасида вужудга келадиган мураккабликларни ечиш учун стратегик бошқарув ҳисоби ва таҳлилнинг замонавий усуллари саналадиган «ABC» ҳамда «XYZ» тизимларига жиддий эътибор беришни бошладилар. «ABC» усулини «80/20 қоидаси» ёки «Парето принципи» деб ҳам атashади.

Бу усулнинг моҳияти - маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ёки алоҳида элементнинг таннархини аниқлашда фойдаланилаётган ресурсларни учта, яъни A, B ва C групхарга бўлиб ҳисобга олиш амалга оширилади. А групхи харажатлари барча ресурслар қийматининг 80%ни ташкил этадиган ва энг қиммат маҳсулотларнинг 20%ни ташкил этадиган ресурсни, B групхига ресурсларнинг учдан бир қисми киради, уларнинг харажатлари барча ресурслар нархининг 15% ни ташкил қиласиди, С групхига эса, ресурсларнинг қолган ярми, уларнинг улуши атиги 5%ни ташкил қиласиди. Бу ҳолда харажатларни стратегик бошқариш энг кичик ва энг қиммат А групхидан бошланиши керак. «ABC» усули йирик хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жуда самарали тарзда қўлланилади.

Бироқ, у айни пайтда амалиётда камроқ маълум бўлган «XYZ» усули билан биргаликда ишлатилса, янада яхши самара беради. Чунки, шу икки усул бирга ишлатилса, бу ресурсларнинг сарфланишига қараб таснифланиши ҳамда шунга мувофиқ тарзда уларни харид қилишга бўлган истемол талабини башорат қилиш имконини беради. Ишлаш механизми эса қўйидаги тартибда бўлади: X - бу барқарор истемол қиймати ва истемол даври прогнозининг юқори аниқлиги билан тавсифланган ресурслар; Y - ресурсларга бўлган эҳтиёж маълум анъаналар билан боғлиқ бўлиб, уларни башорат қилишнинг ўртача қобилияти билан изоҳланади; Z - тартибсиз фойдаланиладиган ва истеъмоли миқдорини олдиндан айтиш қийин бўлган ресурслар гурухи деб, ҳисобга олинади. «XYZ» таҳлилининг натижаларини «ABC» усули маълумотларига матрица тарзда жойлаштириш (1-расм) ресурсларни тўққизта блокга бўлиш имконини беради, уларнинг ҳар бири иккита хусусиятга эга бўлади - ресурснинг қиймати (баҳоси) ва унга бўлган эҳтиёжни башорат қилишнинг тўғрилиги даражаси.

	X	Y	Z
A	AX	AY	AZ
B	BX	BY	BZ
C	CX	CY	CZ

Истеъмол устидан
назоратнинг пасайиши

Прогнозлаштириш аниқлигининг камайиши

1-расм. ABC ва XYZ усуллари натижаларидан интеграллашган ҳолда фойдаланиш.

1-расмда тасвирланган 9 та блокларни бошқаришда маълум қонуниятлар мавжуд. Хусусан, CX, CY, CZ тоифалари бир хил тарзда бошқарилади. BX, BY, BZ га келсак, режалаштириш вақти бўйича мос келиш ва шу билан бир қаторда етказиб бериш усуллари бўйича фарқлар каби иккала тасодиф ҳам бўлиши мумкин. AX, AY, AZ блоклари учун эса ҳар доим индивидуал бошқарув усуллари ишлаб чиқлади. Масалан, AX учун харидларнинг мақбул миқдорини ҳисоблаб топиш ва бунинг учун “Sistem in time” усулини (технологиясини) қўллаш мумкин. AZ учун буни амалга ошириш мумкин эмаслиги сабабли, хавфсизлик заҳирасини шакллантириш ва харажатларни бошқаришда буни ҳисобга олиш керак бўлади.

Хулоса қилиш мумкини, ABC усулидан фойдаланишдан стратегик фойда олиш эҳтимоли маҳсулот бирлиги таннархини ташкил этувчи механизмни соддалаштириш даражасига тескари пропорционалдир. Ассортиментнинг ўзгариши билан, қолган маҳсулотларга бўлган харажатлар миқдори ҳам ошибб кетади. Энг катта ҳажмда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қўшимча харажатларнинг асосий қисмини ўз зиммасига олади, шу билан бирга юқори баҳоланади ва бунинг натижасида кам фойда кўрсатади, ёки умуман зарарга чиқади. Стратегик жиҳатдан бу агрессив паст нархлар орқали юқори ишлаб чиқариш ҳажмига эга сегментни эгаллаш учун банд бўлмаган бозорга кириш имконини беради. Бу кўпроқ стандарт маҳсулотларга тегишли. Бироқ, бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг ечими ABC усулини харажатларни стратегик бошқариш тизимига мослашишга имкон беради.

Бу муаммоларни қўйидаги йўллар билан ҳал қилиш мумкин:

1. Ишлаб чиқаришнинг стратегик харажатларига динамик ёндашишни таъминлаш, яъни жорий ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулотларга тақсимлашга, қиймат

занжиридаги янги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан боғлиқ бўлмаган барча харажатларни камайтириш ёки ҳатто бутунлай йўқ қилишга эътибор қаратиш лозим. Шу мақсадда, жорий фаолиятни маҳсулот ишлаб чиқаришга тақсимлашдан ташқари, харажатларни стратегик бошқариш тизими истеъмолчи учун ҳақиқатан ҳам муҳим бўлган фаолият турларини ва уларни максимал самараదорлик билан қандай амалга оширишни доимий равишда кўриб чиқиш керак (2-расм).

Харажатлар таркиби таҳлилининг матрицаси

		Фаолият самаралими?	
		ҳа	йўқ
Фаолият қиймат яратадими?	йўқ	B	C
	ҳа	A	D

2-расм. Харажатлар таркиби таҳлилининг матрицаси.

Фақат саноат корхонасининг А квадрантга кирадиган фаолияти ва унинг тегишли харажатлари маҳсулотларга тақсимланиши керак. Д квадрантидагиларнинг А квадрантига ўтиши учун, улар самараదорлигини ошириш йўллари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиши керак. С квадрантидагилар - нолга тенглашади. Бундан ташқари, В квадрантида фойдаланилган ресурсларни қўшимча қиймат ишлаб чиқарадиган фаолиятга ўтказиш мумкинми ёки йўқлигини текшириш керак бўлади.

2. Кўпгина хўжалик юритувчи субъектларда стратегик хусусиятга эга бўлган ишлаб чиқариш таннархининг муҳим қисми маҳсулот ишлаб чиқариш босқичига киришидан анча олдин (масалан, тадқиқот ва ишланмалар билан боғлиқ харажатлар) юзага келганлиги сабабли ёки ишлаб чиқариш жараёнидан анча вақт ўтгач пайдо бўлади (масалан, маркетинг ва сотиш харажатлари). Харажатларни стратегик бошқаришда қўлланиладиган ABC усули ана шундай харажатлар компонентларини ҳам тўлиқ ҳисобга олиши керак. Бу яна бир бор харажатларни стратегик бошқаришда қиймат занжирининг ишлаб чиқариш сегментида харажатлар қанчалик тўғри ҳисобланганидан қатъи назар, улар албатта, кенг кўламда, яъни қиймат занжирининг бир бутун тизими даражасида кўриб чиқилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

3. ABC усули бугунги кун стратегияларини ишлаб чиқишга қаратилган. Харажатларни стратегик бошқаришда қўллаш, агар кейинги даврларга узайтирилса, стратегик нотўғри ҳисоб-китоблар хавфини келтириб чиқаради. Шунинг учун, ABC усулини қўллашда шуни ҳисобга олиш керакки, харажатларни стратегик бошқариш жорий рақобатбардош ўрнини (жойлашувни) доимий равишида қайта баҳолашни ва келажақдаги рақобат ҳолатини яхшироқ тушуниш учун ҳозирги шароитга кўпроқ мослаштирилган муқобил вариантларни кўриб чиқишини ўз ичига олади. Баъзи ҳолларда, бу хўжалик юритувчи субъект учун харажатларни бошқариш тизимини модернизация қилиш йўналишида катта маблағ ва саъй-ҳаракатларни қилишини талаб қиласи.

Харажатларни бошқаришда муҳим ролни бошқа яна бир таркибий омил - технологияни танлаш ўйнайди. Бу омил ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки, кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар янги ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштиришда жуда секинликлари

туфайли жаҳон бозорларида рақобат даражасига мослаша олмасдан, орқада қолмоқда. Ушбу ҳолатнинг турли сабабларини кўриб чиқиш мумкин, аммо саволни қўйидагича қўйиш муҳимроқдир, деб ҳисоблаймиз: харажатларни стратегик бошқаришнинг янги технологиялари билан капитал қўйилмалар таҳлили ўртасидаги боғлиқлик қандай?

Илм-фан, инновация ва технологияга (ИТТ) сармоя киритиш нафақат қиймат занжири таҳлили ва стратегик жойлашишни аниқлашга, балки биринчи навбатда харажат омиллари таҳлилига асосланиши керак, чунки технология қиймат занжирининг муҳим босқичларига харажат микдорининг кескин ошиши билан таъсир қиласди. Бизнес нуқтаи назаридан, ИТТ рақобатдош устунликларни ёки ишлаб чиқариш тузилмасини акс эттирадиган дараҷада муҳимдир.

Рақобат устунлигига эришишда технология ролини тушунишнинг асосий воситаси қиймат занжири ҳисобланади. Замонавий саноат корхонаси - бу саноат корхонасининг ҳар бир турдаги қиймат яратиш фаолиятида ўз ифодасини топган технологиялар мажмуи бўлиб, фан-техника тараққиёти деярли ҳар қандай фаолият турига таъсир кўрсатиш орқали рақобатга таъсир қилиши мумкин.

Умуман олганда, хўжалик юритувчи субъект томонидан фан-техника тараққиёти, инновация ва технологиялар ютуқларидан фойдаланиш, барқарор рақобатдош устунликларга олиб келади деган хulosага келиш мумкин. агар:

- ИТТ харажатларни камайтиришга олиб келса ёки ишлаб чиқариш ва технологияларни диверсификация қилишни чуқурлаштирса;
- ИТТ харажатлар омилига нисбатан хўжалик юритувчи субъектнинг барқарор устуворлигини таъминлай олса;
- ИТТ харажат омилини ёки унинг ўзига хослигини хўжалик юритувчи субъект фойдасига ўзгартира олса;
- ИТТ ютуқларини ўз вақтида ўзлаштириб олиш технологиянинг ўзига хос бўлганидан ташқари, етакчининг афзаллигига айлана олса;
- ИТТ хўжалик юритувчи субъектнинг умумий тузилишини такомиллаштира олишга таъсир этса.

Харажатларни стратегик бошқариш нуқтаи назаридан, технологиянинг ижобий таъсири бундай бошқарувнинг барча уч компонентини ҳисобга олган ҳолда аниқ кўринади. Умуман олганда, муаммони қиймат занжири нуқтаи назаридан кўриб чиқиш (хом ашё етказиб берувчилардан бошлаб якуний истемолчига етказиб бериладиган тайёр маҳсулотнинг қиймат яратувчи тадбирлар мажмуси) бу парадоксни аниқ кўрсатиб беради: янги технологияга ўтиш молиявий манбаатларга олиб келади, лекин сармоя киритилиши керак бўлган босқичда амалдаги нарх сиёсати бўйича қўшимча даромад олинмайди. Стратегик жойлашув нуқтаи назаридан кейинги кўриб чиқиш, янги технологияга ўтиш кейинги 10-15 йил учун позицион стратегия доирасида мажбурий эканлигини кўрсатиши мумкин. Ниҳоят, янги технологияга ўтиш фактини ўрганиш асосий таркибий харажат омилидир. Шундай қилиб, санаб ўтилган харажатларни шакллантириш омилларидан бирини фаоллаштириш қўйидаги хulosалар чиқаришга имкон беради:

- жорий харажатларни бошқариш учун, шу жумладан оператив таҳлил асосида харажатлар дараҷасини белгиловчи энг муҳим омил ишлаб чиқариш ҳажми ҳисобланади. Бундан фарқли ўлароқ, стратегик таҳлил учун ҳажм одатда харажат хатти-ҳаракатини тушунтирувчи камроқ аҳамиятли омил ҳисобланади;
- стратегик маънода харажат позициясини рақобатбардош позицияни шакллантирадиган таркибий алтернативалар нуқтаи назаридан тушунтириш муҳимроқдир;

- стратегик ривожланишга таъсир этувчи барча омиллар ҳар доим ҳам бир хил даражада мұхим әмас, лекин баъзилари (одатда бир нечтаси) ҳар қандай ҳолатда жуда мұхим бўлиши мумкин;

- ҳар бир харажат омили учун маҳсус харажатларни бошқариш тизими мавжуд, бу хўжалик юритувчи субъектнинг ўз ўрнини топиши учун мұхим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай фаолият ижро этувчи механизм мавжуд бўлишини талаб қиласди. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун саноат корхоналари функционал - бўлинмаларнинг функционал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўпламини ташкил қиласди. Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тузилиши ва тақсимланиши бошқарув вертикали деб аталади, бу масъулиятнинг турли даражалари (бўйсуниш) билан тавсифланади, бу барча даражалар ўртасида ишончли ва самарали алоқани ўрнатади ва бу бозор шароитида бизнесни расмий бошқаришни таъминлаши керак. Бундай мослашиш механизми тарихий ривожланиш жараёнида ишлаб чиқилган, бунинг натижасида турли хил ташкилий тузилмалар шаклланган:

- функционал - барча ташкилий бўлинмаларнинг функционал асосда бўлиниши;

- бўлинма - бўлинмаларни маҳсулот бўйича тақсимлаш ва хўжалик юритувчи субъект фаолияти функцияси фақат бутун хўжалик юритувчи субъект учун умумий функцияларни бажарадиган бўлинмаларни гурухлаш белгиси сифатида ишлатилади:

- матрица - лойиҳа ёки мижоз билан ишлаш учун масъул бўлган менежерлар институтини тақсимлаш, улар ҳар қандай бўлимлардан - маҳсулотлардан тортиб функционал бўлимларгача, уларнинг фаолиятини энг оқилона ташкил этадиган мутахассисларни жалб қилишлари мумкин.

Хўжайранинг ташкилий тузилмаларидан қатъий назар, ўзаро боғлиқликлар мавжуд бўлиб, уларни шакллантириш ва танлаш учун маълум тамойиллар қўлланилади:

- функционал - функционал вазифалар асосида тақсимлаш;

- технологик - технологик занжирдаги бўғиннинг иш жойига қараб тақсимлаш;

- озиқ-овқат - маълум бир маҳсулотни (маҳсулотлар гурухини) ишлаб чиқариш, сотиш ва техник хизмат кўрсатиш асосида тақсимлаш:

- бозор - бўғин орқали хизмат кўрсатадиган мижозлар гурухи асосида шакллантириш;

- ҳудудий - жойлашуви бўйича танлаш;

- буюртма - мұайян буюртмани (loyiҳani) амалга ошириш учун маҳсус шаклланиш.

Ташкилий тузилма турли хил шаклланиш тамойилларидан ташқари, ваколатларнинг концентрацияси, раҳбарлик тури, ишлаб чиқариш тури ва атроф-муҳитнинг хусусиятлари каби омиллар таъсирида ҳам шаклланади.

Назорат назарияси постулатларидан бири режалаштирилган натижага эришиш учун ҳаракатларнинг бажарилишини назорат қилиш кераклиги ҳақидаги тезисдир. Назорат – бу мақсадни белгилаш, режалаштириш ва амалга оширишдан кейин харажатларни бошқариш механизмининг мажбурий элементидир. Бу назорат (ҳаракат) субъекти ва ушбу назорат натижасининг субъекти (бу ҳолда молиявий натижа - фойда) бир-бири билан заиф боғлиқлиги билан изоҳланади - бу икки хил обьектдир. Хўжалик юритувчи субъект фаолияти жараёнида амалга оширилган ҳаракатларни назорат қилиш орқали биз фойда олишни әмас, балки чора-тадбирлар режасининг бажарилишини таъминлаймиз. Ҳақиқий ҳаракатларни назорат қилиш ва уларнинг натижалари ўртасидаги номувофиқлик муаммосидан чиқиш йўлини излаш учун масъулият марказлари томонидан бошқариш назарияси ишлаб чиқилди (Дж.Холл, Р.Фрейзер, 2007). Бу назариянинг моҳияти қўйидагидан иборат - ўзининг функционал вазифаларини бажараётib, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳар бир бўлинмаси ўз ҳаракатлари билан даромад ёки харажатлар улуши шаклида умумий молиявий натижага ҳисса қўшади. Молиявий ҳисса нима билан

изоҳланади деган саволга, муаллифлар шундай жавоб беришади - даромад ёки харажатлар ушбу бўлинманинг функционал мажбуриятларидан (вазифаларидан) келиб чиқиб белгиланади.

Функционал вазифаларнинг бажарилишини даромадлар ёки келтириладиган харажатлар даражаси билан боғлаш орқали ҳаракатлар ва уларнинг натижаси ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш мумкин. Шу билан бирга, бўлинма ўз вазифаларини бажариши (бундай ҳаракатларни бажариши) учун ўрнатилган молиявий жавобгарлик даражаси кузатилиши керак бўлган молиявий масъулият марказига (МММ) айланади. Бу даражага риоя қилиш бюджетда у учун белгиланган маълум молиявий кўрсаткичга (даромад ёки харажатлар) эришишни англатади. Бунда молиявий жавобгарлик даражаси орқали иккала ҳаракатни (функционал вазифаларни бажариш) ва уларнинг натижаларини назорат қилиш мумкин. Ушбу ёндашув билан саноат корхонасига исталган натижани, яъни режалаштирилган ҳажмдаги фойдани олиш кафолатланади.

- МММ - бизнес жараёнларининг маълум бир тўпламини амалга оширадиган, ушбу жараёнлардан олинадиган харажатлар ёки даромадларга бевосита тъсир кўрсатишга қодир бўлган ва ушбу харажатлар ва/ёки даромадлар миқдори учун жавобгар бўлган таркибий бўлинма. Молиявий жавобгарлик даражаси бюджетлар ижроси орқали назорат қилинади. Агар бирлик унга ишониб топширилган кўрсаткичларнинг қийматига таъсир қила олмаса, у молиявий ҳисоб маркази (МҲМ) мақомини олади.

- МҲМ - унинг учун ташкил этилган даромадлар ва / ёки харажатлар кўрсаткичлари ҳисобларни юритадиган таркибий бўлинма, лекин уларнинг умумий миқдори учун жавобгар эмас.

- Харажат марказлари ўзларининг функционал вазифаларини бажариш учун турли хил ресурсларни истемол қиласидиган бўлимлар назарда тутилади. Харажат марказларининг ўзига хослиги шундаки, ҳар қандай алоҳида олинган бўлинма ўз фаолиятини юритиши учун ресурсларни истемол қиласи ва шу маънода у масъулият марказларининг бошланғич, яъни энг бириничи даражасидир (A.Pardayev, Z.Pardayeva, 2019).

- Даромад марказлари ўз фаолияти орқали оладиган даромади учун масъулдир. Дастребки масъулият маркази юқорида қайд қилинганидек харажатлар марказ бўладиган бўлса, улар фақат ўз харажатлари миқдори бўйича жавобгар бўлганлар. Даромад учун масъул бўлган бирлик эса ҳам харажатлар ва ҳамда даромадлари учун жавобгар бўлади.

- Маржинал даромад марказлари (МДМ) олинган маржинал даромад (соф даромад, маржинал фойда, ялпи фойда) учун жавобгардир. Бундай ҳолда, бизнес соҳалари ўз бюджетининг даромад ва харажатлар қисмини назорат қилиб, фақат тўғридан-тўғри харажатлар нуқтаи назаридан фаолиятлари самарадорлиги учун жавобгардир. Кейин олинган даромад биринчи навбатда хўжалик юритувчи субъектнинг умумий харажатларини қоплашга, сўнгра соф фойдани шакллантиришига йўналтирилади. Маржинал даромад марказлари қути таркибий даражадаги фаолиятнинг даромадлари ва бевосита харажатлари учун масъул бўлган шунга ўхшаш марказлардан иборат бўлиши мумкин.

- Фойда маркази (ФМ) – ўз-ўзидан маълумки, бундай мақомга эга бўлган бўлинмалар олаётган фойдаси учун ҳам жавобгар ва ҳам манфаатдор бўлишади. Юқорида санаб ўтилган масъулият марказларининг бирини ёки бошқасини қачон ишлатишни билиш учун шуни ёдда тутиш керакки, хусусан фойда марказини оладиган бўлсак, фойда корхонанинг барча даромадлари ва унинг барча харажатларини таққослаш натижасида, яъни якуний молиявий натижага сифатида пайдо бўлади. Шу билан бирга, маржинал даромад алдоҳида олинган бир бўлинма даромадининг бир қисми ва ушбу

қисмга тўғри келадиган тўғридан-тўғри харажатлар ўртасидаги мувофиқликни ўрнатади ва шунинг учун оралиқ молиявий натижа ҳисобланади.

• Инвестиция марказлари (ИМ) - бутун молиявий тузилманинг юқори қисми. Улар нафақат олинган фойда ҳажми учун жавоб беради, лекин айланма маблағларни (асосий воситалар ва номоддий активлар) бошқара олади. Бу шуни англатадики, ИМ инвестицияларни жалб қилишлари, молиявий қўйилмаларни амалга оширишлари ва бунингн натижасидан олган маблағларини тасарруф этишлари мумкин. Ана шундай ҳолатларда, ИМ ушбу инвестицияларнинг даромадлилигини таъминлаши шарт ва шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектнинг барча активлари рентабеллиги учун жавобгардир. Фойда марказидан фарқли ўлароқ, инвестиция марказлари (ИМ) худди шу хўжалик юритувчи субъектнинг энг юқори масъулит маркази бўлиб, (одатда у хўжалик юритувчи субъектларда битта, ва айнан ана шу субъектнинг ўзи бўлади), унга қўйилган барча капитал миқдори учун жавобгардир ва шунинг учун асосий воситаларни бошқариш ва шунинг учун. инвестицияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлишади. Инвестиция марказларининг масъулияти, яъни жавобгарлик даражаси ROI коэффициенти, яъни хўжалик юритувчи субъектга киритилган барча капиталнинг рентабеллиги коэффициенти билан белгиланади.

Бўлимлардан молиявий ҳисоб маарказлари (МҲМ) шакллантиришнинг учта варианти мавжуд:

- битта бўлимдан (бўлимнинг функционаллиги мустақил ва етарли функцияни бажариш учун ҳам, унинг молиявий натижаси учун ҳам ягона жавобгарликни белгилаш учун);
- бир нечта бўлинмаларни бирлаштириш орқали;
- ҳар бири алоҳида МҲМ мақомини оладиган ёки ҳар қандай бошқа молиявий ҳисбот марказларига қўшиладиган икки ёки ундан ортиқ қисмларни битта бўлимдан ажратиш орқали.

Молиявий ҳисоб марказлари қўйидаги ҳолларда бир нечта бўлинмаларни бирлаштириш орқали шакллантирилади:

- бир хил турдаги даромадлар ва/ёки харажатларга эга бўлган бир нечта бўлинмалар мавжуд бўлганда;
- ўзаро боғланган ишларни бажарадиган бир нечта бўлинмалар мавжуд бўлганда;
- технологик занжир билан бирлаштирилган бир нечта бўлимлар мавжуд бўлганда;
- бирининг иш натижалари кейингиси учун материал манбаси бўлиб хизмат қилганда ва ш.к.

- турли функцияларни бажарадиган, лекин биттасида умумий якуний натижа оладиган бир нечта бўлимлар мавжуд бўлганда. Харажатларни стратегик бошқаришни амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали ишлишини таъминлайдиган самарали воситага айланиши мумкин. Шу билан бирга, харажатлар ва уларнинг пайдо бўлиш жойлари тўғрисида объектив маълумотларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай маълумотларни олишнинг энг мақбул варианти масъулият марказлари томонидан харажатларни ҳисобга олишдир. Бу харажатларни стратегик бошқариш жараёнида муваффақиятли нарх ва ассортимент стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

5. Хуроса ва таклифлар.

Мавзу доирасида, яъни харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишда муҳим йўналиш харажатларни ҳисобга олиш усуллари ишларидир, деган илмий хуросага келинган. Глобаллашув ва ўзаро рақобатнинг кучайиб бораётган ҳозирги шароитда амалиётчилар харажатларни ҳисобга олишда маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш

натижасида вужудга келадиган мураккабликларни ечиш учун стратегик бошқарув ҳисоби ва таҳлилнинг замонавий усуллари саналадиган «ABC» ҳамда «XYZ» тизимларига жиддий эътибор беришни бошладилар. Таҳлиллар ва илмий тадқиқотлар натижасига асосланган ҳолда, хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш учун «ABC» ҳамда «XYZ» тизимларидан интеграллашган ҳолад фойдаланиш керак, деб ҳисоблаймиз. Ҳамда бу усул самара бериши учун уни мақолада таклиф этилган кетма-кетлиқда ва “харажатлар таркибининг таҳлили борасида матрица”сидан фойдаланган ҳолда жорий этиш, мақсадга мувофиқдир.

Харажатларни бошқариш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишда муҳим ролни бошқа яна бир таркибий омил - технологияни танлаш ўйнайди.шу муносабат билан мақолада технологияни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар гурухлаштирилди, улар ўртасидаги функционал ва стратегик боғланишлар кўрсатиб берилди.

Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш қилиш учун молиявий масъулият марказларини ташкил қилишга эътибор қаратиш муҳимдир, деган илмий холосага келинган. Ишда молиявий масъулият марказларининг гурухлари ва шу борада ҳозир инновацион ҳисобланадиган йўналишлари таклиф этилган.

Адабиётлар:

Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. (2019) Boshgaruv hisobi: Darslik /A.X. Pardayev, Z.A. Pardayeva. - T.: “Iqtisod-Moliya”. -556 b.

Mark DeFond, Jinshuai Hu. (2020) The effect of fair value accounting on the performance evaluation role of earnings/ Jounal of accounting and Economics. Volume 70, issues-2-3, November-December, 101341
<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0165410120300434?via%3Dhub>

Друри К. (2003) Управленческий учет для бизнес-решений: Учебник / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, - 665 с. – (Серия «Зарубежник учебник»). Стр. 567-569.

Керимов В.Э. (2005) Стратегический учет. Учебное пособие / В.Э. Керимов – М.: Омега-Л, 168 с

Пардаева Ш.А. (2022) Хўжалик субъектларида молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш. /Монография – Т.: “Lesson Press” нашриёти, - 124 б.

Холл Дж., Фрейзер Р. (2007) За гранью бюджетирования. Как руководителям вырваться из ловушки ежегодных планов. -М.: Вершина.

Хахонова И.И., Хахонова Н.Н. (2013) Система стратегического учета: формирование и развитие // Фундаментальные исследования. – № 6-3. – С. 720-724;

Ҳасанов Б.А. (2004) Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. диссертацияси. –Тошкент, Банк-Молия академияси.



РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА МҲХСНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Аҳмаджонов А.К.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Ҳозирги кундаги МҲХСга ўтиши масаласи кўплаб миллий компаниялар учун долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу жараённи соддалаштириш учун алоҳида босқичларда соддалаштирилиши мумкин бўлган МҲХСни ташкилотга татбиқ этиши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича ушбу мақолада амалий таклифлар келтирилган.

Калим сўзлар: Халқаро стандартлар, молиявий ҳисобот, МҲХС, бухгалтерия, инвестиция, трансформация, очик баланслар.

Аннотация: Сегодня вопрос перехода на МСФО является актуальной задачей для многих отечественных компаний. В целях упрощения этого процесса в данной статье представлены и рассмотрены практические предложения по разработке мероприятий по внедрению МСФО в организации, которые могут быть упрощены на отдельных этапах.

Ключевые слова: Международные стандарты, финансовая отчетность, МСФО, бухгалтерский учет, инвестиции, трансформация, открытые балансы.

Abstract: Today, the issue of transition to IFRS is an urgent task for many domestic companies. In order to simplify this process, this article presents and considers practical proposals for the development of measures for the implementation of IFRS in organizations, which can be simplified at individual stages.

Key words: International standards, financial reporting, IFRS, accounting, investments, transformation, open balance sheets.

1. Кириш.

Бухгалтерия тизимларини мувофиқлаштириш ғояси халқаро стандартлар доирасида амалга оширилмоқда. Унинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир мамлакатда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг ўзига хос модели ва уни тартибга солувчи стандартлар тизими мавжуд. Энг асосийси, ушбу стандартлар мамлакатларда мавжуд бошқа стандартларга зид келмаслиги яъни, ўзаро “үйғуникида” бўлиши лозим. Дунёда ушбу йўналишдаги ишлар 1961 йилдан бери давом этмоқда.

Бухгалтерия тартиб-таомилларини стандартлаштириш ғояси бухгалтерия ҳисобини бирхиллаштириш доирасида, Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари Қўмитаси томонидан МҲХСни ишлаб чиқиш ва нашр этиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу ёндашувнинг моҳияти мамлакатларда ҳар қандай вазиятга мос келадиган ягона

стандартларни ишлаб чиқиш, ва шу билан, миллий стандартларни яратиш заруратини бартараф этишдан иборат.

МХХС ҳақида гап борар экан, биз бухгалтерия ҳисоби жараёнлари амалиётiga кирган тарихий мұхым саналар ҳақида бироз тұхталиб үтиш мақсадға мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Халқаро стандартларнинг оммалашышига икки үзгариш сабаб бўлди. Биринчиси, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Құмитаси, АҚШ Конгресси ва Халқаро қимматли қоғозлар комиссияси үртасида халқаро ташкилотларнинг ўз акцияларини Америка биржаларида рўйхатдан үтказиш учун кўпроқ хорижий компанияларни жалб қилиш истагини акс эттирувчи битим имзоланғанлиги. МХХСга үтишни тезлаштирган иккинчи воқеа қитъа мамлакатлари ягона ҳамжамиятга бирлаша бошлагандан содир бўлди. Бу асосан, мамлакатга капитал жалб қилиш эҳтиёжининг ўсишини олдиндан белгилаб қўйди.

Сўнгги йилларда молиявий ҳисоботда сезиларли үзгаришлар юз берди. Бунинг далилини бутун дунёда МХХСнинг тобора кенг қўлланилаётганлигига кўриш мумкин. Кўпгина минтақаларда МХХС бир неча йиллардан буён қўлланиб келинмоқда, уларни амалга оширишни режалаштирган минтақалар сони 2019 йилда кескин равишда кўпайди. Мамлакатларнинг МХХСга үтиши тўғрисидаги сўнгги маълумотларни “Interactive IFRS adoption by country map” орқали кўриш мумкин. Сўнгги йилларда сиёсий мұхитнинг үзгариши МХХСга үтиш учун мұхим омил бўлди. МХХС Құмитаси ушбу масалалар бўйича жадал иш олиб бормоқда, шунинг учун, стандартлардаги қатор үзгаришлар келгуси бир неча ой ва йиллар мобайнида давом этиши мумкин.

2. Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодчи олим С.Ташназаров (2016) таъкидлаганидек, дунё бозорига чиқиш, халқаро кредит олиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун молиявий ҳисоботни МХХСлари бўйича тузиш мақсадға мувофиқдир. Мамлакатимизда МХХСлари асосида молиявий ҳисобот тузаштаган компаниялар сони ошиб бормоқда. Чунки, молиявий ҳисоботнинг шаффофлигини оширишга эришиш фақат МХХСларга үтиш орқали амалга оширилиши мумкин бўлади. Шу боис, халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар ҳамда илғор инструментлар ва тажрибалардан фойдаланиш кун тартибидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

О.Соловьевнинг (2010) фикрига кўра, “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳақиқатан ҳам халқаро аҳамиятта эга бўлиб, кўплаб мамлакатларнинг тажрибаларини бирлаштиради”.

В.Терехова (2000) турли мамлакатлар томонидан МХХС қўлланишининг асосий сабабларидан бири сифатида компаниянинг ҳисоботни шакллантириш харажатларини қисқартиришини келтиради.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараённан олинган маълумотларга ишлов беришда мантиқий мушоҳада, адабиётларни танқидий ўрганиш, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, иқтисодий таҳлил, таққослама усуулар, анализ ва синтез, гурухлаш, эксперт баҳолаш, абстракт-мантиқий фикрлаш усууларидан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Жаҳонда МХХС фаол тарқалишининг ҳозирги ҳолатига асосланиб айтиш мумкинки, 2013 йилдан МХХСни ишлаб чиқиш босқичидан маълум даражада үтиш учун турли мамлакатлар стандартларни қўллашни ўрганиш лойиҳасини бошланди.

Ташаббуснинг биринчи қисми сифатида Кенгаш юрисдикциялар бўйича МХХСнинг қўлланилишини турли манбалардан олинган маълумотларга, шунингдек, миллий тартибига соловчилар ва бухгалтерия ходимлари иштирок этадиган маҳсус сўровнома маълумотларига асосланиб назорат қиласди.


1-жадвал

Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларининг дунёда қўлланилиши

Давлат	МХХСнинг қўлланиш ҳолати
Австралия	Барча ҳусусий сектор субъектлари учун мажбурийдир ва 2005 йилдан бери давлат сектори субъектларининг ҳисоботлари учун асос бўлиб хизмат қилмоқда
Аргентина	2012 йилдан бошлаб мажбурийдир
Бразилия	2011 йилдан бошлаб банклар ва компанияларнинг консолидациялашган молиявий ҳисботи учун ва 2008 йилдан бошлаб компанияларнинг алоҳида ҳисоботлари учун мажбурийдир
Буюк Британия	2005 йилдан бери уларни қабул қилиш ва жорий этиш тартиб-қоидалари доирасида мажбурийдир
Германия	2005 йилдан бери Европа Иттифоқида уларни қабул қилиш ва жорий этиш тартиб-қоидалари доирасида мажбурийдир
Европа Иттифоқи	2005 йилдан бошлаб барча Европа Иттифоқига аъзо давлатлар рўйхатидаги компаниялар учун Европа Иттифоқида қабул қилинган МХХС қўлланилади
Ҳиндистон	Баъзи компаниялар томонидан ихтиёрий равишда қўлланилади. МХХСга ўтиш санаси ҳали белгиланмаган
Индонезия	Қисман қабул қилинган. МХХСга ўтиш режаси эълон қилинмаган
Италия	2005 йилдан бери Европа Иттифоқида уларни қабул қилиш ва жорий этиш тартиб-қоидалари доирасида мажбурийдир
Канада	2011 йилдан бери компаниялар учун мажбурий ҳисобланади ва ҳусусий сектор компаниялари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун рухсат берилган
Хитой	Миллий стандартлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар МХХСга мос келади
Мексика	2012 йилдан бошлаб мажбурийдир
Корея Республикаси	2011 йилдан бошлаб мажбурийдир
Россия Федерацияси	2012 йилдан бошлаб МХХС компаниялар, банклар, сўғурта компанияларининг консолидациялашган молиявий ҳисботларини тузишда мажбурийдир
Саудия Арабистони	Банклар ва сўғурта компаниялари учун мажбурийдир. МХХСга тўлиқ ўтиш режалаштирилмоқда
АҚШ	2007 йилдан бошлаб МХХС чет эл эмитентларига рухсат берилган
Туркия	2008 йилдан бери компаниялар учун мажбурийдир
Франция	2005 йилдан бери Европа Иттифоқида уларни қабул қилиш ва жорий этиш тартиб-қоидалари доирасида мажбурийдир
Жанубий Африка	2005 йилдан бери компаниялар учун мажбурийдир
Япония	2010 йилдан бери баъзи ҳалқаро компаниялар учун рухсат берилган

Шуни таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатларда МҲҲСни қўллашнинг дастлабки шартлари инвесторлар ва акциядорларга компаниянинг молиявий ҳолати ва молиявий фаолияти тўғрисидаги маълумотларга кириш ҳуқуқини бериш зарурати билан боғлиқ. Агар Европа мамлакатларида компаниянинг қимматли қоғозлари бўлса, фонд биржасида котировка қилинмайди, кейин бундай ҳисботдан фойдаланувчилар етишмаслиги сабабли МҲҲС баёнотлари тайёрланмайди ёки нашр этилмайди. Шу сабабли, Европа Иттифоқи мамлакатларида молиявий ҳисботларни МҲҲСга мувофиқ тузиш талаби фақат молия бозорларини молиялаштириш манбаларини топиш учун фойдаланадиган ташкилотлар учун белгиланади.

Кўпгина компаниялар ўз ҳисботларини МҲҲСга мувофиқ тузишмайди, чунки буни талаб қиласидиган инвесторлар мавжуд эмас. Ҳозирги кунга қадар, халқаро амалиётда МҲҲСни амалга оширишнинг уч хил варианти ишлаб чиқилган (1-расм).



1-расм. МҲҲСни амалга ошириш вариантлари¹

МҲҲС ва миллий стандартлардан параллел равишида, биринчи навбатда, миллий бухгалтерия тизимига устунлик берилади, ва кейин, халқаро стандартларга мувофиқ ҳисбот бериш ёки миллий қонунчилик талабларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисбот маълумотларини ўзgartириш, ёхуд, параллел бухгалтерия ҳисобини юритишга эътибор қаратилади. Иккинчи ва учинчи ҳолатларда молиявий ҳисботни шакллантириш билан бир қаторда, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобини юритиш тартибини белгилаш учун халқаро стандартлар ҳам асос бўлиши мумкин.

Чет эл мамлакатларида МҲҲСни қўллаш тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Европа мамлакатлари компаниялари учун Миллий компаниялар томонидан биринчи бўлиб МҲҲС баёнотларини тайёрлаш тажрибаси қизиқиш уйғотади. Европада МҲҲС Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган муайян МҲҲСнинг ишлашини тасдиқлаш ва тан олиш тартиби мавжуд. Барча стандартлар Европа компанияларининг бухгалтерия амалиётида қўлланилиши кўриб чиқилади ва Европа молиявий ҳисбот бўйича маслаҳат гурухи томонидан тасдиқланади. Муайян стандартларни қўллаш мажбурияти Европа Иттифоқининг маҳсус кўрсатмаларида тасдиқланган. МҲҲСга ўтиш 2005 йилдан бери қимматли қоғозлари биржада мавжуд бўлган барча компаниялар учун мажбурий бўлиб қолди.

¹ Муаллиф томонидан тузилган

2-жадвал.

Чет эл мамлакатларида МХХСни қўллаш амалиёти тўғрисидаги маълумот²

№	Давлатлар	Жамоат ташкилотлари-нинг консолидацияла шган ҳисоботи	Молиявий ҳисобот	Молиявий ҳисоб аудити	Кичик ва ўрта бизнес учун стандартлар
1	Арманистон	Кичик бизнесдан ташқари барча ташкилотлар учун МХХС асосида юритилади	МХХС	МХХС	Миллий стандартлар
2	Озарбайжон	МХХС	МХХС	МХХС	Кичик ва ўрта бизнес компаниялари бухгалтерия ҳисоби бўйича ёки Озарбайжон миллий стандартларини, ёки МХХСни танлашлари керак
3	Буюк Британия	МХХС	МХХСдан фойдаланиш га руҳсат берилган	МХХС	МХХС ёки МХМС
4	Грузия	МХХС	МХХС	МХХС	МХХС
5	Европа Иттифоқи	МХХС	МХХСдан фойдаланиш га руҳсат берилган	МХХС	Европа Иттифоқи давлатлари миллий стандартлари
6	Хитой	МХХС – жамоат ташкилотлари учун	Миллий стандартлар	Миллий стандартлар	Хитойнинг Кичик бизнес учун бухгалтерия ҳисоби стандартлари
7	Мўғалистон	МХХС	МХХС	МХХС	МХХС ёки МХМС
8	Ўзбекистон	Банклар учун МХХС, миллий стандартлар – бошқа оммавий компаниялар учун	Миллий стандартлар	Банклар учун МХХС, миллий стандартлар – бошқа компаниялар учун	Миллий стандартлар

² Муаллиф томонидан тузилган

2004 йилда Бельгияда ўтказилган тадқиқотда биринчи марта МХХСга ўтаётган 20 та энг йирик компанияларнинг молиявий ҳисоботи маълумотларининг тақдим этилишига сезиларли таъсир кўрсатган қўйидаги йўналишлар қайд этилди: кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларини тан олиш; қўшилиш ва қўшилиш натижалари; молиявий воситаларни тан олиш; пенсия режасининг активлари ва мажбуриятларини тан олиш.

2005 йил 1 январдан бошлаб МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботни тайёрлашни бошлаган Европа давлатлари орасида Польша, Греция, Чехия ва Испанияни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу мамлакатларнинг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари билан МХХС стандартлари ўртасидаги асосий фарқларни кўриб чиқамиз, бу фарқлар МХХСни биринчи марта қўллаш пайтидаги баъзи тузатишларни ҳисоблашда ўз таъсирини кўрсатди.

МХХС ва Греция бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ўртасидаги фарқлар тўғрисидаги маълумотлар (2005 йилда МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботни тузиш санасида), шунингдек, Греция компанияларининг МХХСга ўтишнинг молиявий ҳисоботга таъсири инглиз олимлари Лиза Эванс ва Иоаннис Цалавоутас томонидан ўрганиб чиқилган.

Европа мамлакатларидан бири Чехияда ҳам МХХС асосида ҳисоботни тайёрлаш тажрибасига қизиқиш уйғонди.

Испанияда биринчи бўлиб МХХС баёнотларини тайёрлаш, бошқа кўплаб Европа давлатлари сингари 2005 йилда бошланган.

Австралия ва Малайзияда биринчи ҳисоботларни тайёрлашда кўп тузатишлар кузатилмади. Шунга қарамай, таъкидлаш керакки, Австралия ва Малайзияда биринчи молиявий ҳисоботни тайёрлаш вақтида молиявий ҳисоботга ёзилган маълумотлар сони ортган.

Канаданинг МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботни тайёрлаш тажрибаси ҳам жуда қизиқарли жараёнларга бой бўлган. Кўпгина компаниялар, жумладан, Канададаги аксарият компаниялар биринчи молиявий ҳисоботларини тайёрлаш учун 2011 йил 1 январдан – расмий ўтиш кунидан 3 йил олдиндан тайёрлана бошлади. Канадада биринчи МХХС баёнотларини тайёрлаш мутахассислар таъкидлаган икки муҳим йўналиш – малакали кадрларни тайёрлаш ва МХХСга ўтишга бевосита тайёргарлик бўйича амалга оширилган.

Сингапур ва Гонконг каби мамлакатларда миллий стандартлар МХХС билан алмаштирилди ёки миллий стандарт бўлмаган тақдирда, халқаро стандарт тўлиқ қабул қилинди.

Буюк Британия, Сингапур ва Гонконг ушбу йўналишда молиявий ҳисоботларни МХХСга мувофиқ тузиш бўйича бир нечта умумий хусусиятларга эга, хусусан:

ушбу мамлакатларнинг барчаси Англия-Америка умумий ҳуқуқ тизимиға мансуб;

тақдим этилган ҳар бир мамлакатда янги ҳисобот стандартларини қайта кўриб чиқиш ва нашр этишга масъул бўлган мустақил орган мавжуд;

ушбу мамлакатларда ўз фонд биржасига эга ривожланган капитал бозори мавжуд;

МХХСга ўтиш ва аксарият оммавий компаниялар томонидан биринчи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш деярли бир вақтнинг ўзида – 2005 йил 1 январдан кейин бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиши бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартларга мувофиқ равишда ислоҳ қилишни талаб этади. МХХСга мувофиқ тузилган молиявий ҳисобот муҳим иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун компания фаолияти натижалари ва унинг молиявий аҳволини, компания бошқарув сифатини ҳам баҳолашга имкон беради. XX аср охирида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий шаклланишнинг ўзгариши, иқтисодий глобаллашув жараёнлари,

бошқа вазифаларни ҳал қилиш билан бир қаторда, МХХС асосида мамлакатда миллий бухгалтерия тизимини ислоҳ қилишни ҳам талаб этди.

Ҳозирги кунда республика учун энг мұхым мавзулардан бири – бу МХХСни жорий этиш масаласи. Шуни таъкидлаш керакки, республикада МХХСни жорий этиш жараёни глобаллашувнинг жаҳон жараёнлари талаб қиладиган даражада тез эмас. Бунинг сабаби шундаки, бизнинг мамлакатимиз ўзининг бухгалтерия қоидаларини ишлаб чиқсан бўлиб, уларни чет эл инвестицияларини жалб қилиш ёки банқдан маблағ олишни истаган бошқа маҳаллий корхоналар билан алмаштириш жуда қийин, бу маълумотлар халқаро даражага жавоб берадиган расмий равишда тан олинган тилга таржима қилиниши керак.


Кўпгина компаниялар тегишли ҳисоб тизимларини амалга оширишдан аввал ҳам ҳисботларни тайёрлаш вазифасига дуч келмоқда. Бинобарин, кўплаб замонавий компаниялар ўз молиявий ҳисботларини халқаро стандартларга мувофиқ тузишни истайди.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖда МХХСдан 2019 йилдан бери фойдаланиб келинмоқда. Ҳозирги кунда МХХСни татбиқ этиш энергетика сектори учун жуда мұхим. Айни пайтда, соҳада халқаро молиявий институтлар томонидан молиялаштириладиган инвестиция ва кредит лойиҳалари мавжуд бўлиб, улар, ўз навбатида, ривожланиш учун молиявий ресурсларни тақдим этишга тайёр. МХХСга мувофиқ молиявий ҳисботни шакллантириш инвесторлар, банклар ва акциядорлар томонидан энергия соҳасидаги ташкилотларга бўлган ишончни сезиларли даражада оширади.

МХХС асосида тузилган ҳисботда натижалар бошқача бўлиши мумкин. Унинг ижобий жиҳатлари шундаки, бунинг натижасида шаффофоникни ошириш, ҳисботнинг ахборот мазмуни ва кўрсаткичларнинг таққосланувчанлигини ошириш, компания фаолиятини таҳлил қилиш имкониятларини кўпайтириш, халқаро капитал бозорларига киришни осонлаштириш мумкин. Шуни ёдда тутиш керакки, ҳисботнинг тайёр бўлиши ҳали инвестициялар оқимини кафолатламайди.

Ҳозирги кунда МХХСга ўтиш масаласи кўплаб миллий компаниялар учун долзарб вазифа ҳисбланади. Ушбу жараённи соддалаштириш учун алоҳида босқичларда соддалаштирилиши мумкин бўлган “МХХСни ташкилотга татбиқ этиш бўйича чоратадбирлар режаси” ишлаб чиқилиши зарур.

Ҳисботни тайёрлаш тезлиги ва ҳужжатлар сифатига қўйиладиган талаблар даражаси юқоридаги мақсадларга боғлиқ. Масалан, ҳисботни бошқарувда ишлатиш режалаштирилган бўлса, у ҳолда, МХХСнинг бир қатор тамойиллари ва талабларидан четга чиқиш мумкин. Агар ташкилот ҳисботни халқаро бозорга чиқиш учун тайёрласа, у ҳолда, МХХСнинг барча тамойиллари ва талабларига қатъий риоя қилиши керак.



2-расм. МХХСни татбиқ этиш тартиби³.

³ Муаллиф томонидан тузилган

МХХСни татбиқ этишни кўриб чиқаётганда, баъзи бир фактларни тан олиш ва уларга риоя қилиш керак, бу қуйидаги тартибда бўлиши мумкин (2-расм).

Миллий бухгалтерия билан таққослагандан, ҳисоботларни трансформация қилишнинг афзалликлари ўз ичига паст молиявий ва вақт харажатларини олади. Шу билан бирга, трансформация натижасида олинган ҳисобот юқори ахборот хавфига эга, чунки уни қўллаш пайтида субъектив муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли бор. Бироқ, бу хавфнинг катталиги тўғридан-тўғри ижрочиларнинг малакасига боғлиқ. Бинобарин, етарлича моддий, молиявий ва профессионал ресурслар мавжуд бўлганда, БҲМС ва МХХСни параллел ҳисобга олиш имкониятларини кўриб чиқиш мумкин.

5. Хулоса ва таклифлар.

Европа, Америка, Осиё ва МДҲ мамлакатлари кўп поғонали тизимининг асосий бўғинлари, қонунлари, назорат қилувчи органлари, стандартлари, аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқий шакллари, аудиторлик ташкилотларининг тавсифланиши ва аудиторларга қўйиладиган талаблар батафсил ёритиб берилди. Шунингдек, ушбу минтақаларнинг энг ривожланган мамлакатлари аудиторлик ташкилотлари фаолияти, уларнинг тузилиши ва ҳуқуқий мақоми, аудиторлик ташкилотлари томонидан таклиф қилинадиган турдош хизматлар, шунингдек, аудиторларга қўйилган талаблар ўрганилди ва таҳлил қилинди. Аудиторлик фаолиятининг халқаро амалиётини тадқиқ қилиш натижасида ҳуқуқий-назорат қилиш тизими иккига: давлат томонидан назорат қилиш ва жамоат бирлашмалари ҳамда аудит институтлари томонидан тартибга солиш тизимларига ажратилди.

Халқаро аудит бозорларини ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш натижасида мамлакатимиз иқтисодиётида бўлаётган сўнгги ўзгаришларни ҳисобга олиб, аудит тизимида индивидуал аудиторлик фаолиятини ташкил этиш тавсиялари ишлаб чиқилди.

Адабиётлар:

Ахмеджанов К.Б., Якубов И.Аудит асослари. Дарслик. Т., 2010 й.

Соловьев О.В. (2010) Молиявий ҳисоботни халқаро стандартлари.

Ташназаров С.Н. (2016) Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисобот: муаммо ва ечимлар. Монография. Т.: “Наврӯз” нашриёти, 31-47-б.

Терехова В.А. (2000) Бухгалтерия ҳисобиниг миллий ва халқаро стандартлари «Иқтисод ва ҳаёт».



ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ КЎЧМАС МУЛКЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

PhD, доцент Бозоров А.А.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети

Аннотация: Ушбу мақолада кўчмас мулклар тушунчаси, уларнинг таркиби, кўчмас мулк солиғини амалиётга жорий қилиш асослари, жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкларини солиққа тортиши борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу борада етук иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ўрганилган ва статистик маълумотлар асосида таҳлиллар олиб борилган. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг кўчмас мулклари таркибига кирувчи ер участкалари ва мол-мулкларига солиқ солиш механизмини такомиллаштириш бўйича тегишли хуносалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: солиқ, жисмоний шахс, мулк, кўчмас мулк, маҳаллий солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, кўчмас мулк солиғи, кадастр қиймат, бозор қиймати, солиқ ставкаси.

Аннотация: В данной статье исследованы понятие недвижимости, их состав, основы внедрения в практику налога недвижимости, а также приведены научные взгляды ведущих ученых-экономистов в плане осуществляемых реформ по налогообложению недвижимости физических лиц и анализы на основе статистических данных. В ней также даны соответствующие выводы и необходимые предложения по совершенствованию механизмов налогообложения земельных участков и имуществ, входящих в состав недвижимости физических лиц.

Ключевые слова: налог, физическое лицо, собственность, недвижимость, местный налог, налог на имущество, земельный налог, налог недвижимости, кадастровая ценность, рыночная ценность, налоговая ставка.

Abstract: This article examines the concept of real estate, their composition, the basics of introducing real estate tax into practice, as well as the scientific views of leading economists in terms of ongoing reforms on the taxation of real estate of individuals and analyses based on statistical data. It also provides relevant conclusions and necessary proposals for improving the mechanisms of taxation of land plots and properties that are part of the real estate of individuals.

Keywords: tax, individual, property, real estate, local tax, property tax, land tax, real estate tax, cadastral value, market value, tax rate.

1. Кириш.

Бугунги кунда фуқароларга тегишли ер участкалари ва мол-мулкни солиқقا тортишни янада такомиллаштириш, уларни баҳолаш ва ҳисобини юритишда замонавий усулларни жорий қилиш, ер ва мол-мулклардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини янада ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Солиқ сиёсатида бу йил бошлаган энг катта ислоҳот ер-мулк солиғи бўйича бўлади. Шу пайтга қадар фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, трансферт нархларининг бир-бирига боғланишида ўзгаришлар қилинди, лекин ҳали сув, ер-мулк ҳамда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлари бўйича катта ислоҳотлар қилинмади. Кутилаётган ўзгаришларнинг биринчиси, бу ер-мулк билан боғлиқ бўлади.

Бу борада ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони (2020) қабул қилиниб, ушбу ҳужжатга асосан 2021-2024 йиллар мобайнида мол-мулк ва ер солиқларини кўчмас мулк (бино, иншоот ва ер участкалари) объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида ҳисоблаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилган.

Хорижий мамлакатлар амалиётидан маълумки, кўчмас мулкка солиқ солиш солиқ тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар амалиётида кўчмас мулкка нисбатан солиқ солиш ушбу мамлакат фуқароларининг турмуш фаравонлигини таъминловчи маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда асосий ўрин эгалловчи даромад манбаи сифатида хизмат қиласди.

Мамлакатимизда кўчмас мулк яъни ер ва мол-мулкка нисбатан солинадиган солиқ солиқ тизимининг асосий элементи ҳисоблансада, унинг маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли унчалик юқори эмас. Бу борада мамлакатимиз Президентининг фармонига (2018) асосан, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуритчилиги механизmlарининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг мавжуд эмаслиги алоҳида муаммо сифатида эътироф этилганлиги бугунги кунда кўчмас мулкларга солиқ солиш тартибини қайта кўриб чиқиш лозимлигини тақазо этади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Кўчмас мулклар тушунчасига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ мол-мулкнинг турлари яъни кўчмас мулклар ҳамда кўчар мулклар ажратиб келтирилган. Қонунчиликка кўра кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дараҳтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради (кодекс, 2021).

Маҳаллий бюджет даромадларини ошириш ва солиқقا тортишни соддалаштириш мақсадида, кўчмас-мулк солиғини жорий этиш борасида бир қанча олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан,

Ю.Шмелёва ва Р.Маргулислар (2012) ҳам жисмоний шахсларга тегишли бўлган яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулкларни солиқقا тортиш кўп муаммоларни келтириб чиқариш мүмкинлиги, шунингдек ягона кўчмас мулк солиғини жорий қилишда унинг солиқ солинадиган базасини аниқлаш ва солиқ ставкасини белгилаш асосий масала эканлиги таъкидлашган.

Шунингдек, Россия Федерациясининг иқтисодчи олимлари И.Горский (2012) ва М.Берёзинлар (2011) ҳам амалиётга ягона кўчмас-мулк солиғини жорий қилишда эҳтиёткорлик билан ва пухта ҳисоб-китоблар асосида ўтиш кераклигини таъкидлашган.

Россиялик олимлардан И.Дрожжина (2005) ўзининг қарашларида жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғини бирлаштириб кўчмас мулк солиғи жорий этишни таклиф қилган.

Е.Михина (2005) ўзининг қарашларида кўчмас мулк солиғини жорий қилишнинг маҳаллий бюджет даромадлари базасига таъсирини таҳлил қилиб тегишли тавсияларни берган.

Профессор Б.Алиев ва Х.Мусаеваларнинг (2012) таъкидлашича мол-мулк ва ер солиғи бирлаштириб, ўрнига ягона кўчмас-мулк солиғига бир неча йиллар давомида босқичма-босқич ўтиш лозимлиги, қачонки фуқаролар ўзининг мулкларини ягона солиқ обекти сифатида рўйхатдан ўтказишини бошлашганида. Муаллифлар томонидан кўчмас-мулк солиғини жорий қилишда бир қанча муаммоларни хал қилиш лозимлиги айтилган:

- солиқ обекти ва солиқ базасини бозор нархида белгилаш;
- давлат кўчмас-мулк кадастрини жорий қилиш;
- кўчмас мулкни ҳисобга олиш ва кадастр фаолиятини ташкил қилиш;
- кўчмас мулклар тўғрисида тўлиқ маълумотларнинг шаклланмаганлиги;
- кўчмас мулкларни солиққа тортиш ва солиқ ставкасини қўллашда унинг баҳосини белгилаш;
- кўчмас мулкларни қайта баҳолаш учун молиявий ҳаражатни талаб қилиши;
- фуқароларнинг кўчмас мулк солиғини тўлашга тайёр эмаслиги ва солиқ юкини ошиб кетиши натижасида солиқдан қарздор бўлиб қолиши мумкинлиги;
- мамлактда кадастр тизимининг тайёр эмаслиги ва кўчмас мулкларни баҳоловчиларнинг етарли эмаслиги, ҳамда уларнинг юқори профессионлар малакага эга эмаслиги;
- кадастр органлари тмонидан кўчмас мулкни бозор баҳосида баҳолаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг йўқлиги ва баҳолаш бўйича ягона методика ишлаб чиқилмаганлиги каби муаммолар кўрсатилган.

Профессор Б.Алиев (2012) томонидан кўчмас-мулк солиғини жорий қилиниши бир қанча ижобий томонлари ҳам борлиги эътироф этилган:

- мулкий солиқлар сонинг қисқариши натижасида, солиққа тортиш соддлаштирилади ва унификация қилинади;
- маҳаллий солиқларни үндириш харажатлари камаяди ва солиқ йиғилувчанлиги ошади;
- маҳаллий бюджет даромадларининг солиқ базаси кенгаяди ва солиқ маъмурчилиги самарадорлиги ошади;
- маҳаллий бюджет даромадлари ошади ва харажатлар шаффоғлиги таъминланади;
- пулдор кишилар томонидан кўчмас мулкни сотиб олиниши ва кўчмас мулкка бўлган талабни камаяши натижасида, уй жойлар нархини пасайишига олиб келади.

Б.Алиев (2012) солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятини ошириш ва маъсулиятини ошириш мақсадида, кўчмас мулкларни белгиланган муддатларда рўйхатдан ўтказмаслик ва солиқ тўлашдан бўйин товлаган мулк эгаларига қонунчиликка жавобгарлик (маъмурий ва жиноий) масаласини киритиб қўйиш кераклиги таъкидланган .

Юқорида кўрсатиб ўтилган олимларнинг қарашларида аҳолининг ижтимоий кам даромад оладиган қатлами етарлича инобатга олинмаган деб ҳисблаймиз.

Т.Логинова (2018) ўзининг илмий қарашларида кўчмас мулк солиғини жорий қилиш ва уни амалиётга татбиқ этишда аҳолининг ижтимоий қатламини инобатга олиш лозимлигини қайд қилиб ўтган.

Ўзбек олимларидан И.Ниязметов (2008) ҳам бу борада фикр юритиб мол-мулк солиғи обьекти таркибида фақат кўчмас мулк обьектларини қолдириб, уни ер солиғи билан бирлаштириб юридик ва жисмоний шахслар учун бир хил тартибда амал қиласидиган кўчмас мулк солиғига босқичма-босқич ўтиш таклифини илгари сурган.

Биз ҳам юқоридаги айтилган фикрга қўшилган ҳолда кўчмас мулк солиғини босқичма-босқич жорий этиш, юридик шахслар учун мол-мулк солиғини белгилашда ўртача йиллик қолдиқ қиймат, жисмоний шахслар учун кадастр ёки (бозор) нархига яқин нархда белгилаш тизимини ривожлантириш лозимлигини таъкидламоқчимиз.

3. Тадқиқот методологияси.

Илмий тадқиқотни амалга оширишда қиёсий ва тизимли таҳлил усувлардан фойдаланилган. Адабиётларни таҳлил қилишда Web of Science илмий маълумотлар базасидан фойдаланилган. кўчмас мулклар тушунчаси, уларнинг таркиби, кўчмас мулк солиғини амалиётга жорий қилиш асослари, жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкларини солиққа тортиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу борада етук иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ўрганилган ва статистик маълумотлар асосида таҳлиллар олиб борилган. Мақолада жисмоний шахсларнинг кўчмас мулклари таркибига кирувчи ер участкалари ва мол-мулкларига солиқ солиш механизмини такомиллаштириш бўйича тегишли хуносалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

4. Таҳлил ва натижалар.


Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ, мулкида солиқ солиш обьекти деб тан олинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ҳолдаги ёки этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликлари жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғининг солиқ тўловчилари деб эътироф этилади.

Кўчмас мулклари бўйича солиқ мажбуриятига эга бўлган солиқ тўловчи жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни қўйидаги расм маълумотлари орқали кўришимиз мумкин (1-расм).

1-расм маълумотларидан англаш мумкинки, таҳлил қилинаётган сўнгги ўн йил давомида мол-мулк солиғини тўловчи жисмоний шахслар сони ер солиғини тўловчиларга нисбатан ортиқ яъни 2020 йилда мол-мулк солиғини тўловчи жисмоний шахслар ер солиғини тўловчилардан 921 965 тага 2021 йилда эса 903 222 тага кўп кўрсаткичига эга. Ушбу ҳолатни кўчмас мулки мавжуд лекин ер солиғини тўлаш мажбуриятига эга бўлмаган (кўп қаватли ўйларда истиқомад қилувчи) жисмоний шахслар ҳисобига юзага келган деб асослаш мумкин.

Солиқ тўловчилар сони 2018 йилдан бошлаб кескин кўпайиш тенденциясига эга яъни 2017 йилдагига нисбатан 2018 йилда ер солиғи бўйича 515 592 нафар мулк солиғи бўйича 656 498 нафарга солиқ тўловчилар ортган бўлса 2021 йил якунига кўра солиқ тўловчилар 2017 йилга нисбатан ер солиғи бўйича 1 909 418 нафар, мулк солиғи бўйича эса 2 130 094 нафарга кўпайган. Солиқ тўловчиларнинг бундай ўсиш кўрсаткичига эга бўлишини Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида фармони (2018) ҳамда ушбу фармон ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (2018) асосида ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш белгиланганлиги билан асослаш мумкин. Мазкур акция эълон қилиниши натижасида мамлакатимиз миқёсида кўплаб жисмоний шахслар ўзбошимчалик билан

құрылған турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқига әгалиги таъминланғанлығы билан изохлаш мүмкін.



1-расм. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи тўловчилари сонини ўзгариш динамикаси (ДСҚ маълумотлари)

Турар жой фонди объектларига, шунингдек кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойларига 2021 йилда амал қилған солиқ ставкалари 1,1 бараварга индексация қилинмоқда (1-жадвал).

1-жадвал Жисмоний шахсларнинг 2018-2022 йиллардаги мол-мулкига солиқ таққослама ставкалари (ДСҚ маълумотлари)

№	Солиқ солиши объектлари	Солиқ ставкаси, мол-мулкнинг кадастр қийматига нисбатан % да		
		2018-2020 йил	2021 йил	2022 йил
1.	Уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари (бундан умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлганлари мустасно), кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар	0,2	0,23	0,25
2.	Шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартиралар, умумий майдони:			
	200 кв.м дан ва 500 кв.м га қадар бўлганлари	0,25	0,3	0,33
	500 кв.м дан ортиқ бўлганлари	0,35	0,4	0,44
3.	Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200	0,25	0,3	0,33

	кв.м дан ортиқ бўлган уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари			
4.	Тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари	2	2	1,5

Бунга жисмоний шахслар учун кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан 2018 йилда белгиланган солиқ солиш объектларининг (солиқ базасининг) кадастр қийматининг миқдори сақлаб қолинганлиги сабаб бўлмоқда. 2022 йилда жисмоний шахслар учун 2018 йилда белгиланган кадастр қийматидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган солиқ миқдори, 2021 йил учун ҳисобланган солиқ миқдорига нисбатан 30 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг кадастр қиймати солиқ базаси ҳисобланади. Солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида солиқ базаси **42 млн. сўмдан** кам бўлиши мумкин эмас (кодекс, 2022).

Жисмоний шахсларнинг мол-мulkини баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мulkнинг шартли қиймати Тошкент ва Нукус шаҳарларида, шунингдек вилоят марказларида - **210 млн. сўм** миқдорида, бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда эса - **84 млн. сўм** солиқ базаси ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, солиқни ҳисоблашда солиқ ставкаси мулкнинг кадастр қийматига нисбатан қўлланилиб ҳисоблаш амалиёти, кўчмас мулкнинг қийматини бозор баҳосига яқинлаштириш мақсадида солиқ ставкаси босқичма-босқич индексация қилиниб келинмоқда. Фикримизча, ушбу тадбирларни бундан кейин ҳам давом эттириш лозим ва кўчмас-мulk солиғига ўтиш лозим.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича Республика ҳудудлари кесимида базавий солиқ ставкалари 1 кв. м учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади (2-жадвал):

2-жадвал

Жисмоний шахсларнинг ер солиғи ставкалари (Солиқ кодекси 2022)

Республика ҳудудлари	1 кв. м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда)
Тошкент шаҳри:	
1 зона	1280
2 зона	1085
3 зона	890
4 зона	700
5 зона	500
Қорақалпоғистон Республикаси	260
Андижон вилояти	320
Бухоро вилояти	260
Жizzах вилояти	260
Қашқадарё вилояти	260
Навоий вилояти	260
Наманган вилояти	320
Самарқанд вилояти	320
Сурхондарё вилояти	234
Сирдарё вилояти	205
Тошкент вилояти	270
Фарғона вилояти	260
Хоразм вилояти	260

Солиқ ставкаларини аниқ миқдори қўйидаги тартибда белгиланади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари 0,5 дан 2,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда, базавий солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида уларнинг иктисодий ривожланишига қараб, солиқ ставкаларини белгилайди;

туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари базавий солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритади.

Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан кейинги солиқ даври учун солиқ ставкалари ҳар йили жорий солиқ даврининг 31 декабрига қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органларига тақдим этади.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга солиқ ставкаси қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади.

Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ер участкалари учун ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, якка тартиbdаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар юридик шахсга ёки якка тартиbdаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк обьектлари эгаллаган ер участкалари учун солиқ жисмоний шахслардан юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича ундирилади ҳамда уларга қонунчиликдаги имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек норматив муддатида қурилиши тугалланмаган обьектлар жойлашган ер участкаларига нисбатан қонунчиликда оширилган солиқ ставкаларини белгилаш йўли билан юридик шахслар учун назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.

Жисмоний шахс ёки оиласи корхона ер участкасидан унда жойлашган уйда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, солиқ жисмоний шахслар учун белгиланган солиқ ставкаси бўйича тўланади.

Якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ёки уни ободонлаштириш амалга оширилмаган тақдирда солиқ уч баравар миқдорда тўланади.

Ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда, солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг уч баравари миқдорида белгиланади.

Жисмоний шахсларга якка тартиbdаги турар жой қуриш ва ободонлаштиришга берилган томорқа ер участкаларига якка тартиbdаги уй-жой қуришга берилган ер участкалари учун белгиланган ставка қўлланилади.

Дунё мамлакатларида кўчмас мулк солиғини шакллантириш ва қўллаш унинг тўловчилари доирасини белгилашда мавжуд бўлган иккита ёндашувдан бири асосида амалга оширилади. Кўчмас мулк эгасига солиқ мажбуриятини бериш - энг кенг тарқалган вариант. Баъзида ижарачилар ва кўчмас мулқдан фойдаланувчилар солиқ тўловчилари сифатида иштирок этишади. Масалан, Францияда иккита солиқ мавжуд: бири - кўчмас мулкка (эгаси солиқ тўловчи), иккинчиси - кўчмас мулқдан фойдаланганлик учун (Л.Григорева, 2017).

Кўплаб хорижий мамлакатларда қўлланиладиган бир қатор умумий қоидалар

мавжудлигига қарамай, уларнинг ҳар бирида кўчмас мулкни баҳолаш амалиёти ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Кўчмас мулкнинг бозор нархини аниқлаш учта усулга асосланади:

- даромадли усул;
- харажатли усул;
- қиёсий усул.

Даромадли усул. Ушбу усул бошқалардан қўйидаги йўналишлари билан ажралиб туради: капиталлаштириш усули ва пул оқимларини дисконтлаш усули (кўчмас мулк қийматини баҳолашда йиллик ижарапар чегирилади). Бундай усул Буюк Британияда, Францияда турли хил ўзгаришларда қўлланилади.

Харажатли усул. Кўчмас мулк қийматини аниқлашда кўмаклашувчи ушбу ёндашув, солиқ солиш мақсадида, қурилиш қиймати жисмоний эскиришни ҳисобга олган ҳолда ишлатилади (Грибовский С. ва б., 2010). Бироқ бу усулнинг камчиликларидан бири, ернинг тикланмайдиган ресурс эканлиги ва қурилиш харажатлари фақат ушбу ер участкасини “яхшилаш” учун ҳисоблаб чиқилиши мумкин эканлигидадир.

Қиёсий (бозор) усул. Бу усул доирасида битимлар (сотиш) усули энг мос келади. Бундай ҳолда, кўчмас мулкнинг қиймати бозорда ўхшаш кўчмас мулк билан тузилган битимлар нархидан келиб чиқиб белгиланади. Асосан, бу усул АҚШ ва Японияда қўлланилади (Батура О. Ва б., 2014).

Жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкини баҳолаш ва солиққа тортиш бўйича хорижий мамлакатлар амалиётига эътибор қаратсак (3-жадвал)

3-жадвал

Жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкини баҳолаш ва солиққа тортиш бўйича хорижий мамлакатлар амалиёти (М. Дементьевва ва б., 2019)

Элемент	Кўрсаткичлар	Мамлакат
Солиқ тўловчилар	Солиқ тўловчи-кўчмас мулк эгаси Солиқ тўловчи-кўчмас мулқдан фойдаланувчи Солиқнинг икки тури: 1. кўчмас мулқдан фойдаланганлик учун солиқ 2. кўчмас мулқдан фойдаланмаганлик учун солиқ	АҚШ, Буюк Британия, Франция
Солиқ солиш обьекти	Ер билан умумлашган яхлит обьект. Ер ва бошқа обьектлар алоҳида баҳоланади.	Буюк Британия, Австралия, Дания
Кўчмас мулкни баҳолаш усуллари	Таққослаш усули, Харажат усули, Даромад усули	АҚШ, Дания, айрим ҳолларда Буюк Британия
Солиқ солинадиган база	Мулкнинг бозор қиймати Кўчмас мулкнинг ижара қиймати Мулк жойлашуви бўйича қиймат Статистик моделлар орқали анифланган қиймат Объект майдони ва жойлашуви бўйича	Дания, Жанубий Корея ва ҳ.к. Франция, Белгия Буюк Британия Литва Айрим мамлакатлар
Солиқ ставкаси	Қатъий белгиланган ставка Ўзгарувчан стака	Литва, Белгия Филиппин ва бошқа мамлакатлар
Мулкни қайта баҳолаш муддатлари	5 йилда камида бир марта 5-10 йилда бир марта 10 йилан ортиқ муддатда бир марта	Дания, Финляндия Испания, Швеция Австрия, Бельгия

Юқоридагилардан айтиш мумкинки, ҳудудларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминлаш даражасини ошириш, давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти

органларининг маҳаллий бюджетлар даромадлари ва ҳаражатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини оширишда кўчмас мулкларни солиққа тортишни такомиллаштириш долзарб эканлигидан далолат беради.

5. Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги илмий тадқиқотлар ва таҳлилий маълумотларга таянилган ҳолда қўйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

Кўчмас мулк солиғини қўллаш рағбатлантирувчи таъсирга эга - бу кўчмас мулқдан янада самарали фойдаланишга, даромад келтирмайдиган биноларни қайта қуришга ва улардан унумли фойдаланишга ундейди.

Мамлакатимизда ҳам жаҳон тажрибаси асосида ер участкаси ҳамда унда жойлашган бино ва иншоотларнинг қийматига нисбатан солиққа тортиш тизимида “кўчмас мулк” солиғини қўллаш натижасида:

- амалдаги ер ва мол-мулк солиғини ҳисоблаш механизмини соддалаштиради;

- ер ва мол-мулк солиқлари унификация қинишиши ҳисобига жисмоний шахсларг тегишли бўлган 7 млн. дан ортиқ шахсий карточка камаяди ва дастурий маҳсулотларнинг ишлаш самарадорлиги ошади;

- жисмоний шахслар томонидан тўланадиган ер ва мол-мулк солиқларини тўлов жараёнларидаги англашилмовчиликлар (солиқ турлари бўйича ҳисобварақларнинг алмаштирилиши) олди олинади, натижада жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулк ёки ер солиғидан қарздорлик, шунингдек ортиқча тўловлар вужудга келиши камаяди;

- давлатнинг фуқаролари олдидаги маъсулиятини кучайтиради, ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиш ҳолатларида мулқдорларга ернинг бозор қийматидан келиб чиқиб, заарларнинг ўрнини қоплаб бериш мажбуриятини келтириб чиқаради.

Бугунги кунда айниқса чекланган ресурслардан оқилона фойдаланган бюджет даромадларини кўпайтириш бозор иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири деб ҳисоблаймиз. Мазкур чекланган ресурслардан бири “Ер участкалари” дан самарали фойдаланмоғимиз ва солиққа тортиш борасида юқорида таҳлил қилинган маълумотлар ва чет эл тажрибаси асосида қўйидагиларга эътибор қаратилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Жисмоний шахслар томонидан фойдаланилаётган кўчмас мулклари (ер обьектлари, бино ва иншоотлар) бўйича кўчмас мулк солиғини қўллашда:

- ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда

- якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ёки уни ободонлаштириш амалга оширилмаган тақдирда;

- жисмоний шахсларнинг биттадан ортиқ ер участкаси ва кўчмас мулклари мавжуд бўлганда прогрессив ставка қўллаш мақсадга мувофиқ бунинг натижасида маълум даражада солиққа тортишнинг адолатлилиги таъминланади.

2. Франция тажрибасидан фойдаланган ҳолда кўчмас мулқдан мақсадли фойдаланганлик учун алоҳида, мақсадсиз фойдаланганлик ёки умуман фойдаланмаганлик учун алоҳида солиқ ставкаларини белгилаш;

3. Ҳудудий ҳалқ депутатлари Кенгашлари хулосасига кўра қонунчилик доирасида ажратилган ер участкаларидан ва мол-мулкларидан мақсадли равишда оқилона фойдаланувчи жисмоний шахсларни рағбатлантириш мақсадида регрессив ставкаларни қўллаш фикримизча ўзининг ижобий натижасини беради.

Фикримизча қўчмас мулк солиғини қўллаш натижасида давлат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ер ва мулк ресурсларидан самарави фойдаланиш ҳамда аҳолининг мулкка бўлган ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга эришилади.

Адабиётлар:

Алиев Б. Х., Мусаева Х. М. (2012) Развитие налогового федерализма в условиях российских реформ // Налоги и финансовое право. № 3.

Алиев Б.Х. (2012) О проблемах и преспективах введения налога на недвижимость в Российской Федерации // Налогообложение. № 38.

Батура О.В., Шавров С.А., Косенкова Ю.Ю. (2014) Зарубежный опыт налогообложения недвижимости // Экономика и экономические науки. №. 4.

Березин М.Ю. (2011) Новый налог на недвижимость в российской налоговой системе // Финансы. № 4.

Григорева Л.Г. (2017) Налогообложение объектов недвижимости в России и за рубежом // М.: «Российская газета». №. 11, – с. 80.

Грибовский С.В., Лейфер Л.А., Нейман Е.И. (2010) О концепции оценки недвижимости для целей налогообложения // Имущественные отношения в Российской Федерации. №. 5.

Горский И. В. (2012) Налог на недвижимость: за и против // Финансы. № 2.18.

Дементьева М.А., Захарова А.В., Кирова Е.А. (2019) “Опыт налогообложения недвижимого имущества физических лиц в зарубежных странах и его применение в России” номли мақола. Вестник университета № 1, (<https://cyberleninka.ru/article/n/opty-nalogooblozheniya-nedvizhimogo-imushestva-fizicheskikh-lits-v-zarubezhnyh-stranah-i-ego-primenenie-v-rossii/viewer>)

Дрожжина И.А. (2005) Формировани систем налогообложени объектов недвижимости на основе дифференциированног подхода. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати.-О.: -б.12.

Кодекс (2021) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси Т.: Адолат.

Кодекс (2022) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Т.: Адолат.

Логинова Т.А. (2018) Стратегия развития налогообложения недвижимого имущества в Российской Федерации. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати. -М.: б. 7.

Михина Е.В. (2005) Налог на недвижимость и перспективы его развития в регионе. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати.- М.:б.-6.

Ниязметов И.М. (2008) Солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига ва бюджет даромадларига таъсири таҳлили. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. -Т.: б. 99 б.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон.

Фармон (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги 5468-сон.

Фармон (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида» 2018 йил 20 апрелдаги ПФ-5421-сон.

Қарор (2018) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларни ижтимоий

қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўtkазиш тўғрисида»ги ПФ-5421-сон фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида"ги 461-сон.

Шмелев Ю.Д., Маргулис Р.Л. (2012) О новой концепции налога на недвижимость физических лиц и механизм ее реализации // Финансы. № 1.



СОЛИҚ МОНИТОРИНГИ СОЛИҚ НАЗОРАТИНИНГ САМАРАЛИ ШАКЛИ

Гулматов Ж.Р.

Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

Аннотация: Ушбу мақолада, солик назоратининг янги шакли бўлган солик мониторингини назарий жиҳатлари тадқиқ қилинганд. Солик мониторингини ташкил этишининг хориж тажрибаси ва иқтисодчи олимларнинг илмий қараашлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар ўрганилган. Солик мониторингини ташкил этиши ва ўтказишни такомиллаштириш бўйича тегишли хуносалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: солик, солик назорати, солик мониторингги, солик текшируви, молиявий ҳисобот, солик ҳисоботи, далолатнома.

Аннотация: В данной статье рассматриваются теоретические аспекты налогового мониторинга, который является новой формой налогового контроля. Изучается зарубежный опыт организации налогового мониторинга и научные взгляды экономистов, а также нормативные документы. Разработаны соответствующие выводы и рекомендации по совершенствованию организации и проведения налогового мониторинга.

Ключевые слова: налог, налоговый контроль, налоговый мониторинг, налоговая проверка, финансовая отчетность, налоговая отчетность, акт.

Abstract: This article discusses the theoretical aspects of tax monitoring, which is a new form of tax control. Foreign experience in organizing tax monitoring and the scientific views of economists, as well as regulatory documents are being studied. Relevant conclusions and recommendations have been developed to improve the organization and conduct of tax monitoring.

Keywords: tax, tax control, tax monitoring, tax audit, financial reporting, tax reporting, act.

1. Кириш.

Жаҳон амалиётида ҳам, мамлакатимизда ҳам молиявий назоратнинг шаклларидан бири бўлиб солик назорати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг (2022) 135-моддасида солик назоратига таъриф берилмасада, у қуйидагича эътироф этилган: “Ваколатли органларнинг солик тўловчилар ва солик агентлари томонидан солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солик назоратидир”. Ушбу кодекснинг 136-моддасида солик назоратини қуйидаги шаклларда солик текширувлари; солик мониторинги шаклида амалга ошириш кўзда тутилган.

Солиқ мониторинги түшунчаси мамлакатимиз солиқ қонунчилигида янги солиқ назоратининг шакли бўлиб ҳисобланади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, солиқ мониторинги механизмини амалий жиҳатдан ўрганиш ва такомиллаштириш долзарб мавзулардан бўлиб ҳисобланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида (2022) мониторинг қўйидагича эътироф этилган:

“Мониторинг (инг. monitoring — кузатиш, назорат қилиш) — маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва истиқболини белгилаш. Мониторинг кундалик ҳаётнинг барча соҳаларида қўлланади. Мас, экология соҳасида ер фонди ҳолати бўйича кузатишлар тизими ер Мониторинги деб аталади. Бундай Мониторинг ердаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларни баҳолаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадини кўзлади”. Мониторинг сўзининг тор маъноси кузатиш, назорат қилишдир.

Россия Федерацияси «Правовест Аудит» компаниясининг бош директори Н.Игушнинг (2022) фикрича: “Солиқ мониторинги солиқ назоратининг бир тури бўлиб, унда солиқ инспекцияси томонидан мунтазам текширишлар инспекторларга ахборот тизимлари ва ҳисботлардан масофадан фойдаланишни таъминлаш орқали онлайн ўзаро ҳамкорлиқда алмаштирилади. Бошқача айтганда, текшириш ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини ва реал вақт режимида бюджетга тўловларнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қиласди”.

Э.Мазурованинг (2022) такидлашича солиқ мониторинги: “Солиқ мониторинги бизнес ва солиқ органлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўлиб, солиқ текширувларидан озод қилиш эвазига тўлиқ шаффоффликни назарда тутади. Солиқ мониторинги давомида сиз ўзингизнинг ташаббусингиз билан солиқлар ва йиғимлар тўғри ва ўз вақтида ҳисблангандигини текшириш учун инспекторларга бухгалтерия ҳужжатларидан доимий фойдаланиш имкониятини тақдим этасиз”.

Н.Наркевичнинг (2016) ёзишича: “Солиқ мониторинги” атамаси солиқ органлари амалиётида солиқ тўловчининг аудитдан олдинги таҳлилини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда қўлланилади. Мониторингнинг асосий мақсади солиқ органлари томонидан назорат қилинадиган солиқ, валюта ва бошқа қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хавфли операцияларига ўз вақтида чора кўриш ва уларнинг олдини олиш орқали солиқ органлари ва йирик солиқ тўловчилар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини яратишдан иборат.

Н.Саттарова (2014) солиқ мониторинги – бу солиқларни ҳисблаб чиқариш ва тўлаш соҳасида низоли ҳолатларни келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида солиқ органлари ва алоҳида солиқ тўловчилар ўртасида тузиладиган келишувга асосланган ахборот алмашинув усулидир деган фикри беради.

А.Ильин ва М.Моисеенколар (2016) солиқ мониторингининг хориж тажрибасини ўрганиш асосида қўйидагиларни ёзишган: Халқаро амалиётда, жаҳоннинг бир қанча иқтисодий ривожланган давлатларида горизонтал мониторинг солиқ назорати амалиётига киритилган. Масалан, 2008 йилда Австралияда, 2009 йилдан бошлаб эса Жанубий Кореяда қўлланиб келинмоқда. МДҲ давлатларидан Озарбойжан Республикасида 2013 йилдан буён мазкур солиқ назорати шакли қўлланиб келинаётган бўлса, 2015 йилда Россия Федерацияси солиқ қонунчилигига солиқ мониторинги солиқ назорати шакли сифатида киритилди. Солиқ мониторингида солиқ назорати органлари солиқ тўловчининг розилиги билан унинг молиявий операциялари тўғрисидаги ахборотни

беминнат қайта ишлаб чиқади ва келиб чиқиши мүмкін бўлган хатарлар ва шубҳали контрагентлар тўғрисида маълумот беради.

Россия Ферацияси Солиқ Кодексининг (2022) 105.26.моддасида солиқ мониторингига таъриф берилмасада, унинг предмети қўйидагича баён этилган: “Солиқлар, йиғимлар, сұғурта бадалларини тўғри ҳисоблаб чиқилганлиги, тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги (ўтказилганлиги), ушбу Кодексга мувофиқ солиқ тўловчига юкланган тўлаш (ўтказиш) мажбурияти солиқ мониторингининг предмети ҳисобланади.”

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг (2022) “Солиқ мониторинги тўғрисидаги умумий қоидалар” номли 169-моддасида солиқ мониторингги қўйидагича эътироф этилган: “Қўйидагилар солиқ мониторингининг предметидир: солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиш, ўзига нисбатан солиқ мониторинги ўтказилаётган юридик шахс томонидан солиқлар ва йиғимларни ҳисоблашнинг тўғрилиги, тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги (ўтказиб берилганлиги).

Солиқ мониторинги ушбу Кодексга мувофиқ юридик шахс қайси солиқлар ва йиғимларга нисбатан солиқ тўловчи ёки солиқ агенти бўлса, барча шундай солиқлар ва йиғимларни қамраб олади.

Солиқ тўловчилар учун солиқ мониторинги ихтиёрийдир.

Солиқ мониторинги солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги қарор асосида солиқ органи томонидан амалга оширилади. Юридик шахс, агар унинг олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камида беш миллиард сўмни ташкил этган бўлса, солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги ариза билан солиқ органига мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон қарори билан тасдиқланган “Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги НИЗОМда ҳам солиқ мониторингинга таъриф берилмасада, Солиқ органига тақдим этиладиган ва ахборотга доир ҳамкорликни таъминлайдиган ҳужжатларга (ахборотга) қўйидагилар киришлиги белгиланган:

ҳисобвараклар ишчи режасини илова қилган ҳолда солиқ мониторинги ўтказиладиган календарь йилга бухгалтерия ҳисоби мақсади учун ҳисоб сиёсати;

солиқ мониторинги ўтказиладиган календарь йилга солиқ ҳисоби мақсади учун ҳисоб сиёсати;

бухгалтерия ҳисоби ҳисобвараклари бўйича айланма — қолдиқ қайдномалари;

бухгалтерия ҳисоби регистрлари, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ҳисобваракларидан солиқларни ва бошқа йиғимларни ҳисоблаш билан боғлиқ операцияларнинг (ҳужжатларнинг) номи кўрсатилган батафсил кўчирмалар;

солиқ ҳисобининг таҳлилий регистрлари маълумотлари;

солиқ ҳисобининг регистрлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари асосида шакллантириладиган солиқ ҳисботлари (ҳисоб — китоблари) сатр кўрсаткичлари мазмуни;

агар солиқ тўловчи уларни тайёрлаш мажбуриятини олган бўлса, халқаро молиявий ҳисбот стандартлари талабларига мувофиқ тузиладиган молиявий ҳисбот ва консолидациялашган молиявий ҳисбот;

бирламчи ҳисоб ҳужжатлари;

солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши (ушлаб қолиниши), тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши (ўтказиб берилиши) билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар (ахборот).

3. Тадқиқот методологияси.

Солиқ назоратининг янги шакли бўлган солиқ мониторинггини назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилишда таҳлилнинг таққослаш ҳамда гуруҳлаш ва умумлаштириш усулларидан фойдаланилди. Солиқ мониторингини ташкил этишнинг хориж тажрибаси ва иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар ўрганилди. Солиқ мониторингини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш бўйича тегишли хulosалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Юқорида келтирилган иқтисодий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида мамлакатимизда ва хорижда солиқ мониторингига бўлган эъҳтиёж ошиб бормоқда деган хулоса қилишимиз мумкин. Бунга мисол қилиб Россия Федерацияси маълумотларини келтириб ўтамиз. Солиқ мониторинги компания ва солиқ органи ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имконини беради. Солиқ мониторинги институти доимий равища ривожланиб бормоқда ва такомиллашмоқда. Ушбу ўзаро ҳамкорлик механизмини танлаган йирик солиқ тўловчилар сони 2016-йилдаги етти компаниядан 2021-йилда 209-та ташкилотга кўпайди. Жорий йилдан бошлаб мониторингга киришнинг мезонлари соддалаштирилгач, унга ўрта бизнес вакиллари ҳам ўтишни бошлади. 2022 йил учун яна 132 та янги компания солиқ мониторинги учун ариза берди. Иштирокчилар сонининг йил сайин ортиб бориши бизнеснинг янги бошқарув тизимига ишончи юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек солиқ тизимига янги технологияларни кириб келиши асосида солиқ мониторингги солиқ тўловчиларнинг ахборот тизими билан интеграциялашиб бормоқда. Бу борада Россия Федерациясида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда: Бугунги кунга келиб, Россия Федерал Солиқ хизмати ташкилотнинг ахборот тизимини Россия Федерал Солиқ хизмати - АИС "Налог-3" ахборот тизими билан интегратсиялаш бўйича пилот лойиҳани амалга оширмоқда. Тажрибали лойиҳа иштирокчиларининг ахборот тизимларини "Налог-3" АИС интегратсия сегменти билан тўғридан-тўғри улаш 2022 йилга мўлжалланган. "Налог-3" АИС билан 100% интеграцияни 2024 йилгача якунлаш режалаштирилган.

Хозирги вақтда Россия Федерациясида солиқ мониторингни автоматлаштиришда "1С:Налоговый мониторинг. Бухгалтерия КОРП МСФО" дастурий маҳсули амалиётда қўлланилмоқда. Бухгалтерия ҳисоби КОРП МХҲС" бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби ва бухгалтерия ҳисобини МХҲСга мувофиқ юритиш, шўъба корхоналари бўлмаган корхоналарда солиқ мониторинги жараёнида солиқ тўловчи ва солиқ органи ўртасидаги ўзаро муносабатларни автоматлаштириш учун мўлжалланган.

Мамлакатимизда ҳам бу борада меъёрий ҳужжатларда қўйидагилар келтириб ўтилган: "Талаб қилиб олинадиган ҳужжатлар (ахборот) ва тушуниришлар солиқ органига солиқ тўловчи томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали, буюртма хат билан почта орқали, телекоммуникация каналлари, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда юборилиши мумкин. Солиқ органига электрон шаклида тақдим этилаётган ҳужжатларнинг (ахборотнинг) форматлари:

бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби регистрлари: xls, xlsx, pdf;

бирламчи ҳисоб ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар учун: xls, xlsx, doc, docx, pdf, jpg, gif, jpeg, tif, tiff, xml."

Қозоғистон Давлат даромадлари қўмитасининг йирик солиқ тўловчилар департаменти директори Ануар Сулейменовнинг қайд этишича, "Давлат даромадлари қўмитаси томонидан солиқ текширувлари каби профилактик назорат тадбирлари билан бир қаторда, ҳақиқий солиқ солинадиган базани аниқлаш мақсадида молия-хўжалик

фаолияти таҳлили – йирик солиқ тўловчилар мониторинги ўтказилмоқда. Ҳозирда Солиқ кодексининг 132-моддасига асосан мониторинг олиб борилмоқда. Унда дастлабки таҳлилларда тафовутлар аниқланган тақдирда солиқлар ва бюджетга тўланадиган бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланганигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши талаб етилади. Таклиф этилаётган тушунтиришга рози бўлмаган тақдирдагина давлат даромадлари органи асослантирилган қарор қабул қиласиди ва аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги масала юзасидан солиқ текшируви тайинлайди. 2021-йилда йирик солиқ тўловчилар мониторингини оптималлаштириш мақсадида энг катта таваккалга эга бўлган йирик солиқ тўловчиларнинг мақсадли гурӯхлари аниқланди. Масалан, солиқ мониторинги доирасида 17 та талаб белгиланди. Натижада солиқ тушумлари 42,3 млрд тенгени ташкил этди. Бу ўтган йилга нисбатан 35,5 млрд тенгега кўпдир”.

Россия Федерациясида онлайн шаклида “Налоговый мониторинг – 2022” мавзуда ўтказилган конференцияда солиқ мониторингининг аҳамияти тўғрисида қўйидагилар қайд этилди: “Компаниянгизда солиқ мониторинги режимида солиқ назоратига ўтиш режалари борми?” деган саволга. Респондентларнинг 40 фоизи ўтиш 2023 йилга мўлжалланган деб жавоб берди, яна 34 фоизи келажакда мониторинг иштирокчиси бўлиш ниятини билдириди. Солиқ мониторингига ўтиш даврида ҳал қилиниши режалаштирилган бизнес вазифалари орасида иштирокчиларнинг 33 фоизи меҳнат харажатлари ва Федерал Солиқ хизмати билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ҳужжат айланишининг қисқаришини таъкидладилар, 26 фоизи солиқ текширувларининг мумкин бўлган муддатини қисқартиришни кутмоқда, 20% солиқ таваккалчилигини бошқариш тизимини жорий этишнинг афзалликларини кўради ва респондентларнинг 13% солиқ мониторингини очиқ солиқ тўловчи имиджини шакллантириш воситаларидан бири деб ҳисоблайди”.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ва хорижда солиқ мониторингига солиқ назоратининг янги шакли сифатида алоҳида эътибор берилмоқда. Яқин келажакда бу солиқ назоратининг шаклли амалиётда кенг фойдаланинади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Солиқ мониторинги солиқ назоратининг янги ва самарали шакли бўлиб ҳисобланади.

Солиқ мониторингини ташкил этишда хориж тажрибаси, жумладан, Россия Федерацияси, Жанубий Корея ва Қозоғистон мамлакатлари тажрибасидан фойдаланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки ушбу мамлакатларда солиқ мониторингни автоматлаштиришда “1С:Налоговый мониторинг. Бухгалтерия КОРП МСФО” дастурий маҳсули амалиётда қўлланилмоқда.

Мамлакатимизда солиқ мониторингига жалб қилинаётган йирик солиқ тўловчилар сонини кўпайтириш асосида қўшимча солиқ тушумлари миқдорини ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Солиқ мониторингни қўйдаги даражаларда ташкил этишни таклиф қиласиз:

макродаражадаги солиқ мониторинги;

иқтисодиёт тармоқлари даражасидаги солиқ мониторинг;

солиқ тўловчи хўжалик субъектлари, яъни микродаражадаги солиқ мониторинги.

Адабиётлар:

FinExpertiza (2022) провела онлайн-конференцию “Налоговый мониторинг - 2022”. <https://finexpertiza.ru/news/konf-nal-monitor-2022/>.

Ильин А.Ю., Моисеенко М.А. (2016) Расширение области применения норма Налогового кодекса Российской Федерации, регулирующих порядок осуществления налогового мониторинга – как формы налогового контроля // Финансовое право. №2. – С.34.

Кодекс (2022) "Налоговый кодекс Российской Федерации (часть первая)" от 31.07.1998 N 146-ФЗ (ред. от 28.05.2022).

Мазурова Э. (2022) Для чего нужен налоговый мониторинг. https://buxgalter.uz/publish/doc/text177767_dlya_chego_nujen_nalogovyy_monitoring.6.06.2022.

Наталья Игуш (2022) Переход на налоговый мониторинг в 2022 году. Порядок, преимущества и альтернатива. <https://pravovest-audit.ru/nashi-statii-nalogi-i-buhuchet/nalogovyy-monitoring-stoit-li-perekhodit-i-k-chemu-gotovitsya/.6.06.2022>.

Наркевич Н.В. (2016) Налоговый мониторинг как форма налогового контроля Наркевич Н.В. ЖУРНАЛ. Проблемы современной науки и образования.

Приказ (2021) ФНС России от 23.12.2021 № ЕД-7-23/1142@ «Об утверждении Порядка получения доступа налоговых органов к информационным системам организации».

Саттарова Н.А. (2014) Горизонтальный монитринг как фактор эффективности налогового администрирования // Финансовое право. №10. С. 23.

Сулейменов А. (2022) Қозғостонда солиқ назорати тизимида сунъий интеллект құлланилади.<https://www.kazinform.asia/oz/kozogistonda-solik-nazorati-tizimida-sun-iy-intellekt-kllaniladi.7.06.2022>.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси (2022) – QOMUS.INFO. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/monitoring-uz/.6.06.2022>.

Қонун (2022) Ўзбекистон Республикасининг янги таҳирдаги Солиқ кодекси. ЎРҚ-599, 2019-йил 30-декабрь.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон қарори билан тасдиқланган “Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби түғрисида”ги НИЗОМ.



ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҖА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Дусияров Ш.Х.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришида солиқларнинг ўрни тадқиқ этилган, кичик тадбиркорлик субъектларини солиқҷа тортиш билан бевосита боғлиқ бўлган рақамлар таҳлил қилинган, шунингдек кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсирни ўрганилиб, тегишили хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: солиқ, тадбиркор, тадбиркорлик субъекти, кичик бизнес, айланмадан олинадиган солиқ, молиявий фаолият, даромад, хусусий тадбиркорлик, имтиёз.

Аннотация: В данной статье рассматривается роль налогов в развитии малого бизнеса в Узбекистане, анализируются показатели, непосредственно связанные с налогообложением малого бизнеса, а также влияние налогов на финансовую деятельность малого бизнеса, разработаны соответствующие выводы и рекомендации.

Ключевые слова: налог, предприниматель, хозяйствующий субъект, малый бизнес, налог с оборота, финансовая деятельность, доход, частное предпринимательство, льгота.

Abstract: This article examines the role of taxes in the development of small business in Uzbekistan, analyzes the indicators directly related to small business taxation, as well as the impact of taxes on the financial performance of small businesses, developed appropriate conclusions and recommendations.

Keywords: tax, entrepreneur, business entity, small business, turnover tax, financial activity, income, private entrepreneurship, benefit.

1. Кириш.

Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг омили сифатида тадбиркорликнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Солиқҷа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги глобаллашув шароитида солиқҷа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали

тадбиркорликни ривожлантириш ва бюджет даромадларини ошириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунга кўра, бугунги кунда бизнесни юритиш учун қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик мұхитини яратиш, солиқ тизимини рақамлаштириш ва солиқ маъмурнятчилиги шаффоғлигини ошириш, самарали солиқ-бюджет сиёсатини ташкил этиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ва солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан аҳоли фаровонлиги ва тадбиркорлик ривожига қаратилган мұхим чора-тадбирларни белгилаш бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, йиғилиш натижаларига мувофиқ 2022 йил 1 июндан тадбиркорлар учун солиқ маъмурчилиги ва текширишлар тизимини соддалаштириш масаласига эътибор қаратилди¹, жумладан:

- мол-мулк солиғини ҳисоблаш тизими бозор тамойилларига ўтказилганини инобатга олиб, самарасиз ишлатилаётган обьектлар бўйича таъсирчан солиқ механизмини (қўшимча юқори солиқ ставкалари) қўллаш тартиби бекор қилинади. Шунингдек, айланмаси 1 миллиард сўмдан ошган тадбиркорларга қўшилган қиймат солиғи тўловчиси гувоҳномаси дастлабки ўрганишсиз, автоматик тарзда берилади;

- жорий йилда тадбиркорлар фаолиятини текширишлар сони ошгани қайд этилди. Асосиз аралашувларнинг олдини олиш учун энди 22 та турдаги текширув фақат Бизнес-омбудсман рухсати билан амалга оширилиши белгиланди;

- рухсатнома бериш талабларини ҳам янада соддалаштириш зарурлиги таъкидланди. Умумий овқатланиш муассасалари учун санитария талабларини қайта кўриб чиқиб, эскирган талабларни бекор қилиш, етказиб бериш хизматлари билан шуғулланувчилар учун енгилликлар жорий этиш вазифаси қўйилди.

Мазкур вазифаларнинг бажарилиши тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси (ПФ-60. 2022) асосида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида қўйидаги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди:

- маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари» ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги ошириш;

- маҳалла ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка қўмаклашиш ва ўқитиши марказлари, тадбиркорлик обьектлари каби инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани учун маҳсус солиқ ставкаларини ўрнатиш тажрибаси асосида шароити «оғир» бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиш ишлари давом эттириш;

- 2022 йил 1 октябрга қадар шароити «оғир» бўлган ҳудудларда 2025 йил 1 январгача янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 1 фоиз ставкада ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлари ҳисобланган суммадан 1 фоиз ставкада тўлаш тизимини жорий этиш;

- 2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни ягона электрон реестрга киритиш тартиби жорий этиш ҳамда такорланувчи

¹ https://uza.uz/uz/posts/aholi-farovonligi-va-tadbirkorlik-rivozhiga-qaratilgan-muhim-chora-tadbirlar-belgilandi_364611

ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талаблар қайта кўриб чиқилиб, ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга тушириш;

- 2022 йил 1 апрелга қадар тадбиркорлик субъектларида масофавий (онлайн) фаолият кўрсатиш имкониятларининг мавжудлигидан ҳамда уларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа руҳсат этувчи ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш.

2. Адабиётлар шарҳи.

С.Ғуломовнинг (2002) таъкидлашича, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳар қандай шароитда: иқтисодий тушкунлиқда ҳам, инфляция даврида ҳам, кредитлар фоизи ўта юқори бўлганда ҳам, зарур инфратузилмасиз келажаги номаълум ҳолларда ҳам, хавф – хатар қанчалик юқори бўлишига қарамай яшайверади.

Шунингдек, А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев (1999) томонидан “Кичик бизнес – кишилар (мулкчилик) субъектларининг моддий ва пўл маблағларини (капиталини) амалда хўжалик оборотига, даромад топишга мўлжаллангандир”, дея таъкидлаган бўлса, Ё.Абдуллаев (1999) тадбиркорликка – қонун ҳужжатларига мувофиқ, даромад (фойда) олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш йўли билан таваккал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти сифатида таъриф берган.

Бугунги кунга келиб дунёning ривожланган мамлакатлари қонунчилиги кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг маҳсус субъектлари деб таснифланмоқда. Бу эса кичик бизнесни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари эса унинг ижтимоий аҳамиятини ва оммавийлигини белгилаш билан бир қаторда, иқтисодий ривожланиш мақсадларини ҳам белгилаб беради. Қ.Тўқсонов (2020) кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг муҳим жиҳати бўлиб унинг миқдорий ва сифат мезонлари ҳисобланади. Ушбу мезонларга корхона ишчиларининг сони, товар айланмаси, активлари ва олинган фойдалари киради.

Корхоналарнинг фаолиятига солиқлар ва солиқ юкининг таъсири бўйича И.Ниязметов (2018) қуйидагича тадқиқ этган. Йирик бизнеснинг солиқ юки кичик бизнеснига нисбатан оғирроқ бўлиши табиий. Буни аксарият давлатлар амалиётида ҳам кўриш мумкин. Бироқ, Ўзбекистондаги каби солиқ юки даражаларидағи кескин тафовут назарий жиҳатдан ҳам асосланмаган, халқаро амалиётда ҳам кузатилмайдиган ҳолатdir.

Кичик бизнес субъектлари томонидан тўланадиган билвосита солиқлар ҳисобини такомиллаштириш юзасидан К.Хотамов (2016) томонидан кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисботи соддалаштирилган шаклда тузилиши ҳамда бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботларнинг такомиллаштирилиши юзасидан тадқиотлар олиб борилган.

Ж.Урмонов (2020) тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш мақсадида, хориж тажрибасидан келиб чиқиб, микрофирма ва кичик корхоналарни аниқлаш мезонларига, ишловчилар сони билан бирга, реализация ҳажми (товар айланмасини) ҳам киритиш ҳамда микрофирма, кичик корхона ва ўрта корхона мезонларини киритиш зурурлини таъкидлаган.

Фикримизча кичик тадбиркорлик субъектлари фалиятини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш ҳамда ушбу соҳанинг ривожи дунёда, хусусан Ўзбекистонда ҳар қандай хавф-хатарлар жумладан юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий инқирозларга мамлакатнинг бардошлилик даражасини таъминлашга хизмат қиласи.

3. Тадқиқот методологияси.

Мақола мавзуси кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда солиқларнинг ўрнини очиб беришга қаратилган бўлиб, аввало мавзу долзарблиги асосланди, ушбу соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Илмий тадқиқот давомида аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил үсусларидан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат миқёсида ялпи ички маҳсулот, саноат, қурилиш ҳамда бандлик кўрсаткичларидағи улуши, улар томонидан тўланадиган базавий солиқ тури ҳисобланувчи айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)нинг йиллар давомидаги ставкалари таҳлилига тўхталаған бўлсак. 1-расм маълумотларига назар соладиган бўлсак, мазкур маълумотлардан кўриш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат миқёсида ЯИМ, саноат, қурилиш ҳамда бандлик кўрсаткичларидағи улуши ҳамда улардан ундириладиган базавий солиқ тури ҳисобланувчи айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)нинг йиллар давомидаги ставкалари таҳлил қилиш учун келтирилган.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан тўлаб келинган солиқ ставкаларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2000 йилдаги кўрсаткич келтирилмаган бунинг сабаби мазкур субъектлар фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш асосан 2005 йилдан эътиборан бошланганини ва шу йилдан бошлан ушбу субъектлар учун 13 фоизлик ягона солиқ қўлланила бошланган.

Дарҳақиқат кичик бизнес ва оиласий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилиши натижасида, айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови) ставкасини 2005 йилдаги 13 фоиздан 2022 йилда 4 фоизгача ёки 3 баробардан ортиқ камайтирилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун катта имкониятлар берди. Жумладан, 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги кичик бизнес субъектлари улуши 31,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йил якуни билан бу кўрсаткич 54,9 фоиз 2020 йилда 55,7 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2010-2019 йиллардаги ҳолатга нисбатан камайиш тенденциясига эга. Ушбу ҳолатни 2019 йилдан бошлаб бюджет-солиқ сиёсати концепцияси доирасида қўлланилган механизмлар таъсирида кичик бизнес субъектлари тоифасини аниқлашда фақатгина ходимлар сони эмас балки уларнинг айланма маблағлари ҳам инобатга олиниши билан асослаш мумкин.

Бундан ташқари 1-расмда келтирилган барча кўрсаткичлар 2020 йилдан олдинги даврга нисбатан камайиш тенденциясига эга. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида дунё миқёсида, қолаверса мамлакатимизда кузатилган коронавирус пандемиясининг тадбиркорлик субъетлари фаолиятига салбий таъсирини келтириш мумкин.

Умуман олганда таҳлил қилинаётган маълумотларга кўра кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти 2000-2010 йилларга нисбатан охирги ўн йиллик даврда ижобий ўзгариш тенденциясига эга. Бундай натижага эришилишида албатта ушбу субъектлар фаолияти солиқлар орқали қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамият касб этади. Буни биргина солиқ стакалари орқали ҳам кўришимиз мумкин.



1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ва уларга қўлланилган солиқ ставкалари ўзгариш динамикаси² (% да)

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.



2-расм. Ўзбекистонда микрофирма ва кичик корхоналарда солиқ юкининг ўзгариши³.

³ Муаллиф ишламаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли Фармони талаблари доирасида 2019 йил 1 январдан барча тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий этилиши муносабати билан Солиқ кодексига тегишли ўзгартириш киритилиб ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан ресурс солиқларини тўлаш мажбурияти ҳам белгиланди. Ушбу ўзгаришлар натижасида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган солиқларнинг юки умумбелгилangan солиқ тўловчи субъектлар солиқ юки билан мувозанатлаштирилди (2-расм).

Кичик корхоналарда солиқ юки ҳам 2005 йилгача 15,2% ташкил этган бўлса, 2005 йилда 13%, 2009 йида 8%, 2010 йида 7%, 2011 йида 6% ва 2016-2018 йилларда 5% га (саноат ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳаси корхоналарига), 2019 йилда эса 4%га туширилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланаётган солиқлар бўйича солиқ юкининг бундай пасайтирилиши умумбелгилangan тартибда солиқ тўловчилар билан мувозанатнинг бузилиб кетишига олиб келди. Натижада 2019 йилдан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар ҳам солиқ мажбуриятлари юзасидан мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашлари белгилаб қўйилди.

2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, кичик бизнес субъектлари учун қўлланилган солиқлар бўйича солиқ юкининг камайишига солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, солиқقا тортиш режимларининг соддалаштирилиши ҳамда солиқ имтиёзлари ва преференцияларининг қўлланилиши асосий сабабчи бўлган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон фармонига мувофиқ умумбелгилangan ва соддалаштирилган режимларда солиқларни тўловчилар ўртасидаги солиқ юкини тенг тақсимлаш масаласига эътибор қаратилди.

1-жавдал Айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови) тушуми тўғрисида маълумот⁴ (млрд. сўмда)

Ҳудудлар номи	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	
					ЯТТлар	юридик шахслар
Қорақалпоғистон Рес.	102,0	120,4	163,7	68,2	15,9	34,4
Андижон вилояти	136,5	161,1	219,1	91,3	21,2	46,1
Бухоро вилояти	137,5	162,3	220,7	91,9	21,4	46,4
Жizzах вилояти	68,5	80,8	109,9	45,8	10,7	23,1
Қашқадарё вилояти	204,5	241,3	328,2	136,7	31,8	69,1
Навоий вилояти	67,0	79,1	107,5	44,8	10,4	22,6
Наманган вилояти	129,0	152,2	207,0	86,3	20,1	43,6
Самарқанд вилояти	160,0	188,8	256,8	107,0	24,9	54,0
Сурхондарё вилояти	93,5	110,3	150,0	62,5	14,5	31,6
Сирдарё вилояти	61,5	72,6	98,7	41,1	9,6	20,8
Тошкент вилояти	262,0	309,2	420,5	175,2	40,7	88,5
Фарғона вилояти	158,5	187,0	254,4	106,0	24,6	53,5
Хоразм вилояти	93,5	110,3	150,0	62,5	14,5	31,6
Тошкент шаҳар	766,0	903,9	1 229,3	512,2	119,1	258,7
Жами	2 440,0	2 879,2	3 915,7	1 631,5	379,4	824,0

⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

Мамлакатимизда 2020 йилдан амалиётга жорий этилган Солиқ кодексига асосан белгиланган меъёрларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларни солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган режимлар ўртасидаги тафовутнинг йўқотилишига эришилди. Яъни корхоналарнинг айланмаси ҳажмига қараб солиқ режимлари белгиланиши уларни солиққа тортиш бўйича адолатлиликни таъминлади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган асосий солиқ тури айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови) бўлганлиги сабабли ушбу солиқнинг тушумларини Республика миқёсида ҳудудлар кесимида кўриб чиқамиз (1-жадвал).

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови) тушуми 2016-2018 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилдан кескин камайиши кузатилган. Ягона солиқ тўлови тушуми 2019 йилда 2018 йилдагига нисбатан деярли 2,5 баробарга 2020 йилда эса 3,3 баробарга камайиб кетган.

Ушбу ҳолатни сўнгги йиллардаги солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар ҳамда амалиётга қўлланилган солиқ сиёсати концепцияси натижасида солиққа тортиш режимларининг ўзгариши яъни асосий эътибор тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маблағлар айланмаси ҳажмига қаратилиб солиқ солиш тартиблари белгиланганини тартибда фақатгина ягона солиқ тўловини тўлаб келаётган солиқ тўловчиларнинг аксарият қисми фойда, қўшилган қиймат ва бошқа умумибелгиланганди солиқларни тўлаш тартибига ўтиши натижасида айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)ни тўловчилар сони камайган. Шу билан бирга юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибалари инобатта олинган ҳолда якка тартиbdаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳам 2020 йилдан бошлаб амалга оширган айланма маблағлари ҳажмидан келиб чиқиб айланмадан олинадиган солиқни тўлашлари қонунчиликка киритилди. Шу сабабли якка тартиbdаги тадбиркорлар 2020 йилда 379,4 млрд.сўм миқдорида айланмадан олинадиган солиқни тўлаган.

Солиқ тушумларининг 2020 йилда камайиб кетишига бутун дунёда, жумладан мамлакатимизда кузатилган коронавирус пандемияси таъсирида ушбу субъектлар фаолиятида айрим чекловларнинг ўрнатилиши, қолаверса мамлакатимиз Президенти томонидан пандемия даврида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган кўплаб ҳужжатлар (ПФ-5969-сон, ПФ-5978-сон, ПФ-5986-сон, ПФ-6029 ва ҳ.к.) асосида қўлланилган имтиёз ва преференциялар таъсир қилган.

Қисқача хulosса қиласидан бўлсак мамлакатимизда кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган барча чора-тадбирлар ҳамда ислоҳотлар амалий натижаларига кўра ҳам бюджет даромадларининг барқарорлигини ҳам тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш бўйича адолатлиликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат идораларининг статистик ва бошқа маълумотлари ҳамда 2,1 мингдан ортиқ умумий овқатланиш корхоналари вакиллари ўртасида ўтказилган сўровлар ва таҳлиллар асосида Ўзбекистонда умумий овқатланиш соҳасига оид амалиётда учраётган қўйидаги муаммолар эътироф этилган⁵:

1. Солиқ юки ва мураккаб солиқ маъмуриятчилиги. Ушбу субъектлар 7-9 турдаги солиқларни тўлайди. Жумладан, айланмадан олинадиган солиқ (товар айланмаси 1 млрд. сўмгача), қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, ижтимоий солиқ, даромад солиғи

⁵ <https://minjust.uz/uz/press-center/news/103524/>

(солиқ агентли сифатида), мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, алкоголли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун үндириладиган йиғим (алкоголли ичимликлар сотилса). Умуман олганда солиқ юкининг юқорилиги кичик тадбиркорлик субъектларининг солиқдан қочишига олиб келади.

2. Соҳадаги тадбиркорлар уларнинг фаолиятини энг кўп текшириш солиқ органлари томонидан амалга оширилганлигини, кейинги ўринларда санитария ва ёнғин назорати органлари, ички ишлар органлари (асосан, тунда фаолият юритишни тұхтатиш юзасидан) эканлигини билдиришшан.

3. Текширишлардаги коррупция ҳолатлари. Фаолиятга оид қонун-қоидалар мураккаб ва текширувчилар кўп бўлиши коррупцияга йўл очиб бермоқда. Масалан, респондентларнинг 26,4 фоизи (905 нафар) солиқ, 20,3 фоизи (697 нафар) санитария ва 11,3 фоизи (387 нафар) ёнғин назорати органларида коррупция ҳолатларига дуч келишгани, шунингдек, коррупциянинг энг кўп тарқалган тури давлат органлари ходимларига бепул хизмат қўрсатиш эканлигини таъкидланган.

4. Ишчиларни норасмий ёллаш. Одатда, ресторан, кафе ва ошхоналарда ошпаз, официант, фаррош каби ишчиларни меҳнат шартномаси тузмасдан оғзаки келишув билан ишга олади. Умумий овқатланиш корхоналарида 300 мингдан ортиқ одам ишласа, уларнинг 200 мингдан кўпи норасмий банд бўлиб, бу ҳолат корхона учун (жаримага сабаб бўлади), ишчи учун (меҳнат ҳуқуқлари кафолатланмайди) ва давлат учун (ижтимоий ва даромад солиқлари тушмайди) ҳам манфаат олиб келмайди.

5. Хулоса ва таклифлар.

Бугунги кунда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш методологиясини такомиллаштириш юзасидан қўйидаги хулосалар ва тавсиялар ишлаб қиқилди:

- янги Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, тадбиркорликни ривожлантириш ва қулай ишбилармонлик мухитини яратиш, солиққа тортишни соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмуриятчилиги шаффоғлигини ошириш ва қўшимча солиқ базасини кенгайтириш орқали солиқ тушумларини ошириш мамлакат солиқ сиёсатининг асосий вазифаси бўлиши лозим;

- тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан амалга оширилган айланма ҳажми инобатга олиниб солиққа тортиш режимларини белгилаш ушбу субъектлар томонидан солиққа тортиладиган айланма миқдорини камайтириб қўрсатишига ундаши мумкин. Ушбу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда корхоналар томонидан айланма миқдорини камайтириб қўрсатиш ҳоллари аниқланган тақдирда жавобгарлик чораларини кучайтириш бу бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ;

- кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширган айланмаси миқдорини барқарор равишда оширилиши, бунинг натижасида бюджет барқарорлигини таъминлаш мақсадида айланма маблағлари ҳажмини оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун фойда ҳамда айланмадан олинадиган солиқлар бўйича регрессив ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқ;

- корхоналарнинг “хуфёна иқтисодиёт”дан очиқ иқтисодиётга ўтишга бўлган қизиқишлини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини йилдан-йилга қўпайтириб бориш ва ўсиш суръатларини таъминлашни солиқлар воситасида рағбатлантириш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдан олинган қўшимча (маржинал) даромадларга фойда солиғи бўйича имтиёзлар жорий этиш;

- кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш имкониятини янада ошириш ва ҳақиқатда мавжуд ишчилар сонининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида, янги иш ўринлари яратган тадбиркорлик субъектларига нисбатан

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқнинг амалдаги стакасини 50 фоизга пасайтириш лозим. Буннинг натижасида аҳоли бандлиги таъминланади ва “конверт” усулида иш ҳақи бериш ҳолатлари олди олинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, билдирилган амалий таклифлар ва тавсиялар мамлакатимизда глобал иқтисодий инқироз ва пандемия шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бизнесга ишбилармонлик мұхитини яхшилаш ва тадбиркорлик субъектларини солиқлар орқали қўллаб-қувватлашга хизмат қиласди.

Адабиётлар:

Абдуллаев Ё. (1999) Тадбиркор ён дафтари: кичик бизнес ва тадбиркорлик. –Т.: «Меҳнат», 1999. - 12 б.

Ниязметов И.М. (2018) “Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш” Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 18-бет.

Тўқсонов Қ.Н. (2020) “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш истиқболлари” номли илмий мақола. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. № 6, ноябр-декабр.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон.

Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. (1999) Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Меҳнат», – Б. 243.

Урмонов Ж.Ж. (2020) Кичик тадбиркорликни солиққа тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари. «УЧЁНЫЙ XXI ВЕКА» //Международный научный журнал, № 12/5. С.90-97. http://www.uch21vek.com/assets/uch21vek_12_5_2020.pdf.

Ғуломов С. (2002) Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: «Шарқ», - 9 б.

Хотамов К.Р. (2016) “Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. 30-б.



ЭКОЛОГИК ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИННИ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

и.ф.д., профессор Кудбиеев Д.

Фарғона политехника институти

и.ф.н., доцент Мисиров К.М.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти

Аннотация: Мақолада Республикаизда фаолият юритаётган йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналарида экологик харажатлар ҳисобининг методологиясини тақомиллаштириш жиҳатлари ёритилган. Шунингдек «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси (Навоий КМК ДК), «Навоийазот» АЖ ва «Фарғонааазот» АЖларнинг харажатлари таркибида экологик харажатларнинг улуши таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: атроф мұхит мұхофазаси, харажат, маҳсулот таннархи, ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари, молиявий фаолият харажатлари, экологик харажатлар ва экологик ҳисоб.

Аннотация: В статье рассмотрены аспекты совершенствования методики расчета экологических затрат на крупных промышленных предприятиях, действующих в стране. Также проанализирована доля экологических затрат в структуре расходов ГП «Навоийский горно-металлургический комбинат» (ГП «Навоийский горно-металлургический комбинат»), АО «Навоиаазот» и АО «Ферганааазот».

Ключевые слова: охрана окружающей среды, себестоимость, себестоимость продукции, себестоимость продукции, затраты периода, финансовые операционные затраты, экологические затраты и экологический учет.

Abstract: The article considers aspects of improving the methodology for calculating environmental costs at large industrial enterprises operating in the country. The share of environmental costs in the cost structure of the Navoi Mining and Metallurgical Combine State Enterprise (Navoi Mining and Metallurgical Combine State Enterprise), Navoiazot JSC and Ferganaaazot JSC was also analyzed.

Keywords: environmental protection, cost, production cost, production cost, period costs, financial operating costs, environmental costs and environmental accounting.

1. Кириш.

Кейинги ўн йилликда жаҳон амалиётида ҳудудларнинг экологик барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини янада таъминлаш мақсадида табиий ресурслар ва

экотизимларни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишга қаратилган ижобий тенденциялар юзага келмоқда. Будай ёндашувни халқлар онгига ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ўзгаришлар, стратегик ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчил амалга оширишда янги экологик тафаккурни ҳам шакллантириш муҳим омил ҳисобланади. Атроф табиий муҳитни тартибга солишнинг янги тизимини жорий этиш чораларини кўриш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, шунингдек, кам чиқитли замонавий технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш, истеъмол чиқиндиларини камайтириш, қайта ишлаш, экологик тоза усусларини ишлаб чиқиш ва табиий атроф табиий муҳитга чиқиндилар чиқишини камайтиришни таъминлаш зарурдир.

Экология соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан чиқиндиларни камайтириш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ташкил этилганлиги экологик харажатлар ҳисобини юритишда алоҳида аҳамият касб этади (Қонун, 1992).

Экологик ҳисоби, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш харажатларни амалга ошириш чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, экологик ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишда, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқишида ҳамда иқтисодий барқарорликни оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги глобаллашув жараёнида корхоналарнинг барқарор иқтисодий ва экологик ривожланишида табиий ресурслар ва экотизимларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишда экологик харажатлар ҳисоби муҳим ўрин эгаллайди. Экология ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, шу жумладан чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, биоресурсларни сақлаш ва қайта тиклаш, мониторингини олиб бориш зарур.

2. Адабиётлар шарҳи.

Бу борада хорижий иқтисодчи олимлар экологик харажатлар ҳисоби ҳақида ўзларининг қўйидаги илмий қарашларини келтириб ўтишган.

M.Kaiser (2017) докторлик илмий тадқиқот ишида қайд этадики, «атроф табиий муҳитга сарфланадиган харажатлар кўпинча анъанавий бухгалтерия тизимлари томонидан эътиборга олинмайди ва тегишли маълумотлар кўпинча қўшимча ҳисобларда яширинади», деган хуносага келган.

J.Dyduch ва J.Krasodomskalarning (2017) ёндашича, «компаниянинг ҳажми, даромадлилиги, молиявий таъсир даражаси, атроф табиий муҳитга таъсир даражаси, бошқарувнинг сони ва ёши, халқаро бозорларда ишлайдиган ва компаниянинг ишбилармонлик обрўси каби омилларни ҳисобга олган ҳолда ошкор қилинадиган маълумотларнинг сифатини баҳоланишини» таклиф қилишган.

D.Jovanovic ва бошқалар (2020) қайд этишича, «экологик харажатларни самарали бошқаришни аниқлаш, тўплаш, баҳолаш, тақсимлаш ва таҳлил қилишни, шунингдек, моддий ва энергия оқимлари билан боғлиқ молиявий ва молиявий бўлмаган маълумотларни талаб қиласди», деб таъкидлайди.

Россиялик иқтисодчи олимлар ҳам экологик харажатлар ҳисобига ўзларининг турлича қарашлари билан ёндашган.

Е.Ильичева (2010) ўзининг илмий тадқиқот ишида экологик ҳисобга қўйидаги фикрларни билдирган: «экологик ҳисоб – экологик харажатлар ва экологик мажбуриятларни аниқлаш, баҳолаш, режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиш, маълумотларни йиғиш, қайд этиш ва умумлаштириш тизимиdir», деган ўз қарашларини билдирган.

Л.Ермакова ва бошқаларнинг (2016) фикрича, «экологик харажатлар, улар

яширинган барча харажатлар билан бирга ажратилади. Шунга кўра, аксарият ҳолларда ташкилотдаги харажатлар базаси атроф-муҳитга сарфланадиган харажатлар билан ҳеч қандай иқтисодий асосланган боғлиқга эга эмас»лигини такидлайдилар.

О.Ефимованинг (2013) қарашича, «экологик харажатлар ҳисобини кенг жорий этиш корхонанинг экологик фаолиятини фаоллаштиришга, атроф-муҳитга сарфланадиган харажатлар ва мажбуриятларни режалаштириш, назорат қилиш ва таҳлил қилишни, атроф-муҳитга етказилган зарарни баҳолашга имкон беради ва шу сабабли манфаатдор фойдаланувчиларга тўлиқ ҳамда ишончли экологик ҳисбот тақдим этшилигини билдирган». Ушбу муаллифнинг экологик харажатлар ҳисобини кенгроқ ёритган.

У.Сафин (2008) «экологик харажатлар ҳисоби – атроф-муҳитнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни жисмоний ва иқтисодий нуқтаи назардан аниқлаш, тартибга солиш ва тақдим этиш тизими», эканлиги ҳақида тўхталиб ўтган.

Мамлакатимизда экологик харажатлар ҳисбига доир тадқиқот олиб борган иқтисодчилар ўзларининг турлича қарашларини билдиришган.

С.Махмудов (2007) ўзининг илмий тадқиқот ишида, «табиатни муҳофаза қилиш харажатлари ҳисоби – бу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан табиатни муҳофаза қилиш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни ўлчаш, йиғиши, тизимга солиш, ҳисбога олиш, уларни таҳлил қилиш, ҳамда олинган натижаларни манфаатдор томонларга етказиб беришни амалга оширадиган ахборот тизимиdir», деган фикр-мулоҳазаларини берган.

З.Қурбанов (2012) ўзининг илмий ишларида,«ҳисоб турларининг таснифини ёритган бўлиб, бошқарув ҳисобининг таркибида экологик ҳисобни ҳам келтирган».

С.Юлдашева (2011) ўзининг илмий ишида, «экологик харажатларни ҳисбога олиниши бўйича қўйидаги счётларни таклиф қиласди»: 2510 - «Умумишлаб чиқариш харажатлари» таркибида; 2511- «Умумишлаб чиқариш харажатлари»; 2513 - «Ер учун тўлов» ва 2514 - «Еости бойликлари учун тўлов счётларини» очишни тавсия қиласди.


3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, экологик харажатлар ҳисоби ва аудити билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Навоий КМК ДК, «Навоийазот» АЖ ва «Фарфонаазот» АЖларнинг харажатлари..... бўйича назарий масалалар умумлаштирилди. Тадқиқот жараёнида корхоналарнинг амалий материалларни таққослаш ва гуруҳлаш каби усуслардан фойдаланилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Экологик ҳисоб назарияси ва амалиётининг ривожланиши ижтимоий ҳисбнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу жараён давомида хўжалик субъектларининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар пайдо бўлади. Шу сабабли харажатларни таснифлаш экологик харажатларни ҳисбога олишни шакллантириш ҳам муҳим роль ўйнайди. Экологик харажатлар саноат корхонанинг ички кўрсаткичларини яхшилашга, узоқ муддатли қарорларни қабул қилишда, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишдан ташқари, «яшил» иқтисодиётни таъминлашга хизмат қиласди. Бунинг натижасида атроф-муҳитнинг ифлосланиши, чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш, маҳсулот, иш ва хизматларнинг таннархида ушбу харажатларни тўғри тақсимлаш, ички харажатларни сифат жиҳатидан баҳолаш, халқаро стандартлар қоидалари, мезонлари, ва тамоиллар асосида маълумотларни таҳлил қилишга эришилди. «Навоий КМК ДК», «Навоийазот» АЖ ва «Фарфонаазот» АЖларида экологик харажатлар ҳисбидан, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, таннархни пасайтиришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш

зарур. Халқаро стандартларга ўтиш, «яшил иқтисодиёт» амалиётида экологик харажатларни ҳисобга олиш ва барқарор иқтисодиётнинг ривожланишини мониторинг қилувчи омил сифатида экологик аудитни ўтказишни янада такомиллаштириш керак. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларининг самарали иқтисодиётдаги замонавий тақдимоти ички иқтисодиётнинг реал секторларида суръатни оширади ва барқарор иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга ҳисса қўшадиган янги инвесторларни жалб қиласди.



1-расм. Экологик харажатларнинг моҳиятига кўра таснифланиши¹

Ҳозирги кунда экология соҳасидаги бухгалтерия фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмас, улар атроф табиий муҳит фаолияти билан боғлиқ бўлган бизнес жараёнларининг молиявий ҳисботида батафсил акс эттиришни талаб қиласди. Бундан ташқари тартибсизликни ва ҳатто атроф-муҳит учун сарфланадиган харажатларни етарли даражада ҳисобга олмаётгандигини келтириб ўтишимиз жоиз. Деярли ҳар қандай корхона атроф-муҳитга маълум даражада зарар етказади, шунинг учун улар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари учун харажатларини алоҳида қайд

¹ Расм муаллиф ишланмаси.

этишлари, экологик харажатлар тўғрисида маълумот тўплашлари ва уларнинг нархига ҳамда унинг натижасида корхона фойдасига таъсирини акс эттиришлари шарт. Саноат ишлаб чиқариш корхоналарида экологик ҳисоб тизимида қайтариб бўлмайдиган чиқиндилар баҳоланмайди. Аммо қайтариб бўлмайдиган чиқиндиларнинг бир қисми бўлган ва экология ифлосланишининг ташувчиси бўлган заҳарли чиқиндилар атроф-муҳит учун тўловларни амалга оширишни талаб қиласи, баъзи ҳолларда эса маҳсус жазо чораларини кўради. Заҳарли чиқиндилар ҳар-хил даражадаги экологик хавф билан тавсифланади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит мақсадларида атроф табиий муҳитни бошқариш тизимини соддалаштириш учун экологик харажатларни таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Экологик харажатларнинг моҳиятига кўра таснифланишини 1-расмда келтириб ўтилган.

Бугунги кунда бутун дунё мамлакатларида экологик харажатларнинг сезиларли даражада ўсишини кузатиш мумкин. Ҳозирги вақтда уларнинг умумий қиймати ўнлаб ва юзлаб миллиард долларни ташкил этади. Ушбу харажатлар атроф-муҳитни ифлослантирувчи хўжалик субъектлари томонидан қопланади. Бизнинг фикримизча, хўжалик субъектларида экологик харажатлар ҳисобини юритишдан манфаатдор хўжалик субъектларининг эҳтиёжларини қондиришда фойдаланилади. Табиий ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришда ва инвестицияларни жалб қилишда экологик харажатлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг жами харажатларида экологик харажатлар тўғрисидаги тегишли ахборот тизимнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Экологик харажатлар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби билан узвий боғлиқликни таъминлаган ҳолда юритилади. Бунда экологик харажатлар ҳисобини оптималлаштириш, экологик хавфнинг салбий таъсирини камайтириш, хўжалик субъектларида бошқарув қарорларини қабул қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Экологик харажатлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш уларни таҳлил қилиш имконини беради.

1-жадвал

Йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналарида харажат турларининг таҳлили (млн. сўм)²(млн сўм)

Йил	Корхона номи	Ишлаб чиқариш харажатлари	Давр харажатлари	Молиявий фаолият харажатлари	Фавқуло тда харажатлари	Жами харажатлар	Экологик харажатлар	Экологик харажатлар салмоғи, %
2013	«Навоий КМК» ДК	2622105,6	1458109,4	35118,4	470,1	4115803,5	30185,6	0,73
	«Навоийазот» АЖ	381401,6	64726,3	9052,2		455180,1	122171	26,84
	«Фарғонаазот» АЖ	262042,1	76354,7	7616,6		346013,4	11394,3	3,29
2014	«Навоий КМК» ДК	2938210,8	1674931	45614		4658755,8	30725,8	0,66
	«Навоийазот» АЖ	498469,4	81464,9	8241,2		588175,5	140229,6	23,84
	«Фарғонаазот» АЖ	316344,6	71410,5	8955,7		396710,8	14337,1	3,61
2015	«Навоий КМК» ДК	3168317,4	1853630	45182,7	73,4	5067203,5	31063,3	0,61
	«Навоийазот» АЖ	489481,3	126526,6	13786,5		629794,4	145294,1	23,07
	«Фарғонаазот» АЖ	346329,3	71491	4732,8		422553,1	15202,2	3,60
2016	«Навоий КМК» ДК	3513181,5	2123209	19992,7		5656383,2	27690,1	0,49
	«Навоийазот» АЖ	730244,1	103415	15927,9		849587	112639,2	13,26
	«Фарғонаазот» АЖ	577588,9	112963,9	6117,6	1,2	696671,6	17678,7	2,54

² Корхоналар амалий маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

	«Навоий КМК» ДК	4304422,7	2884482	412882,1	361,4	7602148,2	26742,6	0,35
2017	«Навоийазот» АЖ	576545,1	119571,4	83627,5		779744	107293,1	13,76
	«Фаргонаазот» АЖ	510145,9	123723,7	145666,6		779536,2	19289,7	2,47
	«Навоий КМК» ДК	7099239,4	5833053,2	259938,6	63575	13255806,2	23790,3	0,18
2018	«Навоийазот» АЖ	915149,7	145338,9	11608,4		1072097	151090	14,09
	«Фаргонаазот» АЖ	718189,8	217827,1	31048		967064,9	23002	2,38
	«Навоий КМК» ДК	10000926,7	9603470,8	1036802,8	14,8	20641215,1	32023,8	0,16
2019	«Навоийазот» АЖ	1168652,6	203656,7	1161393,3		2533702,6	199716,1	7,88
	«Фаргонаазот» АЖ	740038,3	228337,8	59032		1027408,1	34406,6	3,35
	«Навоий КМК» ДК	12575133,5	11750772,5	1683707,4		26009613,4	54778	0,21
2020	«Навоийазот» АЖ	1802371,8	219846,3	1138318,5		3160536,6	221289,4	7,00
	«Фаргонаазот» АЖ	917502,1	252119,1	32391,3		1202012,5	37003,9	3,08

Республикамиздаги йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳисобланган «Навоий КМК» ДК, «Навоийазот» АЖ ва «Фаргонаазот» АЖ ларининг 2013-2020 йиллардаги жами харажатлари ва уларнинг таркибидаги экологик харажатлар таҳлили келтирилган. Яъни, 2013 йилда «Навоий КМК» ДКда жами харажатлар 4115803,5 млн сўм бўлиб, экологик харажатлар 30185,6 млн сўмни ёки жами харажатларнинг 0,73 фоизини ташкил этган. «Навоийазот» АЖ жами харажатларининг 455180,1 млн сўмидан 122171,0 млн сўми экологик харажатларга сарфланган. «Фаргонаазот» АЖ да эса жами харажатлар 346013,4 млн сўм бўлиб, шундан 11394,3 млн сўми экологик харажатлар билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткичлар кейинги йилларда тобора ортиб борган. Жумладан, 2020 йилга келиб «Навоий КМК» ДКда 2013 йилда жами харажатлар 26009613,4 млн сўмни ташкил этиб, экологик харажатларга 54778,0 млн сўм, «Навоийазот» АЖ жами харажатлари 3160536,6 млн сўмдан 221289,4 млн сўми экологик харажатларга сарфланган. «Фаргонаазот» АЖда ҳам жами харажатлар 1202012,5 млн сўмни ташкил этиб, экологик харажатларга 37003,9 млн сўм ёки жами харажатларнинг 3,08 фоизи қилинган. Жадвал маълумотларидан кўринадики, «Навоийазот» АЖда экологик харажатларга бўлган муносабат яхши бўлганлиги натижасида жами харажатлар таркибидаги салмоғи бирмунча юқори бўлган. Аксинча, «Навоий КМК» ДКда эса экологик харажатларга эътибор етарли бўлмаганилиги натижасида умумий харажатлар таркибидаги салмоғи ниҳоятда паст 0,16-0,73 фоиз оралиғида бўлган. Бундан кўринадики, мазкур йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналарида экологик харажатлар билан боғлиқ харажатларни оқилона бошқариш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий иқтисодиётда экологик хавфсизлик ва экологик мувозанат муаммолари биринчи ўринда туради. Саноат ишлаб чиқариш корхоналарида ишларни режалаштиришда ишончли экологик маълумотлардан, яъни атроф табиий мұхитта таъсирни баҳолаш методологиясидан фойдаланган ҳолда тўғри ва ўз вақтида экологик хавфларни ва улар билан боғлиқ қўшимча харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этиш, экологиянинг ифлосланишига қарши курашнинг самарали усувларидан фойдаланиш зарур.

Умуман олганда, экологик харажатлар ҳисобининг талқинини кенгайтириш хўжалик субъектларининг атроф-муҳитга таъсир қилиш даражасини янада тўлиқ ва объектив равишда ҳисобга олиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида экологияга ҳаддан ташқари антропоген таъсир қилиш хавфини ўз вақтида аниқлаш ва профилактика чораларини қўллаш, шу билан бирга экологияга зарарли чиқиндиларни хўжалик субъектлари томонидан чиқарилишининг камайишига замин яратади, деб ҳисоблаймиз.

4. Ҳулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, хўжалик субъектлари атроф табиий мұхитни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида зарурый маълумотларни яратмайдилар. Чунки, бу талаб қонунда белгиланмаганлиги ва маҳаллий ташкилотлар экологик фаолият билан боғлиқ ҳисобни юритишда ҳамда таҳлилий маълумотларни олишда экологик харажатлар ҳисобининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб экологик харажатлар ҳисобини такомиллаштиришни қўйидагилар асосида амалга ошириш зарур:

- экологик харажатлар ҳисобини юритиш борасида давлатнинг ролини ошириш;
- экологик харажатлар ҳисобини дунё тажрибаларига таянган ҳолда юритиш;
- молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида экологик харажатларни амалга ошириш;
- ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва молиявий вазиятларда ушбу ҳолатни акс эттиришга ёрдам бериш;
- корхонанинг ҳисботига экологик сиёsat, дастурлар ва ютуқлар тавсифини киритиш;
- экологик ва иқтисодий самарадорликка асосланган янги бошқарув маданиятини шакллантириш.

Бизнинг фикримизча, корхоналарда экологик харажатлар ҳисобини юритилиши, корхонанинг экологик фаолияти тўғрисидаги ахборотларни батафсил тарзда ёритиш, шу билан бир қаторда, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш миллий стратегиясининг қоидаларини тўлиқ амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, корхоналарнинг ижтимоий-иктисодий имкониятини яхшиланишига ўз таъсирини ўтказади. Ресурсларни тежаш, сақлаш ва сифатини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни кўқаламзорлаштириш ва экологияни самарали бошқаришга ёрдам берадиган экологик ҳисоб маълумотлари орқали корхонанинг атроф-муҳитни бошқаришда қарорларни ўз вақтида қабул қилиниши экологик самарадорлигини оширишга олиб келади.

Умуман олганда хўжалик субъектлари фаолиятини юритишда экологик харажатларни бошқаришда муҳимдир. Экологик харажатлар тўғрисида муҳим маълумотлар асосида экологик харажатларни оптималлаштириш учун бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Адабиётлар:

Dyduch J., Krasodomska J. (2017) Determinants of Corporate Social Responsibility Disclosure: An Empirical Study of Polish Listed Companies / J. Dyduch, J. Krasodomska // Sustainability. №9. P.1934-1958. URL:<https://doi.org/10.3390/su9111934>

Dejan Jovanovic, Mirjana Todorovic, Ivana Medved (2020) Environmental management accounting support to ISO 14001 Implementation in serbia: A case study. See discussions, stats, and author profiles for this publication at: <https://www.researchgate.net/publication/340006105> © by PSP Volume 29.№ 04/.P. 2290-2299 Fresenius Environmental Bulletin.

Marcel Kaiser (2017) The suitability of Environment Management Accounting (EMA) models applied by the German Mittelstand [Электронный ресурс] // http://eprints.glos.ac.uk/5594/1/PhD_Kaiser_Final_Thesis.pdf (дата обращения: October 2017. 329).

Ермакова Л.В., Гудкова О.В., Мельгүй А.Э. (2016) Основные направления организации управленческого учета на предприятии // Экономика, предпринимательство и право. Т. 6. № 3. С. 315-320.

Ефимова О.В. (2013) Раскрытие информации в бухгалтерской отчетности: актуальные вопросы // Корпоративная финансовая отчетность. Международные стандарты. № 02 (70). С. 35-50.

Ильичева Е.В. (2010) Экологический учет в условиях реализации политики экологической сбалансированности: Автореферат на соискание ученой степени д.э.н. Орел, С 48.

Махмудов С.К. (2007) Табиатни муҳофаза қилиш харажатлари ҳисоби ва экологик аудитни такомиллаштириш йўллари: 08.00.08-«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит». Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. 16 б.

Сафин У.З. (2008) Теневая экономика и коррупция: Учебное пособие. М-во внутренних дел Российской Федерации, ГОУВПО.Уфа: Уфимский юридический ин-т.

Қурбанов З.Н. (2012) Солиқ ҳисоби ва аудити:Ўқув қўлланма.Т., 176 б.

Қонун (1992) Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги. Т.

Юлдашева С.Х. (2011) Совершенствование учёта и аудита экологических затрат на промышленных предприятиях: Автореф. дис. ...канд. экон.наук. Т., С. 24.



НОМОДДИЙ АКТИВЛАР: ҲАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА ТАҲЛИЛ

и.ф.д., профессор Ризаев Н.К.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация: Глобаллашув жараёнида Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини (БХМС)ни, жумладан номоддий активлар билан боғлиқ стандартни молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига (МХХС) мувофиқлаштиришда юзага келган муаммолар ва уларнинг ечимида қаратилган фикралар билдириб ўтилган. Бунда номоддий активларни тан олиш, баланс қийматини баҳолаш, амортизацияни ҳисоблаш усули, қайта баҳолаш модели, номоддий активлар ҳақидаги маълумотларни молиявий ҳисоботларда очиб бериш тартибини ҳалқаро стандарт (Номоддий активлар 38-сон БХХС) қоидаларга мувофиқлаштириш ҳамда номоддий активларни қайта баҳолаш модели бўйича уларни бишланғич, амортизация, узоқ муддатли ва жами активларга нисбатан таъсирини баҳолаш бўйича тавсиялар шакллантирилган.

Калим сўзлар: актив, баланс қиймат, номоддий актив, тадқиқот, тажриба-конструкторлик, қадрсизланиш, молиявий ҳисобот, қайта баҳолаш, фойдали хизмат муддати, ҳаққоний қийма, корреляция, регрессия, таҳлил.

Аннотация: В процессе глобализации высказаны проблемы, возникшие при гармонизации национальных стандартов бухгалтерского учета (НСБУ), в том числе стандарта, относящегося к нематериальным активам, с международными стандартами финансовой отчетности (МСФО) и идеи, направленные на их решение. . При этом признание нематериальных активов, оценка балансовой стоимости, метод расчета амортизации, модель переоценки, соблюдение международного стандарта (Нематериальные активы № 38 НСБУ) правил раскрытия информации о нематериальных активах в финансовой отчетности и их инициализация , амортизация по модели переоценки нематериальных активов, долгосрочная и сформированы рекомендации по оценке влияния на общую сумму активов.

Ключевые слова: актив, балансовая стоимость, нематериальный актив, исследование, план эксперимента, обесценение, финансовая отчетность, переоценка, срок полезного использования, справедливая стоимость, корреляция, регрессия, анализ.

Abstract: In the process of globalization, the problems that arose in the harmonization of the national accounting standards (NAS), including the standard related to intangible assets, with the international financial reporting standards (IFRS) and the ideas aimed at their solution are expressed. In this case, recognition of intangible assets, assessment of balance sheet value, method of calculating amortization, revaluation model, compliance with the international standard (Intangible Assets No. 38 NAS) rules for disclosure of information about intangible assets in financial statements and their initialization, amortization according to the revaluation

model of intangible assets , long-term and recommendations for assessing the impact on total assets have been formed.

Key words: asset, balance sheet value, intangible asset, research, experimental design, impairment, financial reporting, revaluation, useful life, fair value, correlation, regression, analysis.

1. Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солик тўловчилар тоифасига киритилган корхоналар МҲҲС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботни МҲҲС асосида тайёрлаш белгиланди. Мазкур қарорда хорижнинг илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича “Йўл харитаси”га асосан, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲҲСга ўйғунлаштиришни ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштиришни талаб этади. Бунинг учун қуйидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди, жумладан:

биринчи, Халқаро эксперталарни жалб қилган ҳолда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва МҲҲС ўртасидаги муҳим фарқланишлар бўйича кенг қамровли ахборотлар тайёрлаш;

иккинчи, Бухгалтерия ҳисобининг янги миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва амалдаги миллий стандартларга ўзгартишлар киритиш.

Демак, МҲҲС талаблари асосида амалдаги бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига ўзгартишлар киритиш ёки янги стандартларни ишлаб чиқиш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Натижада, “Йўл харитаси”га асосан, Молия вазирлиги билан ҳамкорликда амалдаги иккита, стандартларини 38-сон БҲМС (2005) “Номоддий активлар” номли халқаро стандартларга мувофиқлаштириш амалга оширилмоқда. Шу ўринда амалдаги БҲМСга ўзгартириш киритишга ёки уни янгилашга нима сабаб бўлди, бунга зарурат бормиди? деган савол туғилиши табиий. Ушбу саволга қуйидаги қисқача жавоб бериш мумкин, яъни номоддий активлар билан тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиши ҳисобга олиш тартиб қоидалари (тамойиллари) халқарода битта стандартда (38-сон БҲМС) мужассамлашган. Бизнинг амалиётда эса бу иккита стандартда ўз ифодасини топган (7-сон БҲМС ва 11-сон БҲМС). Натижада, иккала стандартларни умумлаштириб, уларда келтирилан тушунчалар, атамалар ва методикани халқаро стандартга мослаштириш ҳамда ягона миллий стандартни жорий этиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Ушбу мақолада асосан номоддий активларни қайта баҳолаш тартибини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, муаммо ва ечимлар хусусида фикрлар бериб ўтилади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Номоддий активлар тушунчаси ва уларни бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда улар ҳақидаги ахборотларни молиявий ҳисоботларда очиб берилиши юзасидан иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан келтирилган айрим фикр-мулоҳазаларга тўхталиб ўтилади.

П.Карлин (1998): номоддий активларни баланснинг энг тушунарсиз ва сифат жиҳатдан яхши бўлмаган моддаси сифатида таъриф беради. Номоддий активларни

баҳоланиши мұхим ақамиятга эга эканлиги таъкидлайди. Бизнинг фикримизча номоддий активлар агар үндан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлинганда эди, бу баланс активларининг энг даромадли бўлган моддасига айланиши, ҳаттоқи, корхонанинг бутун фаолияти, гўёки эътиборсиз бўлиб кўринган биргина патент ёки товар белгисига боғлиқ бўлиб қолиши мумкин бўлади.

К.Свэйби (1998): ўз моделида компания номоддий активларини уч гурӯҳга ажратади: ташқи тузилма (савдо маркаси, корхона имижи ва маҳсулот тан олинганилиги), ходимлар компентенцияси (маълумоти, фикрий билими, иш тажрибаси ва қобилияtlари), ички тузилма (патент, муаллифлик ҳуқуқи, бошқарув тизимлари, маълумотлар базаси ва илмий ишланмалар).

Б.Леонтьев (2002): номоддий активларни интеллектуал капитал таркибига киритади ва унга қўшимча қилиб, корхонада мавжуд бўлган барча активлар қиймати, интеллектуал янгиликлар, билимлар, қобилияtlар, жамланган билимлар базасидан иборатлигини кўrsatiб беради.

Л.Донцова (2008): номоддий активларни асосан иқтисодий таҳлил нуқтаи назардан корхонанинг амортизацияланувчи мулки сифатида баҳолайди ва уларнинг таркиби турли илмий ишланмалар, компьютер дастурлари, патент, муаллифлик ҳуқуқлари, кинофильмлар, товар белгилари ва ҳизмат кўrsatiш белгиларига мутлақ ҳуқуқлардан иборат деб ҳисоблайди. Шунингдек, номоддий активларнинг иқтисодий фойдаси (даромад)ни аниқлашда тушумга ёки корхона харажатларини камайтиришга эътиборни қаратиш мұхим эканлигини асослаб беради ва уларни корхонанинг узоқ муддатли активлари сифатида баҳолаш учун таҳлил услубиётiga қаратади.

И.Иванов (2008): номоддий активларни яратувчи шахснинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлоқ ҳуқуқи сифатида қарайди ва уни таркибини товар белгиси, фирма номи, товар чиқарилган жой номи, ҳизмат кўrsatiш белгисидан иборатлигини тақдилаб ўтади. У ўз фикрларини умумлаштирган ҳолда, интеллектуал мулк бу номоддий активларнинг бир қисми деб баҳолайди. И.Покровский (1894): номоддий активлардан фойдаланиш, жумладан, ҳар бир инсон интеллектуал мулк эгасининг (муаллиф) эришган ютуқлари ва техник ихтиrolарини амалга ошириш мақсадида унинг розилигисиз асарларини нашр қилиши ва тақрорлаши мумкин". Л.Лытнева (2006): номоддий активларни қуйидаги гурӯҳларга ажратишни таклиф этади: саноат мулки обьектлари, муаллифлик ҳуқуқи обьектлари ва товарларни индивидуаллаштириш воситалари. Ушбу гурӯҳлаш деярли ҳалқаро амалиётга яқин бўлиб, асосан компанияларда фойдаланилаётган интеллектуал мулк обьектларига мувофиқ гурӯхлаштирилади.

Р.Дусмуратов (2003): номоддий активларни моҳиятига кўра, жисмоний шаклга эга бўлмаган, лекин корхона фаолиятида унинг бошқа активлари қаторида қатнашиб даромад келтирувчи маблағларга киритади. Номоддий активлар тушунчасини ҳалқаро миқиёсда хам мураккаб ва ҳилма-ҳил тушинча эканлиги ва уларни ҳисобга олишда ягона стандартлар йўқлиги, натижада принципиал келишмовчиликлар давом этиб келаётганлигини алоҳида эътироф этади. И.Очилов (2007): Номоддий активлар - бу хўжалик фаолиятида узоқ вақт мобайнида фойдаланиш учун мўлжалланган моддий хусусиятга эга бўлмаган мол-мулк обьектларидир".

А.Сотиволдиев (2007): номоддий активларни сезиб бўлайдиган корхонанинг активлари сифатида таърифлайди. Р.Рахимбекова (2003): номоддий активлар жисмоний кўринишга эга бўлмаган ва келгусида даромад келтирувчи активлардир. Б.Исройлов (2006): номоддий активларни мол-мулк солиғи обьектларини туркумлашда кўчар мулк таркибига киритади. Унинг фикрига кўра, бозор муносабатлари шароитида инсоннинг интеллектуал меҳнати натижаси, яъни номоддий нематлар ҳам мулк сифатида тан

олинади. Ф.Ғуломова (2000): Номоддий активларга абийй-моддий кўринишга эга бўлмаган ва қўшимча даромад келтириш имкониятини яратувчи объектлар киради”.

И.Исманов (2009): номоддий активлар объектларни тан олиш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг айрим хусусиятлари Моливий ҳисботнинг халқаро стандартларига трансформация қилиш масалалари кўриб чиқилган.

Ш.Илхамов (2005): номоддий активлар қийматини меҳнат ҳақи миқдорининг энг кам даражаси билан боғлаб хизмат даври бир йилдан кўп бўлган патент, лицензия, ноу-хау, савдо маркалари, товар белгилари, саноат намуналари, дастурий таъминот, ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш хуқуқи, ташкилий харажатлар, франчайз, муаллифлик хуқуқлари ва бошқа активлар киритилиши лозимлигини кўрсатиб беради. М.Пўлатов (2017): Номоддий активларни асосий таркибий қисми бўлган интеллектуал мулк объектларни ўрганади ва у Э. Брукинг (1996) модели бўйича корхонанинг интеллектуал капиталининг таркибий қисми эканлигини келтириб ўтади.

“Номоддий активлар” 38-сон БХХС: “Номоддий актив – бу моддий–ашёвий мазмунга эга бўлмаган идентификацияланадиган номонетар актив”. шунингдек, мазкур стандартда номоддий активга қўшимча қўйидаги тан олиш мезонлари билан боғлайди, яъни: актив бу шундай ресурс бўлиб, биринчидан, у олдинги ҳодисалар натижасида ташкилот томонидан назорат қилинади ва иккинчидан, эса ташкилотга ундан келгуси иқтисодий наф олиш имкониятини беради.

“Номоддий активлар 7-сон БХМС: “Номоддий активлар - корхона томонидан узоқ муддат мобайнида ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун ушлаб туриладиган, моддий–ашёвий мазмунга эга бўлмаган идентификацияланадиган мол-мулк объектлари”.

“Номоддий активлар ҳисоби” (Приказ, 2007): “Номоддий активларга, масалан, фан, адабиёт ва сан’ат асарлари киради; электрон компьютерлар учун дастурлар; ихтиrolар; фойдали моделлар; селексия ютуқлари; ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау); савдо белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари” киради.

Номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш ва уни юритишига оид хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар таркибини хорижий давлатлар миқиёсида таҳлил қиласидаган бўлинса, ушбу давлатларда бир нечта меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинишини кўришимиз мумкин. Масалан, АҚШ бухгалтерия ҳисоби тизимида USGAAP талабларига мувофиқ FAS 142-3 “Номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатини аниқлаш”, EITF 08-7 «Ҳимояланувчи номоддий активлар», 141R - сон “Бизнесни бирлаштириш” каби қоидалар ҳисоб стандартларини ишлаб чиқиш Бюроси томони (FASB)дан ишлаб чиқилган¹.

Юқорида билдириб ўтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда номоддий активларнинг муҳим таркибий элементи бўлган интеллектуал мулк категорияси қўйидаги ёндошув билдирилди: “Номоддий актив (интеллектуал мулк) - бу инсоннинг ақлий қобилияти туфайли пайдо бўлган билимлар бўлиб, билимлар обьект ёки активлар (маблағлар) сифатида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланиши талаб этади” (Ризаев Н., 2019).

3. Тадқиқот методологияси.

Мазкур илмий мақолада номоддий активлар қийматини қайта баҳолаш модели асосида уларнинг ортишини бошланғич, амортизация ва қолдиқ қийматларига нисбатан таъсирини баҳолаш мақсадида корреляция, яъни боғлиқлик - икки ёки ундан ортиқ тасодифий ўзгарувчиларнинг статистик муносабати (ўзгарувчилар) кенг қўлланилди. Бунда иккита асосий тасодифий ўзгарувчилар: номоддий активларнинг қайта баҳолаш қиймати ва

¹ FSP FAS 142-3 (AS ISSUED)/ https://www.fasb.org/pdf/fsp_fas142-3.pdf/

уларнинг бошланғич ёки, амортизация ёки узоқ муддатли ёки жами активлар қиймати танлаб олинди. Ушбу таҳлилни амалга оширишда бухгалтерия балансида номоддий активларига эга бўлган энг йирик ўнта акциядорлик жамиятлари танлаб олинди.

Танлаб олинган объектларда номоддий активларни қайта баҳолаш бўйича корреляция коеффициентлари турли даражада ифодаланди, яъни ижобий ва салбий хуносаларни шаклланишига олиб келди. Таҳлилда номоддий активларнинг бошланғич ёки амортизация қийматларига уларнинг қайта баҳоланишини боғлиқлиги мавжудлиги ёки йўқлиги таҳмин қилинди. Олиб борилган тадқиқотимизда номоддий активларнинг қайта баҳоланиши уларнинг бошланғич қийматига нисбатан корреляция коеффициенти: $r = 0.996$ га тенг бўлди. Бу омил ва натижага орасида ўта кучли ва тўғри боғланиш мавжудлиги ҳамда омилнинг натижага таъсири детерминация коеффициенти $r^2=0.992$ га тенг эканлигини кўрсатди (ижобий корреляция). Иккинчи ҳолатда эса, жами активларга қийматига нисбатан номоддий активларнинг қайта баҳолангандан кейинги қиймати баҳоланганди, корреляция коеффициенти $r = 0.22$ га тенг бўлиб, омил ва натижага орасидаги боғлиқлиқ жуда ҳам суст кўрсаткичга эга, буни аҳамиятсиз яъни деярли йўқ деб баҳоласа ҳам бўлади. Сабаби, қайта баҳолаш кўрсаткичи бўйича омилнинг натижага таъсири 4,8 % ни ташкил этди (салбий корреляция).

Шунингдек, мақолада тасвирий статистика таҳлили натижалари ҳам олинди, бунда танлаб олинган объектлардаги маҳсулот сотишдан тушум ва узоқ муддатли активларнинг стандарт оғиши бошқа ўзгарувчиларга қараганда анча катта бўлган (бу танлаб олинган объектларнинг турли соҳада фаолият юритиши билан боғлиқ). Таҳлилда минимум қийматларга кўра объектлар ўртасида энг кам ва энг кўп миқдорлар олинди. Ушбу ўзгарувчиларнинг ўзаро корреляциясини эмпирик таҳлилнинг муҳим қисми бўлиб, қўйидаги жадвалга ўзгарувчиларнинг ўзаро корреляцион матрицаси келтириб ўтилди. Номоддий активларни регрессион таҳлил қилишдан асосий кўзланган мақсад ҳам уларнинг бир сўмга ошиши маҳсулот сотишдан тушумни қанчага ошишини баҳолашдан иборат бўлиб, бунда энг кичик квадратлар үсулида ҳисобланган 3 та модел келтириб ўтилди. Регрессион таҳлилнинг турли модел натижаларига кўра, номоддий активларнинг маҳсулот сотишдан тушумга ижобий таъсири эмпирик исботланди. Барча моделларнинг ўзига хос хусусиятларида номоддий активларнинг маҳсулот сотишдан тушумга таъсири ижобий ва юқори статистик аҳамиятга эга бўлганлиги аниқланди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисбот маълумотлари асосида номоддий активларни узоқ муддатли активлар ҳамда корхоналарнинг жами активларига нисбатан улуши қўйидаги таҳлилий маълумотлар асосида кўриб чиқилади. Номоддий активлар ҳолатини таҳлил қилиш учун маблағлари таркибида номоддий активлари мавжуд бўлган йирик солиқ тўловчи акциядорлик жамиятлари танлаб олинди. Номоддий активлари деярли кам улушга эга бўлган корхоналарга “O'ztransgaz” (йил бошига - 64375 млн. сўм, йил охирига - 64375 млн.сўм) ва “Navoiyazot” (йил бошига - 133220 млн. сўм, йил охирига-143478 млн.сўм) киритиш мумкин.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, танлаб олинган объектларда номоддий активларнинг улуши узоқ ва жами активларга нисбатан турли даражада. Энг яхши кўрсаткич “UzAuto Motors” га тегишли бўлиб, бу ҳисбот даври бошига нисбатан 4,32 % (!) ташкил этган. Буни иқтисодиёт тармоқлардаги корхоналар ичida рекорд даражада деб баҳолаш мумкин. Сабаби, номоддий активларнинг салмоғи нафақат республикамиизда баклки, жаҳон иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳам биз кутган даражада юқори эмас. Қўйида номоддий активларнинг корхона активларига нисбатан кам улушга эга бўлганлигини бир сабабини келтириб ўтамиз.

1-жадвал.

**Номоддий активларнинг узоқ муддатли активлар ва жами активларга нисбатан
улушини баҳолаш²**

Т/р	Акциядорлик корхоналар	Номоддий активларни давр бошига		Номоддий активларни давр охирида		Узоқ муддатли активларга нисбатан улушки фарқи	Жами активларга нисбатан улушки фарқи
		узоқ муддатли активларга нисбатан, %	жами активларга нисбатан, %	узоқ муддатли активларга нисбатан, %	жами активларга нисбатан, %		
1.	"Maxam - Chirchiq"	0,03	0,01	0,008	0,003	-0,022	-0,011
2.	"O'zbekiston metallurgiya kombinati"	0,12	0,04	0,10	0,03	-0,02	-0,01
3.	"O`zbekiston temir yo`llari"	0,009	0,006	0,009	0,006	0	0
4.	"Navoiyazot"	0,001	0,001	0,001	0,01	0	0,009
5.	"O'zqimyosanoat"	0,004	0,004	0,004	0,004	0	0
6.	"Olmaliq kon-metallurgiya kombinati"	0,22	0,14	0,16	0,12	-0,06	-0,02
7.	"O'zdonmahsulot"	0,08	0,01	0,08	0,01	0	0
8.	"UzAuto Motors"	4,32	0,95	2,15	0,46	-2,17	-0,49
9.	"O'ztransgaz"	0,019	0,0002	0,001	0,002	-0,018	0
10	"Kvarts"	0,046	0,019	0,04	0,009	-0,006	-0,01

Номоддий активлар корхона узоқ муддатли маблағлари таркибида энг кам ликвид хусусиятига эгадир (ёки умуман ликвид бўлмаслиги хам мумкин). Бошқа бир жиҳатдан номоддий активлар энг кўп даромад келтирувчи актив сифатида намоён бўлади.

Номоддий активлар ҳисобини юритишда қўлланилаётган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (БХҲС 38) ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС 7) ўртасида ўзаро боғлиқлик ва фарқли жиҳатлари

мавжуд: **БХҲС 38 нинг мақсади:**
номоддий активлар учун бухгалтерия ҳисобининг ёндашувини белгилаб олишга қаратиласди

БХМС 7 нинг мақсади:

корхоналарга тегишили бўлган номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттиришини услубиётини белгилаш

² Акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари. 2022 йил 1 январь ҳолатига. <https://openinfo.uz/ru/>

Шунингдек, халқаро стандарт хўжалик субъектидан номоддий активни фақатгина белгиланган мезонларга жавоб берганида тан олишни талаб этади ҳамда номоддий активларнинг баланс қийматини қандай баҳолашни белгилайди ва номоддий активлар тўғрисида муайян маълумотлар очиб берилишини талаб этади.

Ҳар икки стандартнинг мақсади деярли бир бирига яқин бўлиб, бухгалтерия ҳисобида ёндашув ёки услубиётини белгилаш асосида номоддий активлар ҳақида тўлиқ маълумотларни шакллантиришига қаратилади. 7-сон БХМСнинг БХХС 38 дан асосий фарқи номоддий активларни тан олишдан бошлаб уларни балансдан чиқарилгунга қадар бўлган жараёнлар тўлиқ қамраб олинганилигидир. Стандартларнинг мұхим жиҳатларидан бири бу стандарт қоидалари қайси ҳолатларда қўлланишидир, яъни амал қилиш соҳаси ёки фаолият доирасида қайси стандартларни қамраб олишидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий стандарт (БХМС 7)да келтирилган таъриф ва атамаларда ҳаққоний қиймат, номонетар актив, тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш каби атамалардан фойдаланилмайди (бу атамалар учун алоҳида 11-сонли БХМС қоидалари амал қиласи). Фикримизча, БХМС 7 билан БХМС 11 ни консолидация қилиб бирлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу эса ягона бўлган номоддий активлар ҳақидаги стандартни такомиллашувига ва уни халқаро стандарт қоидаларига мувофиқлашувини таъминлайди. Номоддий активларни тан олиниши ва акс этирилиши бўйича халқаро стандарт қоидаларининг ўзаро таққослама маълумотлари қўйида келтириб ўтилади.

2-жадвал.

Номоддий активларни бухгалтерия ҳисобида тан олишдаги халқаро ва миллий стандартларнинг ўзаро боғлиқлигива фарқли жиҳатлари (Кодекс, 2021).

Номоддий активлар (7-сон БХМС)	Номоддий активлар (38-сон БХХС)
Патент эгасининг ихтиро, саноат намуналари ва фойдали моделларга бўлган мутлақ ҳуқуқи	Патентлар
ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига бўлган мутлақ ҳуқуқ	Компьютер дастурлари
Интеграл микросхемаларнинг топологияларига бўлган мутлақ ҳуқуқ	
Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқи, шунингдек товар ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи	Савдо маркалари, маркентинг ҳуқуқлари, импорт квоталари
Селекция ютуқларига бўлган мутлақ ҳуқуқ	Муаллифлик ҳуқуқлари
Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи	
Мол-мулқдан фойдаланиш ҳуқуқи	
Бошқа номоддий активлар (маҳсулот ишлар, хизматлар бошқа ҳуқуқлар)	Лицензиялар ва франшизалар

БХХС 38 активни номоддий актив сифатида тан олишда қўйидагиларни қаноатлантиришини талаб этади:

биринчидан, номоддий актив таърифини;

иккинчидан, тан олиш мезонларини.

Ушбу талаблар номоддий активни сотиб олишда ёки ички яратишда сарфланган ҳамда қисмни қўшиш, алмаштириш ёки унга хизмат кўрсатишдаги харажатларга нисбатан қўлланилади. Шунингдек, алоҳида сотиб олинган номоддий активлар учун тан олиш мезонини қўллаш, бизнес бирлашувида сотиб олинган номоддий активлар учун уларнинг қўлланиши, давлат грантлари орқали сотиб олинган номоддий активларнинг дастлабки баҳоланишини, номоддий активларни айирбошлишни, ички яратилган гудвиллни ҳисобга

олишни ҳамда ички яратилган номоддий активларни дастлабки тан олиш ва баҳолашни қамраб олади.

Халқаро стандартга мувофиқ номоддий активларнинг хусусияти шундаки, кўп ҳолларда, уларга қўшимча қилинадиган актив ёки алмаштириладиган қисм бўлмайди. Демак, кейинги харажатларнинг кўпчилиги ушбу стандартдаги номоддий активнинг таърифини ва тан олиш мезонини қаноатлантириш ўрнига амалдаги номоддий активда мужассамланган кутилган келгуси иқтисодий нафларни сақлаши мумкин.

Шу билан бирга, одатда кейинги харажатларни бевосита бутун бизнесга нисбатан маълум номоддий активга тегишли эканлигини аниқлаш қийинроқдир. Натижада, фақат камдан-кам ҳолларда кейинги харажатлар - сотиб олинган номоддий активнинг дастлабки тан олингандан ёки ички яратилган номоддий актив тугагандан кейинги сарфланган харажатлар - активнинг баланс қийматида тан олинади. Сотиб олиш ёки ички яратилган бўлишига қарамасдан бендлар, титул номлари, нашр номлари, мижозлар рўйхатлари ва моҳиятан ўхшаш моддалар бўйича кейинги харажатлар сарфланганда доимо фойда ёки заарда тан олинади. Сабаби, бундай харажатлар бутун бизнесни ривожлантиришга йўналтириладиган харажатлардан фарқланмайди.

БҲС 38 га мувофиқ номоддий актив қўйидаги ҳолатларда тан олинади:

- субъект томонидан номоддий актив билан боғлиқ келгуси иқтисодий нафолиниши эҳтимоли мавжуд бўлса;
- активнинг таннархи ишончли баҳолана олса.

Номоддий активнинг фойдали хизмат муддати давомида мавжуд бўладиган иқтисодий шароитлар мажмуи бўйича раҳбариятнинг энг яхши баҳолашини акс эттирадиган оқилона ва тасдиқловчи фаразлардан фойдаланган ҳолда, субъект кутилган келгуси иқтисодий нафларнинг эҳтимолини баҳолаши лозим. Субъект номоддий активдан фойдаланишдан келадиган келгуси иқтисодий нафлар оқимининг аниқлик даражасини баҳолашда малакали муроҷаза қилишдан фойдаланади, бунда дастлабки тан олиш пайтида мавжуд далилларга, кўпроқ ташқи далилларга асосланади. Номоддий актив дастлаб баҳоланиши халқаро стандартда алоҳида ёритиб берилади.

БҲМС 7 да эса, барча турдаги номоддий активларнинг дастлабки баҳоси бошланғич қиймат бўлиши кераклиги кўрсатиб берилган ҳамда улар бухгалтерия ҳисобига ушбу қиймат бўйича қабул қилинади.

3-жадвал

Номоддий активларни тан олиш ва баҳолаш бўйича БҲС ва БҲМС ўртасидаги фарқли томонлари

Номоддий активларни тан олиш ва баҳолаш	
БҲС 38	БҲМС 7
<ul style="list-style-type: none"> - алоҳида сотиб олиш; - бизнес бирлашуви қисми сифатида сотиб олиш; - сотиб олинган тугалланмаган тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш лойиҳаси бўйича навбатдаги харажатлар; - активларни давлат гранти ёрдамида олиниши; - активларни айрибошлаш; - ички яратилган гудвилл; - ички ишлаб чиқилган номоддий активлар. 	<ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқиш тугаганидан сўнг яратилган обьектни қабул қилиш-топшириш; - олди-сотди шартномаси бўйича обьектни харид қилиш; - устав капиталига таъсисчиларнинг ҳиссаси кўринишида келиб тушиш; - текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича); - давлат субсидиялари ҳисобига олиш; - айрибошлаш; - ортиқча номоддий активлар обьектларини аниқлаш.

Номоддий активларни кейинги баҳолаш тушунчаси асосан уларни қайта баҳолашини англатади. Халқаро стандартда субъект қўйидаги икки ҳолатда ҳисобга олади:

- таннарх бўйича ҳисобга олиш модели;
- қайта баҳолаш модели.

Бу иккала модел субъектнинг ҳисоб сиёсатида танланиши лозим. Агарда номоддий актив қайта баҳолаш моделидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олинса, унинг туркумидаги барча бошқа активлар ҳам айнан шу моделдан фойдаланган ҳолда ҳисобга олиниши лозим, бунда ушбу активлар бўйича фаол бозор мавжуд бўлмагунга қадар.

Номоддий активларнинг туркуми активларнинг бир хил хусусияти ва субъект фаолиятида фойдаланилиши жиҳатидан гурухланишидир. Номоддий активлар туркумидаги моддалар бир вақтда қайта баҳоланади, бунда активларни танланма қайта баҳолашдан ҳамда молиявий ҳисботларда турли саналарда таннархлар ва қийматлар бирикмасини акс эттирадиган миқдорларни тақдим этиш четлаб ўтилади.

*Таннарх бўйича
ҳисобга олиш модели:*

моделга мувофиқ дастлабки тан олишдан сўнг, номоддий актив унинг таннархидан ҳар қандай жамғарилган амортизацияни ва ҳар қандай йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарни чегирилгандаги қийматда ҳисобга олади.

Қайта баҳолаш модели:

бунда дастлабки тан олишдан сўнг, номоддий актив қайта баҳоланган қийматда, яъни қайта баҳолаш санасидаги унинг ҳаққоний қийматидан ҳар қандай кейинги жамғарилган амортизацияни ва ҳар қандай кейинги йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарни чегирилгандаги қийматда ҳисобга олади.

Демак, номоддий активларни бухгалтерия ҳисобида тан олиш ва уни счёtlарда акс эттириш тартиби қандай бўлишидан қатъий назар, энг мұхими уларни баҳолаш тартибига жиддий эътиборни қаратиш зарур бўлади.

Молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартларида эса номоддий активларни қайта баҳолаш модели сифатида кўриб чиқиб, унга кўра дастлабки тан олишдан сўнг қайта баҳоланган қийматда, яъни қайта баҳолаш санасидаги унинг ҳаққоний қийматидан ҳар қандай кейинги жамғарилган амортизацияни ва ҳар қандай кейинги йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарни чегирилгандаги қийматда ҳисобга олиниши қайд этилади.

Стандарт номоддий активларни қайта баҳолаш модели бўйича қўйидагиларга рухсат бермайди:

биринчи, олдин актив сифатида тан олинмаган номоддий активларни қайта баҳолаш;

иккинчи, таннархдан бошқа қийматларда номоддий активларни дастлаб тан олиш.

Шунингдек, стандартда қайта баҳолаш даврийлиги қайта баҳоланаётган номоддий активларнинг ҳаққоний қийматини ўзгарувчанлигига боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган. Агарда қайта баҳоланган обьектнинг ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан мұхим даражада фарқ қилса, ҳолда қайта баҳолаш зарур бўлади. Айрим номоддий активларнинг ҳаққоний қийматида катта даражада ва ўзгарувчан тебранишлар кузатилиши мүмкін, бундай ҳолат йиллик қайта баҳолаш заруриятини келтириб чиқаради. Айрим ҳолатларда ҳаққоний қиймати катта тебранишларга эга бўлмаган номоддий активлар учун зарурий шарт ҳисобланмайди.

Номоддий активларни субъект активлари сифатида тан олингандан кейинги баҳолашнинг мақсади шундаки, ушбу баҳоланаётган обьектдан даромад олиш кўзда

тутилган бўлади. Аксарият ҳолатларда обьектлар қийматини баҳолаш номоддий активларни ҳисобдан чиқарилаётганда ёки сотилаётганда қўлланилади.

Республикамизда 7-сон БҲМСнинг 28-бандида қўйидагилар келтириб ўтилган; “Корхона қайта баҳолашни агарда жорий қийматни фаол бозор маълумотлари асосида аниқ белгилаш мумкин бўлган шартларда қайта баҳолаш санасидаги жорий қийматни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга ошириши мумкин” дейилади. Лекин бугунги кунда интеллектуал мулк обьектларини қайта баҳолаш масаласида асосий воситалар каби йиллик меъёрий тартиб яратилмаган. Яъни номоддий активларни қайта баҳолаш бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида керакли кўрсатмалар берилган бўлсада, номоддий активларнинг ҳар бир гурӯҳи бўйича индекслар ишлаб чиқилмаган.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида номоддий активларни қайta баҳолаш масаласида қўйидагилар кўрсатиб ўтилади “...бошланғич (тиглаш) қийматини қайta баҳолаш чоғида уларнинг қайta баҳолаш санасидаги жамланган амортизацияси номоддий активларнинг бошланғич (тиглаш) қийматини ўзгартиришнинг тегишли индексларига тузатилади ҳамда кейинчалик амортизацияни ҳисоблаш қайta баҳоланган (тиглаш) қийматидан амалга оширилади. Қайta баҳолаш индекси номоддий активнинг жорий қийматини унинг бошланғич қийматига бўлиш йўли билан аниқланади”. Амалдаги миллий стандарт қоидаларида индексли усулини қўллаш кўрсатиб ўтилган. Ушбу усуlda номоддий активларнинг жорий қиймати унинг бошланғич қийматига нисбати билан ҳисоб-китоб қилинади. Бу ҳолат хориж тажрибасида, масалан Россия Федерациясида амалиётида эса номоддий активларнинг бозор қиймати уларнинг балансдаги қолдиқ қийматига нисбати билан аниқланиши кўрсатиб ўтилади [28]. Ушбу меъёрий ҳужжатлардан ҳам кўриниб турибдики, номоддий активларни қайta баҳолаш бўйича ягона йиллик индекслари мавжуд эмас. Бу эса уларни қайta баҳолашда турлича коэффициентларни қўлланилишига ёки умуман амалиётда қайta баҳолаш ўтказилмаслигидан далолат бермоқда.

Номоддий активлар бўйича ҳам қайta баҳолашнинг ҳар йиллик индекслари эълон қилиб борилиши мақсадга мувофиқ (фойдали ҳизмат муддатларини ошириш кўзда тутилаётган обьектлар бўйича). Шу мақсадда номоддий активларни қайta баҳолаш индекслари таклиф этилмоқда.

4-жадвал

Номоддий активларни қайta баҳолаш бўйича таклиф этилаётган йиллик индекслари

T/p	Номоддий активларни гурӯҳлаштириш	Қайta баҳолаш индекси (коэффициентда)
I.1.	Патентлар (ихтиро, фойдали модель ва саноат намуналари)	1.20
I.2.	Франчайзинг ва лицензиялар	1.25
II.1.	Товар белгилари	1.25
II.2.	Товар чиқарилган жой номлари	1.20
II.3.	Фирма номлари	1.20
III.1.	Дастурий таъминот	1.25
III.2.	Маълумотлар базаси	1.20
IV.1.	Мол-мulk ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари	1.20
IV.2.	Селекция ютуқлари	1.25
V.1.	“Муаллифлик ҳуқуқлари”	1.15

Ушбу таклиф этилаётган қайта баҳолаш индекслари номоддий активларнинг қийматини жорий бозор баҳосига яқинлаштириш имкониятини беради. Бошқа бир жиҳатдан эса, ҳар йили уларнинг бозор қийматини аниқлашда баҳоловчи ташкилотлар учун тўланадиган харажатларни (бошқа операцион харажатлар) камайтириш мүмкін бўлади. Номоддий активларни қайта баҳолаш индексларини танлаш корхонанинг ҳисоб сиёсатида қатъий белгилаб қўйилади (агар қонунчиликда ўзгаришлар бўлмаса). Тадқиқот учун танлаб олинган корхоналарнинг ҳисоб сиёсатида номоддий активларни қайта баҳолаш индекси бўйича қўйидаги маълумотлар мавжуд:

5-жадвал

Номоддий активларни қайта баҳолаш учун корхоналар ҳисоб сиёсатида танланган индекслар

T/p	Акциядорлик корхоналар	Номоддий активлар бўйича танланган баҳолаш индекслари (коэффициентда)
1.	"Maxam - Chirchiq"	1,20
2.	"O'zbekiston metallurgiya kombinati"	1,20
3.	"O'zbekiston temir yo'llari"	1,20
4.	"Navoiyazot"	1,20
5.	"O'zkimyosanoat"	1,20
6.	"Olmaliq kon-metallurgiya kombinati"	1,20
7.	"O'zdonmahsulot"	1,20
8.	"UzAuto Motors"	1,20
9.	"O'ztransgaz"	1,20
10.	"Kvarts"	1,20

Қўйидаги жадвал маълумотларида тадқиқот учун танлаб олинган (балансида номоддий активлар мавжуд бўлган корхоналар) 10 та обьектларда номоддий активларни қайта баҳоланиши натижасида кўпайган суммаларни кўриш имкониятига эга бўлинган.

6-жадвал

Номоддий активларни қолдиқ қийматига нисбатан қайта баҳолаш индексини жорий этиш ва ундаги ўзгаришлар

T/p	Акциядорлик корхоналар номи	Номоддий активларнинг қолдиқ қиймати			
		Давр боши	Қайта баҳолашдан ўзгариш*	Давр охири	Қайта баҳолашдан ўзгариш*
1.	"Maxam - Chirchiq"	31502.00	+6300.4	27642.00	+5528.4
2.	"O'zbekiston metallurgiya kombinati"	650627.00	+130125.4	424654.74	+84890.94
3.	"O'zbekiston temir yo'llari"	441575.00	+88315.00	170156.00	+34031.1
4.	"Navoiyazot"	76570.00	+15314.00	81266.00	+16253.2
5.	"O'zkimyosanoat"	67200.00	+13440.00	50400.00	+10080.00
6.	"Olmaliq kon-metallurgiya kombinati"	19319098.00	+3863819.6	16591696.00	+3318339.2
7.	"O'zdonmahsulot"	172086.00	+34417.2	61731.00	+123462.00
8.	"UzAuto Motors"	56862435.93	+11372487.18	51388831.71	+10277766.43
9.	"O'ztransgaz"	21995.00	+4399.00	12338.00	+24676.00
10.	"Kvarts"	36743.00	+73486.00	25214.00	+50428.00

*Номоддий активларнинг қолдиқ қиймати 1.20 га оширилган.

Номоддий активларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматини қайта баҳолашда уларнинг қайта баҳолаш санасидаги жамғарилган амортизацияси номоддий активларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматини ўзгартиришнинг тегишли индексларига тузатилади ҳамда кейинчалик амортизацияни ҳисоблаш қайта баҳоланган (қайта тиклаш) қийматидан амалга оширилади. Қайта баҳолаш индекси номоддий активнинг жорий қийматини унинг бошланғич қийматига бўлиш йўли билан аниқланади. Қайта баҳолаш натижасида номоддий активларнинг баҳосини ўсиши суммаси резерв капитали таркибига «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётига олиб борилади.

Қайта баҳолаш натижасида номоддий активлар баҳосининг пасайиш суммаси аввалги ҳисобот даврларида ўтказилган ушбу обьект баҳосининг пасайиш суммаси чегарасида «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти бўйича резерв капиталини камайтиришга олиб борилади. Объект баҳосининг пасайиш суммасининг унинг баҳосини ўсиши суммасидан юқориси бошқа операцион харажатларга олиб борилади. Номоддий активларнинг қайта баҳолаш натижалари номоддий активларни қайта баҳолаш амалга оширилган жорий даврда молиявий ҳисоботда акс эттирилади.

Номоддий активларни қайта баҳолаш индексларини танлаш корхонанинг ҳисоб сиёсатида қатъий белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ (агар қонунчиликда ўзгаришлар бўлмаса). Қайта баҳолаш индексини қўйидаги мисолда кўриб чиқилади: "UzAuto Motors" нинг 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 111719829.33 минг сўм номоддий активлари мавжуд (амортизация-54857393.40 сўм). Корхонада номоддий активларни қайта баҳолаш натижасида (1.20 коэффициент қўлланилган) уларнинг қолдиқ қийматига нисбатан баҳолайдиган бўлсак +12372487.18 сўмга ортган (69234923.11 - 56862435.93). Ёки амортизация қийматининг таъсири натижасида номоддий активларнинг қолдиқ қиймати давр бошига нисбатан 115.7 фоизга (69234923.11/56862435.93 x 100) ўсган.

8-жадвал

"UzAuto Motors" корхонаси ҳисоб сиёсатида номоддий активларни қайта баҳолаш

T/p	Кўрсаткичлар номи	Қиймати (минг сўм)
I. Қайта баҳолашдан аввалги ҳолат:		
1.	Номоддий активлар:	
	- бошланғич қиймат	111719829.33
	-амортизация қиймати	54857393.40
	-қолдиқ қиймат	56862435.93
2.	Қайта баҳолаш индекси (коэф)	1.20
II. Қайта баҳолашдан кейинги ҳолат:		
3.	Номоддий активлар:	
	- бошланғич қиймат	134063795.19
	-амортизация қиймати	65828872.08
	-қолдиқ қиймат	69234923.11

Бухгалтерия ҳисобида қўйидагича расмийлаштирилади. Бошланғич қийматига:

Дебет "Номоддий активлар" счёти - 12372487.18 минг сўм,

Кредит "Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" счёти - 12372487.18 минг сўм.,

Амортизация қийматига:

Дебет "Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" счёти – 10971478.68 минг сўм.

Кредит "Номоддий активлар амортизацияси" - 10971478.68 минг сўм.

Шу ўринда хал этилиши керак бўлган мұаммолардан бири бухгалтерия ҳисобига оид атамаларнинг бир хиллигини таъминлашдан иборат. Қайта баҳолашни ҳисобга оловчи счёт номи меъёрий ҳужжатларда турлича талқин этилади. Масалан, БХМС да “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счёти деб номланган бўлиб, бошқа бир стандартда қайта баҳолаш натижасида номоддий активларнинг қўшимча баҳоланган суммаси резерв капитали таркибига “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счётига ўtkазилади деб келтириб ўтилган. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларида, жумладан 38-сон БХХС “Номоддий активлар” стандартида эса, бу мулкни қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси ҳисобга олинадиган ҳисобварақ “Резерв капитали” да ҳисобга олиниши кўрсатиб ўтилган.

Мақолаинг иккинчи қисмида номоддий активларни қайта баҳолаш натижалари уларнинг бошланғич, амортизация ва қолдиқ қийматарига нисбатан таъсирини баҳолаш мақсадида коррелацион таҳлили амалга оширилди. Ўз навбатида номоддий активларнинг қайта баҳоланиши корхоналар узоқ муддатли активлари ва жами активларига қандай таъсир кўрсатиши ҳам таҳлил қилинди. Шу мақсадда тадқиқот учун танлаб олинган жами 10 та обьектларнинг баланс кўрсаткичлари асосида қўйидаги иккита жадвал маълумотлардан манба сифатида фойдаланилди.

9-жадвал

Акциядорлик жамиятларининг бухгалтерия балансидаги номоддий активлар ҳолати (биринчи манба)

№	Акциядор- лик жамиятлари	Номоддий активлар (минг сўм)					
		Бошланғич қиймати		Амортизация қиймати		Қолдиқ қиймати	
		Давр боши	Давр охири	Давр боши	Давр охири	Давр боши	Давр охири
1.	"Maxam - Chirchiq"	129203.00	34553.00	97701.00	6911.00	31502.00	27642.00
2.	"O'zbekiston metallurgiya kombinati"	1718669.00	1718669.32	1068042.00	1294014.58	650627.00	424654.74
3.	"O'zbekiston temir yo'llari"	2197836.00	2187570.00	1756261.00	2017414.00	441575.00	170156.00
4.	"Navoiyazot"	133220.00	143478.00	56650.00	62212.00	76570.00	81266.00
5.	"O'zkimyosan oat"	84000.00	84000.00	16800.00	33600.00	67200.00	50400.00
6.	"Olimaliq kon-metallurgiya kombinati"	27274021.00	27274021.00	7954923.00	10682325.00	19319098.00	16591696.00
7.	"O'zdonmahs ulot"	551776.00	551776.00	379690.00	490045.00	172086.00	61731.00
8.	"UzAuto Motors"	111719829.33	111309001.72	54857393.40	59920170.01	56862435.93	51388831.71
9.	"O'ztransgaz"	64375.00	64375.00	42380.00	52037.00	21995.00	12338.00
10.	"Kvarts"	82305.00	82305.00	45562.00	57091.00	36743.00	25214.00

10-жадвал

**Акциядорлик жамиятларининг бухгалтерия балансида узоқ ва жами активлар ҳолати
(иккинчи манба)**

№	Акциядорлик жамиятлари	Узоқ муддатли активлар (минг сўм)		Жами активлар (минг сўм)	
		Давр боши	Давр охири	Давр боши	Давр охири
1.	"Maxam Chirchiq"	386077830.00	431167915.00	894280559.00	1034098809.00
2.	"O'zbekiston metallurgiya kombinati"	1350810868.00	1678071529.29	3832943155.00	4426106008.00
3.	"O'zbekiston temir yo'llari"	24263525866.00	23639636266.00	36250088159.00	36794808596.00
4.	"Navoiyazot"	11319403873.00	13102673275.00	12445738625.00	14012074762.00
5.	"O'zkimyosanoat"	1949462441.10	1996579152.20	2032691476.50	2134011167.40
6.	"Olmaliq kon-metallurgiya kombinati"	12193229275.00	16714169648.00	20002933034.00	23604911149.00
7.	"O'zdonmahsulot"	678451378.00	678290635.00	5564737348.00	5488845400.00
8.	"UzAuto Motors"	2582709049.99	5186994807.87	11694092781.73	23983887691.09
9.	"O'ztransgaz"	3334280942.00	4787648057.00	26640244249.00	29622051550.00
10.	"Kvarts"	178858028.00	223542807.00	439727241.00	914358452.00

1. Номоддий активларнинг қайта баҳоланишини уларнинг бошланғич қийматига таъсирини баҳолаш (ҳисобот даври бошига).

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ номоддий активларни қайта баҳолаш модели қўлланилганда уларнинг бошланғич ва қолдиқ қийматларига нисбатан таъсирини баҳолаш мақсадида омилли таҳлил ўтказилди. Натижада, ҳисобот даври боши ва охиридаги маълумотлар бўйича қуйидаги илмий хуласаларни бериш мумкин, яъни таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, бунда корреляция коэффициенти: $r = 0.996$ га тенг бўлган. Демак бу омил ва натижага таъсири детерминация коэффициенти $r^2 = 0.992$ га тенг эканлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, тузилган моделнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини аҳамиятли даражаси: $F = 6, 66428E-10$ дан ҳам кўриш мумкин.

Регрессион статистика

Бир нечта R	0,996046162
R-квадрат	0,992107956
Меъёрлаштирилган R-квадрат	0,880996845
Стандарт хато	3406497,832
Кузатиш	10

Аҳамияти F

6,66428E-10

Умумий хулоса қилинганда номоддий активларнинг қайта баҳоланиши натижасида қийматини күпайиши уларнинг бошланғич қийматига таъсирини оширади ва буни ижобий ҳолат деб баҳолаш мүмкін.

2. Номоддий активларнинг қайта баҳоланишини уларнинг бошланғич қийматига таъсируни баҳолаш (хисобот даври охирига).

Номоддий активларни ҳисбөт даври охиридаги бошланғия қийматига нисбатан қайта баҳолаш даражаси, яъни корреляция коэффициенти $r = 0.997$ га teng бўлган. Бу дегани омил ва натижа орасида ўта кучли тўғри боғлиқлик мажудлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, қайта баҳолаш омилнинг натижавий таъсири 99.4 % бўлиб тузилган моделнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини кузатиш мүмкін бўлади.

Регрессион статистика

Бир нечта R	0,99725
R-квадрат	0,994508
Меърлаштирилган R-квадрат	0,883397
Стандарт хато	2831746
Кузатиш	10

Аҳамияти F

1,55942E-10

Ушбу таҳлилий маълумотларда аҳамиятли даражаси: $F = 1,55942E-10$ бўлиб, модел статистик жиҳатдан аҳамиятлиkdir.

3. Номоддий активларнинг қайта баҳоланишини уларнинг амортизация қийматига таъсируни баҳолаш (хисобот даври бошига).

Номоддий активларни қайта баҳолаш модели бўйича унинг амортизация қийматига нисбатан таъсирини баҳолангандан, давр бошига корреляция коэффициенти $r=0.78$ га teng бўлди. Бу эса номоддий активларни қайта баҳолашдан олинган қиймат ҳамда амортизация қиймати орасида ўртача ва тўғри боғлиқликни кўрсатади.

Регрессион статистика

Бир нечта R	0,786681301
R-квадрат	0,618867469
Меърлаштирилган R-квадрат	0,507756358
Стандарт хато	2034689,659
Кузатиш	10

Аҳамияти F

0,005069476

Бунда омилнинг натижага таъсири 61.88 % га teng бўлган. Мазкур моделнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини кўришимиз мүмкін бўлади. Натижада эришилган коэффициент меърдан кичикилигини кўрсатмоқда: аҳамиятлилик: $F = 0,005069476$ ёки < 0.005 .

4. Номоддий активларнинг қайта баҳоланишини уларнинг амортизация қийматига таъсируни баҳолаш (хисобот даври охирига).

Номоддий активларнинг қайта баҳолангандан кейинги қийматини баҳоланадиган бўлсақ, бунда корреляция коэффициенти $r=0.99$ га teng бўлиб, омил ва натижа орасида кучли боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрамиз.

Регрессион статистика

Бир нечта R	0,990227357
R-квадрат	0,980550219
Меъёрлаштирилган R-квадрат	0,869439108
Стандарт хато	2831746,276
Кузатиш	10

Аҳамияти F

2,4814E-08

Бу эса тўғри боғланган деган хulosा қилишимизга асос бўлади. Сабаби, омилнинг натижага таъсири 98 % ни ташкил этади. Демак, модел статистик жиҳатдан аҳамиятлидир. $F = 2,4814E-08$

5. Номоддий активларнинг қайта баҳоланишини уларнинг узоқ муддатларга таъсирини баҳолаш (ҳисобот даври бошида).

Биз олиб борган таҳлилий маълумотларда номоддий активларни корхоналарнинг узоқ муддатли активларига нисбатан ҳам қайта баҳолаш таъсири ўрганиб чиқилди. Бунда кореляция коэффициенти $r = 0,22$ га тенг бўлиб, омил ва натижа орасидаги боғлиқлик жуда ҳам суст кўрсаткичга эга, буни аҳамиятсиз яъни деярли йўқ деб баҳоласа ҳам бўлади. Сабаби, қайта баҳолаш кўрсаткичи бўйича омилнинг натижага таъсири 4,8 % ни ташкил этган.

Регрессион статистика

Бир нечта R	0,220628488
R-квадрат	0,04867693
Меъёрлаштирилган R-квадрат	-0,062434181
Стандарт хато	9696934348
Кузатиш	10

Аҳамияти F

0,516532493

Умумий хulosा қилинганда ушбу модел, яъни узоқ муддатли активларга нисбатан номоддий активларнинг таъсирини баҳолаш модели статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас деб қаралади (аҳамиятлик даражаси: $F = 0,516532493$). Бунда коэффициентининг 0,005 дан юқори эканлиги, умумий хulosада ушбу моделдан воз кечиш кераклигини кўрсатади, ҳақиқатдан ҳам номоддий активларнинг қайта баҳолангандаги ортган суммаси корхоналарнинг узоқ ёки жами активларига нисбатан боғлиқлиги ёки унинг таъсирчанлигини баҳолаб бўлмайди.

6. Номоддий активларнинг қайта баҳоланишини уларнинг узоқ муддатларга таъсирини баҳолаш (ҳисобот даври охирига).

Номоддий активларни давр охиридаги узоқ муддатли активларга нисбатан таъсирини баҳолаш бўйича хulosা қилиш мумкинки, кореляция коэффициенти давр бошига нисбатан юқорироқ кўрсаткичга эга, лекин ижобий натижа учун бу етарли эмас.

Регрессион статистика

Бир нечта R	0,311698261
R-квадрат	0,097155806

Меъёрлаштирилган R-квадрат	-0,013955305
Стандарт хато	10346850718
Кузатиш	10

Аҳамияти F

0,353878559

Яъни кам кўрсаткичга эга: $r=0.31$, ўз навбатида омининг натижага таъсири 9,7 % ни ташкил этади (даражаси: $F = 0,353878559$). Натижада ушбу кўрсаткич ҳам 0,05 дан юқори эканлиги ушбу хulosага келингандан далолат беради.

5. Хулоса ва таклифлар.

Молиявий хисоботларнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ номоддий активлар ҳисобини, хусусан бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини уйғунлаштириш ва уларни қайта баҳолаш модели асосида олиб борилган тадқиқот гатижаларидан қўйидаги хулосаларни бериш мумкин:

биринчи, “Номоддий активлар” (7-сон БҲМС) стандартнинг мақсади ва унинг таркибий тузилишини халқаро стандартлар (Номоддий активлар 38 БҲХС) талабларига мос қайта шакллантириш мақсадга мувофиқ;

иккинчи, республикамиизда амалдаги “Номоддий активлар” 7-сон БҲМС ва “Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишиларга харажатлар” 11-сон БҲМС қоидаларини умумлаштириш (қўшиб юбориш) ва халқарога мос равишда ягона стандарт кўринишига келтириш;

учинчи, Номоддий активлар ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни олиш мақсадида уларни қайта баҳолаш бўйича йиллик индекслари эълон қилиб борилиши керак (фойдали ҳизмат муддатларини ошириш кўзда тутилаётган обьектлар бўйича);

тўртинчи, Қайта баҳолаш моделига асосан номоддий активларни қайта баҳолаш натижаларини тўғридан-тўғри корхоналарнинг капиталида яъни “Тақсимланмаган фойда” счётида акс эттириш лозим;

бешинчи, номоддий активларни қайта баҳолаш натижаларини корреляция ва регрессион таҳлил қилиб бориш натижасида уларни бошланғич қиймати, амортизация қиймати, узоқ муддатли активлар ва жами активларга нисбатан боғлиқлик дарражасини баҳолаш имкониятини беради.

Адабиётлар:

Brooking A., Motta E.A (1996) Taxonomy of Intellectual Capital and Methodology for Auditing It/17th Annual National Business Conference, McMaster University, Hamilton, Ontario, Canada. January 24-26.

Sveiby K.E. (1998) Intellectual Capital and Knowledge Management. -213 p.

БҲМС (2005) “Номоддий активлар” 7-сон (АВ томонидан 27.06.2005 й. 1485-сон билан рўйхатга олинган). “Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишиларга харажатлар” 11-сон БҲМС (АВ томонидан 28.12.1998 й. 581-сон билан рўйхатга олинган).

Донцова Л. (2008) Анализ финансовой отчетности: учебник/-6-е издание. Перераб. и доп.-Издательство «Дело и сервис», -368 с.

Дусмуратов Р.Д. (2003) Аудит асослари. Дарслик. –Т.: 612 б.

Иванов И.В (2008) Финансовый менеджмент: Стоимостной подход: Учеб пос. -М.: Альпина Бизнес Букс, -504.

Исройлов Б.И. (2006) “Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммо ва уларнинг ечим”. Т.: “Ўзбекистон” - 92.

- Исманов И.И. (2009) Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илм дараж учун дисс автореф. 37 б.
- Илхамов Ш.И. (2005) “Инвестиция фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва аудит”, и. ф. н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореф, 24 б.
- Кодекс (2021) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
- Леонтьев Б.Б. (2002) Цена интеллекта. Интеллектуальный капитал в российском бизнесе. – М.: «Акционер».
- Лытнева Л. (2006) Бухгалтерский учет. Учебник: М-Форум: ИНФРА-М, -496 с.
- Очилов И. Қурбонбоев Ж. (2007) “Молиявий ҳисоб”. /Ўқув қўлланма. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 265-б.
- Покровский И.А. (1894) Роль римского права в правовой истории человечества и в современной юриспруденции. // Ученые записки Юрьевского университета. - Т. 3. - С. 1-30
- Пўлатов М.Э. (2017) “Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш”, 08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит», и.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун дисс.
- Приказ (2007) Минфина России от 27.12.2007 N 153н (ред. от 16.05.2016) "Об утверждении Положения по бухгалтерскому учету "Учет нематериальных активов" (ПБУ 14/2007)" (Зарегистрировано в Минюсте России 23.01.2008 N 10975).
- Ризаев Н.К. (2019) “Интеллектуал мулк объектлари ҳисоби ва молиявий таҳлилини ташкил этиш методологияси”, 08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит», и.ф.д. (DSc) илмий дараж олиш учун дисс.
- Рахимбекова Р.М. (2003) “Финансовый учет на предприятии”. Алматы. “Экономика”. 94с.
- Сотиволдиев А.С. (2007) “Замонавий бухгалтерия ҳисоби”. /Ўқув қўлланма. Т.: БАМА. 2-том.
- Томас П. Карлин. Альберт Р. Макмин (1998) III. Анализ финансовых отчетов (на основе GAAP). Учебник. Перевод четвертого английского издания. М.: ИФРА-М. -448с.
- Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон.
- Ғуломова Ф.Ф. (2000) “Бухгалтерия ҳисоби мустақил ўрганиш учун учун қўлланма”. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 229 б.



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ПУЛЛИК ҲИСОБ - КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА НАЗОРАТ-КАССА ТЕХНИКАСИ ВА ВИРТУАЛ КАССАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Саъдуллаев Р.
Давлат солиқ құмитаси ҳузуридаги Фискал институти

Аннотация: Мақолада савдо ва хизмат күрсатиши соңасынан хұжалик юритувчи субъектларда ҳисоб-китоблар тизимида замонавий ахборот технологияларни жорий этиши ҳамда ушбу соңада жамоатчылық назоратини күчайтириш борасыда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимидан фойдаланиш самарадорлиги бүйічі зарурий маълумоттар таҳлил қилинган ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқылған.

Калит сўзлар: Ахборот ва коммуникация технологиялари, онлайн назорат-касса техникаси, виртуал касса, тадбиркорлик субъектлари, савдо нұқталари, мобил савдо.

Аннотация: В статье анализируется необходимая информация об эффективности использования онлайн кассовых аппаратов и виртуальных кассовых аппаратов при внедрении современных информационных технологий в систему расчетов в сфере торговли и услуг и усилении общественного контроля в этой сфере, а также разрабатываются соответствующие предложения и рекомендации.

Ключевые слова: Информационно-коммуникационные технологии, онлайн-кассы, виртуальные кассы, хозяйствующие субъекты, торговые точки, мобильные продажи.

Annotation: The article analyzes the necessary information on the effectiveness of using online cash registers and virtual cash registers when introducing modern information technologies into the settlement system in the field of trade and services and strengthening public control in this area, as well as developing appropriate proposals and recommendations.

Keywords: Information and Communication Technologies, Online Cash Registers, Virtual cash, Business Entities, Fixed Trading, Mobile Trading.

1. Кириш.

Мамлакат иқтисодиётини үзөқ муддатли ривожлантириш борасыда кенг құламли ислоҳотлар амалга оширилаётган шароитда ахборот технологиялари воситасыда истеммолчилар, тадбиркорлик субъектлари ва давлат солиқ хизмати органларининг үйғунлашган фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Мустақиллик йиллари давомида ижтимоий ҳимояга йўналтирилган солиқ сиёсати шакллантирилди ва янада такомиллаштирилмоқда. Мамлакатимизда мустақиллик йиллари давомида ижтимоий ҳимояга йўналтирилган солиқ сиёсати шакллантирилди ва янада такомиллаштирилмоқда.

Солиқ ислоҳатларини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Жумладан солиқ ислоҳатларини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуритчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5116-сонли Фармони, 2019 йил 6 сентябрдаги «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимиға замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5813-сонли Фармони, «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли Фармони, 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуритчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сонли Қарори ҳамда 2019 йил 26 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5837-сонли Фармони, 2019 йил 6 сентябрдаги «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимиға замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5813-сонли Фармони ва бошқалар.

2. Адабиётлар шарҳи.

Қ.Яҳёев (2003) Солиқларнинг назорат функцияси - бу солиқ тўловчилар даромади, маҳсулот сотиш обороти, мулк қийматини тақсимлаш жараёнида уларни қонунийлигини, иқтисодий мақсадга мувофиқлигини солиқлар орқали текшириб, назорат қилиб бориш жараёнидир. Бу жараён солиқларнинг тақсимлаш (хазина) функцияси билан ёнма - ён бирга бориб бажаради.

Назоратсиз тақсимлаш бўлмайди. Тақсимлаш бор экан албатта назорат бўлади. Назорат функцияси мавжудлиги маҳсус солиқ назорати хизмати идоралари бўлишининг назарий асосидир.

И.Ниязметов (2018) Солиқقا тортиш механизмлари мўрт бўлмаслиги, аксинча, эгилувчан (қайишқоқ) ва вазиятга мослашувчан бўлиши лозим. Амалдаги солиқقا тортиш механизмларида айнан шу нарса етишмайди. Айрим фаолият турларидан расмий даромад олишнинг қонуний тартиба солинмаганилиги ёки бу борада ортиқча регламентациянинг мавжудлиги жисмоний шахсларнинг кўплаб даромадлари солиқдан четда қолишига сабаб бўлмоқда. Агар жамият ҳаётидаги фаолият турлари ёки даромад олиш манбаларига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг кўпчилиги норасмий амалга оширилаётганлигини кузатишимиш мумкин. Масалан, қурилиш (айниқса якка тартибда фуқаролар томонидан амалга ошириладиганлари), уй жиҳозларини таъмирлаш, уй-жой олди-сотдиси ва унда воситачилик, тикувчилик, репититорлик, киракашлик, мулкни қисқа муддатли ижарага бериш ва шуларга ўхшаган ишларнинг аксарияти солиқ назоратидан четда қолмоқда. Бунинг сабаби, кўрсатиб ўтилган ва бошқа шу каби майдада фаолият турлари билан расмий (қонуний) шуғулланиш ва солиқ тўлаш тартиб-таомилининг мураккаблиги ёки айрим фаолият турларининг мавсумийлигидадир.

Статистик солиқ ҳисботларини таҳлил қилиш солиқ назоратини ривожлантиришнинг танланган векторининг тўғрилигини тасдиқлаб амалий аҳамияти ва илмий аҳамияти давлат солиқ назоратини ташкил этишда содир бўлаётган модернизация жараёнларини тизимли тақдим этишда мақсадга мувофиқ деб ўйлаган.

Г.Терентева, Т.Солодимова (2016) солиқ назоратининг янги шакли – солиқ мониторингини ўтказиш тартиби, солиқ назоратининг ушбу шаклини амалга оширишда солиқ ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг афзалликлари, ҳозирги вақтда солиқ

мониторингининг ҳаракатсизлиги сабаблари кўриб чиқилади деб муаллифлар қайд этганлар.

Ҳар йили зарур натижаларга эришиш ва солиқ назоратини такомиллаштириш мақсадида, солиқ назорати сифатига қўйиладиган талаблар ортиб бораётганлигини энг йирик солиқ тўловчилар учун солиқ назоратининг янги шакли – солиқ мониторинги жорий этилганлиги мақолада солиқ назоратининг ушбу шаклининг ўзига хос хусусияти, уни амалга ошириш шартлари ва унинг афзалликлари деб Плеханова ва Матягиналар ўз илмий ишларида кўриб чиқилган.

Россиялик илмий изланувчилар Тихонова ва Дзюба (2017) солиқ назорати самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш кўрсаткичлари тизими ва методологиясини такомиллаштириш қиёсий ўсуллар ёрдамида солиқ назорати самарадорлигини баҳолашга илмий ёндашувлар кўриб чиқилиши лозим деб ҳисоблайдилар.

О.Голосная (2017) илмий ишида амалдаги солиқ қонунчилигининг таҳлилида трансфер нархлари бўйича солиқ назорати солиқ текширувларининг янги турлари ҳисобланиши улар анъанавий сайёр ва камерал солиқ текширувларидан субъектлар, муддатлар ва амалга ошириш механизми жиҳатидан фарқ қилиши эътироф этган.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот методологияси бўлиб, солиқ назорати – солиқ тўловчиларни, солиқ солиш обьектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ бўлган обьектларни ҳисобга олиш, шу билан бирга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя қилинишини назорат қилиб боришининг ягона тизимиридан.

4. Таҳлил ва натижалар.

Мамлакатда пул-кредит, валюта, солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш ва инвестиция мұхитини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, экспертларнинг баҳолашлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилаётган сўровлар иқтисодиётдаги яширин айланманинг, айниқса, савдо ва умумий овқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, тураржой хизматларини кўрсатиш каби соҳаларда юқори даражада сақланиб қолаётганлигидан далолат беради, бу эса виждонли тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатларига путур етказмоқда, улар учун тенг бўлмаган бизнес юритиш шартларини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш мақсадида, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида Президентнинг Фармони (2020) қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (2019) ижросини таъминлаш борасида аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган барча юридик шахслар, якка тартиbdаги ва оилавий тадбиркорлар томонидан фискал модулга эга бўлган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларни қўллаш тартиби белгиланди ва қўйидаги тушунчаларга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5252-сонли қарорига асосан:

Биринчидан, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш, замонавий ахборот ечимларини жорий этиш, иктиносидиётда хуфиёна айланмани қисқартириш, шунингдек, ушбу соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш 2022 йил 1 январдан бошлаб чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш обьектларида харидни амалга оширган ва ушбу харидни солиқ органларининг маҳсус мобиль иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга уларнинг банк карталарига ой якуни билан харид суммасининг 1 фоизи республика бюджетидан қайтарилиши бундан автомобиль сотиб олганлик учун, темир йўл ва авиа чипта хариди, коммунал ва алоқа хизмати учун тўлов, харид чеклари мустасно эканлиги;

Иккинчидан, назорат-касса техникасини ва ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш тартибини бузганлик, нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда оширганлик ёки пасайтирганлик, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширганлик, шунингдек, идентификация қилиш воситалари билан мажбурий рақамли маркировка қилиш назарда тутилган маҳсулотлarda қалбаки маркировка қўлланилганлик ёки маркировка мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органларига маҳсус дастур орқали хабар берган жисмоний шахсларга, ушбу маълумот асосида ўтказилган текшириш якунига кўра ҳуқуқбузарлардан ундирилган жарима суммаси ҳисобидан назорат-касса техникасининг ва ҳисоб-китоб терминалларини қўлламасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик бўйича белгиланган жариманинг 20 фоизи миқдорида мукофот тўланиши ва бунда, жариманинг қолган ундириладиган қисми белгиланган тартибда тақсимланиши;

Учинчидан, тўлов тизимлари операторлари ўз тўлов тизимларини онлайн назорат-касса техникаларига мажбурий равишда улаш ва шу орқали солиқ органларининг ахборот тизимларига интеграциялашни таъминлаш талаби ўрнатилиши белгиланган.

Бундан ташқари, 2022 йил 1 январдан бошлаб маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги идентификациялаш кодлари акс эттирилмайдиган онлайн назорат-касса техникаси ва виртуал касса чекларини тақдим этиш жорий этилди.

2022 йил 1 январдан бошлаб қўйидаги имкониятларга эга бўлмаган онлайн назорат-касса техникаларини давлат реестрига киритиш ҳамда солиқ органларида рўйхатга олиш, 2023 йил 1 январдан бошлаб эса улардан аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланиш:

- ✓ банк карталари орқали тўловларни қабул қилиш;
- ✓ онлайн назорат-касса техникасининг жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотни солиқ органларига тақдим этиш (виртуал кассалар ва онлайн назорат-касса техникаси сифатида фойдаланилаётган банк карталарини қабул қилувчи терминаллар бундан мустасно);
- ✓ штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини эркин ўқиш ва аниқлаш имкониятига эга бўлганлар.

Шунингдек 2022 йил 1 январдан бошлаб рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун онлайн назорат-касса техникаси ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи маҳсус қурилмалардан (2D-сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги маҳсус қурилмалар) мажбурий фойдаланиш талаби ўрнатилиши жорий қилинган.

Буларга нисбатан, 2023 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машинаси ҳамда мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган маҳсус қурилмаларнинг ҳар бирини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар суммасига, лекин битта қурилма учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда, ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган фойда солиғи ёки айланмадан олинадиган солиқ ёхуд якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаларини камайтириш ҳуқуқи берилди.

2022 йилнинг 1 апрель ҳолатига жами 209144 та онлайн назорат-касса техникаси ўрнатилган бўлиб, ҳақиқатда 168132 таси фойдаланиб келинган. Республика бўйича фойдаланмасдан келинган онлайн назорат касса техникаси 36712 тани ёки 18 фоизни ташкил қилган.

Онлайн назорат-касса техникасидан фойдаланмаслик даражаси республика кўрсаткичидан паст ҳудудлар асосан, Фарғона вилояти 1068 тага (7%), Тошкент шаҳар 5455 тага (12%), Хоразм вилояти 1926 тага (14%), Бухоро вилояти 1732 тага (14%), Қорақалпоғистон Республикаси 1636 тага (15%), Қашқадарё вилояти 2287 тага (16%), Сурхондарё вилояти 1688 тага (17%) тўғри келади.

Солиқقا оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида “Солиқ” мобил иловаси орқали келиб тушган мурожаатларда чек бермаслик ҳолатлари сони республика бўйича 23023 тани ёки ҳудудлар кесимида солиштирилганда булар асосан, Тошкент шаҳрида 10541 тани, Тошкент вилоятида 2500 тани, Андижон вилоятида 1332 тани, Самарқанд вилоятида 1080 тани, Наманган вилоятида 1009 тани, Қашқадарё вилоятида 1009 тани, Фарғона вилоятида 952 тани, Бухоро вилоятида 733 тани, Навоий вилоятида 684 тани, Хоразм вилоятида 672 тани, Қорақалпоғистон Республикасида 665 тани, Сирдарё вилоятида 638 тани, Жizzах вилоятида 604 тани ва Сурхондарё вилоятида 603 тани ташкил этади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тасдиқланган субъектлар сони республика бўйича 13902 тани ташкил этиб булар асосан, Андижон вилоятига 1034 тага, Хоразм вилоятига 562 тага, Бухоро вилоятига 546 тага, Қорақалпоғистон Республикасида 482 тага, Навоий вилоятига 469 тага, Жizzах вилоятига 419 тага ва Сирдарё вилоятига 376 тага тўғри келган.

Хўжалик юритувчи субъект ва техник хизмат кўрсатиш марказлари томонидан ҳар ойда (абонент) тўлови ўртacha 100,0 минг сўмни ташкил этади. Республика бўйича 209144 та онлайн назорат-касса техникаси ўрнатилган шахобчалар мавжуд. Ушбу шахобчаларда ўрнатилган онлайн-касса техникаларига бир ойда ўртacha 20,9 млрд.сўм (абонент) тўлов ҳисобланади.

Мазкур ҳуқуқбуралик аниқланган ҳолатлар юзасидан хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Солиқ кодексининг 221-моддасига асосан, назорат-касса техникасининг ва (ёки) ҳисоб-китоб терминалларининг қўлланилиши мажбурий бўлгани ҳолда, уларни қўлламасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонларни, чекларни ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик, шунингдек ҳисоб-китоб терминаллари орқали тўловларни қабул қилишни рад этганлик - беш миллион сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Солиқ кодексининг 139-моддасига асосан сайёр солиқ текширувларини ўтказиш чоғида солиқ органлари профилактика тадбирларини ва хронометраж кузатувларини амалга оширишга, назорат-касса техникаси ва тўлов терминаллари қўлланилишини текширишга ва солиқ назоратининг бошқа тадбирларини ўтказишга ҳақли эканлиги белгиланган бўлсада, бугунги кунда айнан хронометраж кузатувлари тўлиқ амалга оширилмасдан келинмоқда.

5. Ҳулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, онлайн назорат-касса техникаси ва виртуал кассаларни қўллашда камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида қўйидагилар:

- ✓ Солиқ ва бошқа мутасадди идоралар ходимлари иштироқида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкиллаштириш;
- ✓ Автомобиль сотиб олганлик учун, темир йўл ва авиа чипта хариди, коммунал ва алоқа хизмати, банклардаги қабул қилинадиган тўловлар учун маҳсус мобиљ иловада харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга уларнинг банк карталарига ой якуни билан харид суммасининг 1 фоизида қайтариш;
- ✓ Хўжалик юритувчи субъект ва уларнинг шахобчаларига ўрнатилган онлайн назорат-касса техникаси ва виртуал кассаларни ишлатилишини тўлиқ назоратга олиш;
- ✓ Солиқ кодексининг 221-моддасига асосан, назорат-касса техникаси ва ҳисобкитоб терминалларини қўллаш тартибини бузиш бўйича қўлланиладиган беш миллион сўм миқдорида жаримани, йил давомида такроран содир этилса ушбу молиявий жарима суммаси миқдори товарайлланмадан келиб чиқсан ҳолда жарима қўллаш.
- ✓ Хўжалик юритувчи субъект билан техник хизмат кўрсатиш маркази ўртасида шартномага асосан ундирилаётган (абонент) тўловларни кўриб чиқиш ва бекор қилиш;
- ✓ Агар хўжалик юритувчи субъект томонидан савдо ва хизматлар кўрсатганик учун онлайн назорат-касса техникаси ҳамда виртуал касса тизимиға пул маблағи кирим қилиниб харидорга берилмаса ушбу субъектда сайёр солиқ текшируви ўтказмаслик;
- ✓ Республикадаги барча амалдаги онлайн назорат-касса техникасини мӯомаладан чиқариш ва барча субъектларни виртуал касса тизимиға ўтказиш таклиф этилади.

Адабиётлар:

Allayarov S. (2020). "Implementation of financial policy optimized in the conditions of economic growth," International Finance and Accounting: Vol. Iss. 2, Article 7.

Ибрахим М.А. (2016). Аспекты фискальной политики государства / Научный журнал «Вестник университета». №7-8.

Кашин В., Мерзляков И. (2017). Фискальная политика и оздоровление экономики России // Аудитор. № 9. С.34-37.

Лойиҳа (2020). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Фуқаролар учун бюджет 2021». Тошкент, © UNDP

Маликов Т.С, Жалилов П.Т (2011). Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма - Т. Akademnashr, 6-бет.

Мурожаатнома (2020). Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

Фармон (2018). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон.

Фармон (2019). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5837-сон.

Фармон (2019). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сон.

Қобилов Ш.Р. (2013). Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 775 б.

Қонун (2020). Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сон.

Қарор (2020). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4938-сон.

Қарор (2019). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон.

Қарор (2019). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли Қарорига 1-илова “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”.

Қонун (2020). Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-659-сон.



АВТОМОБИЛЛАРГА ХИЗМАТ КҮРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ

*и.ф.д., профессор Уразов К.Б., Истроилов Ё.Ж., Р.Н.Тошпулатов
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

Аннотация: мақолада автосервис корхоналари бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ҳозирги кунда долзарб бўлган айрим концептуал масалалари тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: автосервис, автомобилларга кўрсатиладиган хизматлар, автомобилларга хизмат кўрсатиш, автомобилларни кўрсатиладиган кафолатли хизматлар, автосервисдан олинадиган даромад, автосервис таннархи, бухгалтерия ҳисоби, аудит.

Аннотация: в данной статье исследованы актуальные в настоящее время некоторые концептуальные вопросы бухгалтерского учета и аудита на предприятиях автосервиса.

Ключевые слова: автосервис, услуги автомобилям, оказание услуг автомобилям, гарантийные услуги автомобилем, доходы от автосервис, себестоимость автосервиса, бухгалтерский учет, аудит.

Annotation: in this article, some of the currently relevant conceptual issues of accounting and auditing at car service enterprises are investigated.

Keywords: car service, car services, car warranty services, car service income, car service cost, accounting, audit.

1. Кириш.

Республикамида йилдан йилга автомобил саноати равнақ топиб бормоқда. Миллий заводларимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар, юк қўтариш машиналари, автобуслар нафақат республикамиз, балки дунёнинг турли бошқа мамлакатлари бозорларида ҳам сотилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, автомобиллар бозорида нафақат уларни сотиш, шунингдек сотилган автомобилларга кўрсатиладиган хизматлар ҳам катта ўрин тутади. Мос равишда, макон ва замонда юз бераётган фаолият сифатида автомобилларга кўрсатилаётган хизматлар бошқарув ҳамда назоратнинг асосий дастакларидан бўлган бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг муҳим обьектлари ҳисобланади.

Иzlанишлар шуни кўрсатмоқдаки, автомобилларга кўрсатилаётган хизматлариинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит обьектлари сифатидаги мазмун ва моҳияти, уларнинг таснифи, тавсифи, тан олиш ва ўлчаш мезонлари, ҳисобга олиш негизида ётuvчи тамойиллар ва тартиб-қоидаларни ўз ичига қамраб оладиган концептуал масалалари адабиётларда етарлича ўз аксини топмаган. Ушбу муҳим концептуал масалалар ҳозирги

кунда республикамиизда махсус меъёрий ҳужжатлар билан ҳам мустаҳкамланмаган. Айнан шулар ҳозирги кунда мазмун ва моҳиятан бир хил бўлган автомобилларга кўрсатилаётган хизматларни, уларга доир даромад ва харажатларни корхоналар амалиётида турлича тан олинишига, ҳар хил ҳужжатлар билан расмийлаштирилишига, шунингдек турли бир-биридан фарқ қилувчи тартиблар билан ҳисобда акс эттирилишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ушбу хўжалик бирликларида ўтказилаётган аудитда ҳам турли мунозарали ҳолатларни вужудга келтирмоқда.

Бизнингча, автомобилларга кўрсатилаётган хизматларининг борган сари равнақ топиши, уларни келажакда ҳозиргидан ҳам ривожланишининг устуворлиги улар ҳисоби ва аудитининг муҳим концептуал масалаларини республикамиз миқиёсида яхлит тарзда ҳал этишни зарурат қилиб қўяди.

2. Адабиётлар шарҳи.

Автомобилларга кўрсатилаётган хизматлар ҳисоби ва аудитини муҳим концептуал масалаларидан бири бўлиб ушбу хизматларнинг ҳисоб ва аудит обьектлари сифатида илмий асосланган таснифий ва тавсифий асосларини яратиш ҳисобланади.

Адабиётларда сервис, хизмат, хизмат кўрсатиш тушунчаларига жараён, фаолият, ҳодиса, хўжалик операцияси сифатида таърифлар берилган. Чунончи, И.Христофорованинг (2008) фикрига кўра, “сервис – бу кундалик эҳтиёжларни қониқтирадиган хизматларни кўрсатишдир.

С.Мозокина (2014) фикрича, “хизматлар” статик нарса сифатида тақдим этилади, “сервис” (ишлаб чиқариш) билан боғлиқ динамик (фаолият) тоифаси сифатида ишлайди. Профессор М.Пардаев (2009) фикрига кўра, “сервис деганда инсонларнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган, кишиларнинг наф келтирадиган, маълум сертификат ва андозаларга эга, сифат жиҳатидан юқори бўлган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолият тушунилади. Кўриниб турибдики, хизмат нафақат инсонларга, балки корхоналарга, жамиятга, давлатга кўрсатилса, сервис асосан аҳолига, одамларга кўрсатиладиган сифатли хизмат бўлиб ҳисобланади”. И.Очилов (2008) хизматларга қўйидагича таъриф берган: “хизмат дейилганда инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолият тушунилади”. Профессор Қ.Мирзаев (2013) фикрича, “хизмат кўрсатиш дейилганда – инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истеъмол эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ва даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмумини ифодаловчи фаолият тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган сервис, хизмат, хизмат кўрсатиш каби тушунчалар бевосита автомобиллар бозори иштирокчилар фаолиятида ҳам энг кенг учрайдиган тушунчалардир, чунончи автосервис, автомобилларга кўрсатиладиган хизматлар, автомобилларга хизмат кўрсатиш каби тушунчалар мазкур соҳага кирувчи субъектларнинг устав ҳужжатларида уларнинг асосий фаолият турлари сифатида эътироф этилган.

Бизнинг фикримизча, автомобилларга кўрсатиладиган хизматларни автосервис деб аташ тўғрироқдир. Чунки, автомобилларга кўрсатиладиган хизматлар, бир томондан, махсус билим ва касб-ҳунар тайёргарлигидан ўтган ходимлар томонидан кўрсатилади. Иккинчи томондан, бундай хизматлар махсус жиҳозланган жойларда (устахоналар, цехлар, мастерлик заллари, боксларда) тегишли меҳнат қуроллари ёрдамида амалга оширилади. Учинчидан, автомобилларга кўрсатилган хизматлар уни эгасининг эстетик ва маънавий талабларига жавоб бериши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, автомобиларга кўрсатиладиган хизматларнинг юқорида тавсифини ўзида мужассамлаштирувчи автосервис атамисига қўйидагича таърифнинг берилиши мақсадга мувофиқдир: **автосервис** – бу улар эгаларининг эстетик ва маънавий талабларини, шунингдек автомобилларнинг соз ва хавфсиз ҳаракатини таъминлашга қаратилган хизматлар мажмуаси.

3. Тадқиқот методологияси.

Бизнинг тадқиқотларимизда автосервис даромад келтирувчи, харажат талақ қилувчи, ўзининг якуний молиявий натижасига (фойдага ёки зарарга) эга бўлган маҳсус фаолият сифатида қаралган (Уразов К., Истроилов Я., 2011). Мос равишда, ушбу фаолият ва унинг натижалари ҳисоб ва аудити масалалари уларда гурухлаш, тизимлаш, ҳужжатлаштириш, баҳолаш, калькуляциялаш, индукция, дедукция, экспертиза қилиш ва бошқа маҳсус усул ва услублар асосида тадқиқ этилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Фикримизча, бухгалтерия ҳисобида, мос равишда аудиторлик текширувларида, автосервисни даромад, харажат, якуний молиявий натижаларни аниқлаш нуқтаи назаридан қўйидаги белгилари бўйича таснифлаш ўта муҳим ҳисобланади:

- (1) оширилаётган вақтига кўра;
- (2) ким томонидан молиялаштирилишига кўра;
- (3) характеристика кўра;
- (4) вақт сарфига кўра. Ушбу белгилари бўйича автосервис хизматларининг таснифий гурухлари ва уларнинг таркибига кирувчи айрим ишлар турларини қўйидаги тарзда мужассамлаштириш мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Автосервиснинг таснифий гурухлари ва уларнинг таркибига кирувчи айрим ишларнинг турлари

T/p	Таснифлаш белгиси	Таснифий гурухлар	Гурухларга кирувчи айрим ишларнинг турлари ва тавсифи
1	Оширилаёт-ган вақтига кўра	Автомобилларни сотиб олиш чоғида кўрсатиладиган хизматлар	сотишга тайёргарлик чоғидаги техник кўрик, дефекти мавжуд деталлар, қисмлар ва агрегатларни алмаштириш
		Автомобилларга сотилгандан кейинги даврда кўрсатиладиган хизматлар	кафолатли муддат ичида кўрсатиладиган ва кафолат муддатидан кейинги хизматлар
2	Ким томонидан молиялаштирилишига кўра	Ишлаб чиқарувчи корхона- завод томонидан молиялаштириладиган хизматлар	Кафолатли муддат ичида кўрсатиладиган хизматлар
		«Автотеххизмат» корхонаси томонидан молиялаштириладиган хизматлар	кафолатли таъмирлашга берилган муддат ичида кўрсатиладиган хизматлар
		Автомобиль эгаси томонидан молиялаштириладиган хизматлар	кафолат муддатидан кейинги хизматлар
3	Характерига кўра	Техник мураккаб бўлмаган хизматлар	ювиш ва тозалаш; мой алмаштириш; айрим эҳтиёт қисмларни алмаштириш, жорий таъмирлаш, бошқалар
		Техник мураккаб	моторни қайта териш; копотни

		хизматлар	алмаштириш; салонни тузаш; сигнализация қўйиш; газда ишлашга жиҳозлаш; юриш қисмларни алмаштириш; бошқа позицияга ўтказиш; ранглаш; бошқалар
4	Вақт сарфига кўра	Кўп вақт талаб қилмайдиган хизматлар	З–қаторда кўрсатилган техник мураккаб бўлмаган хизматлар турлари
		Кўп вақт талаб қиласидиган хизматлар	З–қаторда кўрсатилган техник мураккаб бўлган хизматлар турлари

Автосервисни оширилаётган вақтига кўра иккита гуруҳга ажратиш мумкин:

(1). Автомобилларни сотиб олиш чоғида кўрсатиладиган хизматлар;

(2). Автомобилларга улардан кейинги фойдаланиш (эксплуатация қилиш) даврида кўрсатиладиган хизматлар.

Автомобилларни сотиб олиш чоғида кўрсатиладиган хизматлар деганда уларни сотишга тайёрлаш даврида дастлабки кўриқдан ўтказиш, шикастланган, синган ёки ишламаётган деталларини алмаштириш, сервис китобчасида тегишли эслатмаларни ва тавсияларни белгилашга доир кўрсатиладиган хизматлар тушунилади.

Автомобилларга улардан кейинги фойдаланиш (эксплуатация қилиш) даврида кўрсатиладиган хизматлар деганда улар сотилган кундан кейинги фойдаланиш (эксплуатация қилиш) даврида кўрсатиладиган сервис хизматлар тушунилади. Ушбу сервис хизматлар, ўз навбатида, қуидаги турларга бўлинади:

(1) автомобилларга кўрсатиладиган кафолатли хизматлар;

(2) кафолатли хизмат муддатидан кейинги даврларда кўрсатиладиган сервис хизматлар.

Автомобилларга кўрсатиладиган кафолатли хизматлар деганда уларни кафолатли эксплуатация қилиш муддати ичида ишлаб чиқарувчи корхона – завод, шунингдек кафолатли жорий ва капитал таъмирлаш муддати ичида автотеххизматларни кўрсатувчи корхона томонидан кўрсатиладиган хизматлар тушунилади.

Автомобилларга кўрсатиладиган кафолатли хизматларнинг турлари, уларни амалга оширишнинг шартлари ва бошқа жиҳатлари олди-сотди, жорий ва капитал таъмирлаш тўғрисидаги шартномаларда ёки ушбу шартномаларга илова қилинадиган маҳсус кафолат шартларида акс эттирилади.

Автомобилларга кафолатли хизматлар, одатда, автомобилларни сотувга тайёрлаш вақтида ҳамда шартнома шартига кўра уларнинг кафолатли эксплуатация даврида (масалан, «Асака автомобиль заводи»нинг дилер корхоналари – «Автотеххизмат» ХАЖларида ушбу давр 1 йил ёки 20 минг километр йўл босишгacha бўлган муддатда уларнинг қайси бири олдин келганда) бепул кўрсатилади. Бунда кафолатли хизмат ўз ичига автомобилнинг деталлари, узеллари, агрегатларини алмаштириш ёки таъмирлаш ишларини олади.

Қуидаги ҳолатларда автомобилларга кафолатли хизматлар кўрсатилмайди:

*кафолатли хизмат муддати ўтиб кетгандан кейин мурожаат қилинганда;

*автомобиль конструкцияларига завод томонидан рухсат этилмайдиган ўзгартиришлар кафолат муддати даврида унинг эгаси томонидан мустақил киритилганда;

* автомобиль аварияга учраганда;

*автомобилнинг бўёғи эксплуатация даврида тош текиши сабабли кўчганда;

*эксплуатация натижасида автомобил агрегатлари, қисмлари, баллонларининг эскириши ва бошқалар.

Автомобилларга кўрсатиладиган кафолатли хизматлар, табиий равишда, қўшимча харажатлар қилишга олиб келади. Автомобилларни сотишга тайёрлаш чоғида ҳамда кейинги кафолатли эксплуатация давридаги кўрсатилган кафолатли хизматлар ҳақлари дилер корхоналарга ишлаб чиқарувчи корхона- завод томонидан қопланади. Дилер корхоналарнинг ўzlари томонидан амалга оширилган жорий ва капитал таъмирлаш ишлари бўйича берилган кафолатли хизмат ҳақлари уларнинг ўzlари томонидан қопланади.

Автомобилларга кўрсатиладиган кафолатли хизматларга турли сарф-харажатлар қилинади, масалан алмаштирилган деталлар, узеллар ва агрегатларнинг қиймати (таннархи), қўшимча хизматлар учун ҳисобланган иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар, турли бошқа хизматлар ҳақи ва бошқалар. Ушбу харажатлар кўрсатилган кафолатли хизматларнинг таннархини ташкил этади. Ишлаб чиқарувчи корхона- заводда кафолатли хизматларга сарф-харажатларн уларнинг сотиш харажатлари бўлиб ҳисобланади. Дилерлик ташкилотларида эса улар харажат ҳисобланмайди, балки ишлаб чиқарувчи корхона- завод тўлайдиган қарз сифатида тан олинади.

Кафолатли хизматлар муддатидан кейинги хизматлар деганда автомобилларга кафолат муддатидан кейинги фойдаланиш даврларида кўрсатиладиган хизматлар тушунилади. Ушбу хизматлар ўз ичига жорий (майда) ва капитал таъмирлаш ишларини олади.

Автомобилларни жорий (майда) таъмирлаш, одатда, вақтни кўп талаб этмайдиган хизматлар ҳисобланади. Автомобилларни капитал таъмирлаш эса вақтни кўп олади ва, мос равишда, жорий (майда) таъмирлашга нисбатан қиммат турадиган хизматлар ҳисобланади.

Автотеххизмат корхоналари томонидан амалга ошириладиган ҳам жорий (майда), ҳам капитал таъмирлаш уларда асосий фаолиятнинг бир тури ҳисобланади. Бу фаолият, бир томондан даромад келтиради, иккинчи томондан, унга маълум сарф-харажатлар қилинади.

Автосервисдан олинган даромадлар деганда уларни кўрсатишда автомобил эгаларидан олинган пул тушумлари тушунилади. Ушбу даромадлар таркибан қўйидаги иккита элементни ўз ичига олади:

$$Д = Эк + Xx$$

Бу ерда: **Эк** - автомобилларга хизмат кўрсатиш чоғида қўйилган эҳтиёт қисмларнинг сотиш қиймати; **Xx** - кўрсатилган хизматлар учун олинган хизмат ҳақи.

Автомобилларга кўрсатиладиган хизматларда уларга қўйиладиган эҳтиёт қисмлар мижоз томонидан тақдим этилган ҳолда, олинган даромадлар фақат хизматларни кўрсатиш учун олинган хизмат ҳақидан иборат бўлади, яъни:

$$Д = Xx$$

Ҳозирги кунда автомобилларни дилерлик асосида сотувчи автотеххизмат корхоналари автомобилларга эҳтиёт қисмлар билан ҳам дилерлик асосида таъминланмоқда. Ушбу ҳолатда автодилерлар томонидан кўрсатилаётган хизматларлардан олинаётган даромадлар қўйидаги иккита элементдан ташкил топади:

$$Д = Эквх + Xx$$

Бу ерда: **Эқвх** - автомобилларга хизматлар күрсатиши чөғида сотилган эхтиёт қисмларга түғри келувчи воситачилик ҳақы.

Автосервис нақд пулга ва нақдсиз йўл билан амалга оширилади. Ушбу даромадларни ҳисобга олиш негизида, мос равишда, касса методи ва ҳисоблаш тамойили ётади. Касса методини қўллаш хизмат күрсатиши ва унга ҳақ тўлашни бир вақтнинг ўзида амалга ошишига олиб келади. Бу методни қўллаш кўрсатилган хизматларга түғри келадиган даромадларни реал пул маблағлари билан таъминлашга имкон беради.

Ҳисоблаш тамойилига кўра хизматлардан олинадиган даромадлар улар кўрсатилган пайтда турли усуllарга асосан тан олинади. Бундай усуllар бўлиб, 2-сон БХМСга (1998) ва 15-сон МХХС (IFRS)га¹ асосан қўйидагилар ҳисобланади:

- *тўлиқ тугалланиш фоизи усули;
- *тугалланиш фоизи усули;
- *қилингандарга мутаносиб ҳисоблаш усули.

Автотеххизмат корхоналарида кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадларни тан олишда юқоридаги усуllардан биринчиси қўлланилади. Ушбу усула га кўра автомобилларга кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар улар тўлиқ амалга оширилган вақтда (кунда) тан олинади. Хизматлар учун тўловни ўша куни тўланмасдан қолиниши сабабли, мос равишда, дебиторлик қарзи ҳам тан олинади.

5. Хулоса ва таклифлар.

1. «Ўзавтотеххизмат» тизимиға кирувчи корхоналар учун республикамиизда автомобилларга кўрсатиладиган хизматларни ҳужжатли расмийлаштиришнинг яхлит тартиби тасдиқланмаган. Фикримизча, автомобилларга кўрсатиладиган барча хизматларни акс эттирувчи бошланғич ҳужжатлар тизими тасдиқланиши ва улар барча автотеххизмат корхоналарида бир хилда қўлланилиши лозим.

2. Автотеххизмат корхоналари томонидан амалга оширилайдиган ҳам жорий (майда), ҳам капитал таъмиrlашга доир хизматларга сарф харажатлар ушбу кўрсатилган автотеххизматлар таннархини ташкил қилади. Ушбу хизматлар таннархининг таркиби, уни шакллантириш тартиби ҳозирги кунда маҳсус меъёрий ҳужжат билан белгиланмаган. Республика мизда амалда бўлган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» (Қарор, 1999) айнан автомобилларга кўрсатиладиган хизматлар таннархини шакллантириш хусусиятларини қамраб олмайди. Шу боис ҳам, фикримизча, автотеххизмат корхоналари учун маҳсус «Автосервис хизматларини кўрсатувчи корхоналарда ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур.

3. Автомобилларга кўрсатилаётган хизматлар таннархи уларнинг ҳар бири бўйича индивидуал тарзда ҳисоб-китоб қолиниши лозим. Бундай ҳисоб-китоб ҳар бир автомобилга очиладиган калькуляция карточкасида харажат турлари бўйича амалга оширилиши керак. Ушбу калькуляция карточкалари асосида кўрсатилган хизматлар таннархини аниқлашнинг услубий жиҳатларини тармоқ вазирлиги томонидан маҳсус меъёрий ҳужжат билан белгилаш соҳа корхоналарида мазкур кўрсаткич ҳисоби ва аудитини яхлит тартибларда юритиш ҳамда ўтказиш имконини беради.

4. Автомобилларга хизмат кўрсатишида меҳнат ва вақт сарфи ўта муҳим ҳисобланади. Айнан сарфланган вақт ва унинг бир бирлиги учун белгиланган ҳақ тўлаш таърифлари кўрсатилган хизматлар таннархини аниқлашда меҳнат харажатларини топишда асосий база бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда автомобилларга кўрсатиладиган барча сервис

¹ МХХС (IFRS)15. Мижозлар билан тузилган шартномалардан олинган тушум

турлари, уларга сарфланадиган вақт меъёрлари, бир бирлик вақт сарфи учун белгиланган таърифлар тасдиыланган маҳсус «Классификатор»да² ўз аксини топган. Мазкур классификаторни “Ўзавто”, “Ўзвавтотеххизмат” акциядорлик жамиятлар томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда янги таърифлар асосида қайта тасдиқлаш ва уни барча турдаги автосервис субъектларида бир хилда қўллаш тартибини белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз.

5. Шундай қилиб, қорида келтирилган қисқача шарҳдан кўриниб турибдики, автомобилларга кўрсатиладиган хизматлар бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ўзига хос обьектлари ҳисобланади. Ушбу хизматларни даромад олиш манбаи ва таннарх калькуляцияси бирлиги нуқтаи назаридан тўғри талқин қилиш, тан олиш, ўлчаш ва алоҳида ҳисобини юритиш тамойилларини тўғри белгилаш ҳамда уларга амал қилиш ҳам ишлаб чиқарувчи корхона-завод, ҳам автодилерлар ва автосервис корхоналари учун ўта мұхимдир.

Фикримизча, юқорида билдирилган таклифларимиз соҳа субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни яхлит тартилар асосида ташкил қилишга имкон беради.

Адабиётлар:

БХМС (1998) № 2. Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар. Уз.Р. адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 28 августда рўйхатга олинган, № 483

Мирзаев Қ.Ж. (2013) Агросаноат иқтисодиёти. Монография. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. СамИСИ. –Т.: Иқтисод-Молия, – 212 б.

Мозокина С.Л. (2014) Тенденции развития лечебно-оздоровительного и медицинского туризма // Известия Санкт-Петербургского государственного экономического университета. № 5. – С. 42-46.

Очилов И. (2008) Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи. // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларнинг ривожлантириш: муаммолари ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, Б. 37.

Пардаев М.Қ. (2009) “Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари” (назарий жиҳатлар) // Сервис. – Сам., № 1. – Б. 37-44.

Уразов К.Б., Исроилов Я.Ж. (2011) Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодиет.

Қарор (1999) «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом». Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон.

Христофорова И.В. (2008) Современные подходы к маркетингу услуг // Сервис Plus. № 1. – С. 83-87.

² «Нормы времени на техническое обслуживание и ремонт автомобилей производства АО «УзДЭУавто». Издание III. 2007/



ПУТИ И ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВИТИЯ АУДИТОРСКИХ УСЛУГ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Уразов Д.К.

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация: в данной статье на основе метода «SWOT анализ» раскрыты сильные и слабые стороны, а также обоснованы пути и возможности развития аудиторских услуг в Республике Узбекистан в ближайшем будущем.

Ключевые слова: аудиторские услуги, выручка от аудиторских услуг, число аудиторских организаций, численность сертифицированных аудиторов; средняя величина выручки на одну аудиторскую организацию, средняя величина выручки на одного аудитора, доля аудиторских услуг в ВВП страны, SWOT анализ развития аудиторских услуг

Annotation: in this article, based on the SWOT analysis method, strengths and weaknesses are revealed, as well as ways and opportunities for the development of audit services in the Republic of Uzbekistan in the near future.

Key words: audit services, revenue from audit services, number of audit organizations, number of certified auditors; average revenue per audit firm, average revenue per auditor, share of audit services in the country's GDP, SWOT analysis of the development of audit services.

1. Введение.

Стремительное развитие сферы услуг является одним из приоритетных направлений Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. В частности, в стратегии развития нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы, утвержденной указом Президента УП-60 от 28 января 2022 года, предусмотрено:

* развитие сферы услуг и сервиса в регионах с увеличением в последующие 5 лет объемов услуг в три раза и созданием 3,5 млн новых рабочих мест в данной сфере;

*предоставление дополнительных льгот субъектам предпринимательства в целях повышения привлекательности сферы услуг.

Приоритетность задачи по развитию сферы услуг непосредственно касается и аудиторских услуг. Данный вид услуг нацелен главным образом на удовлетворение потребностей государственных органов, собственников, инвесторов, руководителей и других менеджеров современных субъектов предпринимательства в:

* комплексных аудиторских проверках законности совершенных фактов хозяйственной деятельности, достоверности финансовых отчетов и соответствия их требованиям международных и национальных стандартов;

* тематических проверках по специальным вопросам;

*аутсорсинге по ведению бухгалтерского учета и составлению финансовых и налоговых отчетов, выполнению обязанностей внутренней ревизионной комиссии и службы внутреннего аудита, переводу (трансформации) национальных финансовых отчетов на международные форматы;

*консультации в области юриспруденции, ведения учета в соответствие с МСФО И НСБУ, налогообложения, перевода (трансформации) финансовых отчетов на международные формы, составления бизнес-планов, анализа хозяйственной деятельности и прочих других вопросов.

2. Обзор литературы.

Сущность, значение, пути развития аудиторских услуг в зарубежных странах, в том числе стран СНГ исследованы со стороны многих ученых (Э.Аренс, Дж.Лоббек, 1995; В.Подольского, 2008; К.Арабян, Н.Эриашвили, 2018; Р.Булыга, 2017). По этим проблемам опубликованы интересные данные в сайтах аудиторские компании Deloitte, PWC, Ernst and Young и KPMG¹. В определении путей и возможностей аудита как специфичного вида бизнеса важную роль играет использование метода «SWOT анализ». Сущность и значение, а также особенности применения данного метода анализа также исследованы в работах многих ученых, в частности Д.Арутюновой (2010), В.Токарова (2018).

Следует отметить, что в зарубежных странах аудиторские услуги относятся к весьма престижной и востребованной отрасли сферы услуг. Об этом свидетельствуют, например, такие факты: аудиторскими услугами в развитых странах пользуются миллионы клиентов; ежегодный объем выручки только аудиторских компаний, входящих в «большую четверку»², в среднем составляет 155 млрд. долларов³, что равносильно совокупному объему ВВП почти нескольких развивающихся стран мира.

3. Методология исследования.

Данное исследование нами проведено с целью определения конкретных путей и возможностей развития аудиторских услуг в нашей республике. Для достижения этой цели мы использовали такие методы, как системный подход, индукция и дедукция, группировка факторов, факторный анализ, и главным образом метод «SWOT анализ».

4. Анализ и его результаты.

В нашей республике за годы получения независимости аудиторские услуги тоже нашли свое признание и вошли в число престижных видов бизнеса. За эти годы в республике возникла целостная система рынка аудиторских услуг, включающая в себя государственные органы управления и регулирования этим рынком, непосредственных исполнителей в лице национальных аудиторских компаний и сертифицированных аудиторов, а также заказчиков в лице различных хозяйствующих субъектов.

Как видно из данных таблицы 1, в республике за последние 5 лет объем выручки, включаемой через аудиторские организации в ВВП страны, увеличился почти в 4,7 раза. Средняя величина объема аудиторских услуг, приходящаяся на одну аудиторскую организацию, за эти годы увеличилась с 644, 1 тыс. сум до 3 205,2 тыс. сум, то есть почти в 5 раз. Выручка, приходящая в среднем на одного аудитора, увеличилась с 101,2 млн. сум до 472,7 млн. сум или почти в 4,7 раза. В 2017-2019 годах количество оказанных аудиторских услуг имело тенденцию к росту (с 8880 единиц до 11476 единиц). Вместе с

¹<https://wiki/Deloitte>; <https://www.pwc.rs/>; <https://Ernst Young>; <https://wiki/KPMG>

² Это аудиторские компании Deloitte, PWC, Ernst and Young и KPMG

³ [https://ru.wikipedia.org/wiki/Большая_четверка_\(аудит\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Большая_четверка_(аудит))

тем, в 2020-2021 годах количество, предприятий, которым были оказаны аудиторские услуги, по сравнению с 2019 годом сократилось, в частности в 2020 году на 1280 (10196-11476) единиц и в 2021 году на 4290 (7186-11476) единиц. За последние годы численность аудиторских организаций сократилась на 6 единиц, а количество сертифицированных аудиторов сократилось на 77 единиц. Только к концу 2021 года количество сертифицированных аудиторов достигло до уровня 2017 года.

Таблица 1
Сведения о показателях, характеризующих развитие аудиторских услуг в Республике Узбекистан за 2017-2021 годы⁴

Годы	Объем ВВП от аудиторских услуг, млрд сум	Коли-чество ауди-тор-ских орга-низа-ций, ед.	Коли-чество сертифи-циранных аудиторов, чел.	Коли-чество проведенн ых аудитор-ских услуг , ед.	Средняя величина объема аудиторских услуг на одну аудиторскую организацию, млн. сум	Средняя величина объема аудитор-ских услуг на одного аудитора, млн. сум
2017	65,7	102	649	8880	644,1	101,2
2018	139,2	98	579	10371	1 420,4	240,4
2019	130,1	96	558	11476	1 355,2	233,2
2020	206,4	99	572	10196	2 084,8	360,9
2021	307,7	96	651	7186	3 205,2	472,7

Следует отметить, что доля аудиторских услуг в ВВП страны пока очень низка (от 0,0264% в 2017 году до 0,0419 % в 2021 году). Вместе с тем имеются определенные положительные сдвиги в росте доли аудиторских услуг в ВВП страны. В частности, самый большой темп роста доли аудиторских услуг в ВВП страны наблюдался в 2018 году (81,9%). В 2021 году по сравнению с 2017 годом темп роста доли аудиторских услуг в ВВП страны составил 58,8% (см. табл.2).

Таблица 2
Доля объема выручки от аудиторских услуг в ВВП Республики Узбекистан за 2017-2021 годы⁵

Годы	Объем ВВП страны, трл.сум	Темп роста ВВП в отношении к базисному 2017 году, %	Объем выручки от аудитор-ских услуг, млрд.сум	Темп роста выручки от аудиторских услуг в отношении к базисному 2017 году, %	Доля аудитор-ских услуг в ВВП страны, %	Темп роста доли аудитор-ских услуг в ВВП в отношении к базисному 2017 году, %
2017	249100	100	65,7	100	0,0264	100
2018	290162	116,5	139,2	211,9	0,0480	181,9
2019	361858	145,3	130,1	198,0	0,0360	136,3
2020	580200	232,9	206,4	314,2	0,0356	134,9
2021	734640	294,9	307,7	468,3	0,0419	158,8

Основываясь на вышеприведенных данных, а также результатах проведенных исследований теоретических и практических проблем аудиторской деятельности в

⁴ Составлена автором на основе данных Минфина Р.Уз, приведенных в wwwmf.uz

⁵ Данные рассчитаны на основе данных Госкомстата и Минфина Республики Узбекистан за эти годы

различных странах мира нами сделан авторский SWOT анализ⁶ макроэкономического развития аудиторских услуг в нашей республике. Такой анализ позволил нам определить сильные и слабые стороны, а также возможности и угрозы, которые, с одной стороны, могут способствовать развитию аудиторских услуг и, с другой стороны, в определенной мере сдерживать развитие данных услуг в нашей стране.

Итак, в чем кроются сильные стороны нашей страны для развития аудиторских услуг? На наш взгляд, сильные стороны нашей страны в развитии аудиторских услуг кроются в следующем.

Во-первых, в республике создана достаточная нормативно-правовая база для ведения и развития аудиторских услуг в качестве предпринимательской деятельности.

В-вторых, в республике из года в год увеличивается количество субъектов предпринимательства, в том числе предприятий с участием иностранных инвестиций, которые могут выступить потенциальными заказчиками аудиторских услуг. По данным Госкомстата, по состоянию на 1 января 2022 года количество зарегистрированных в республике предприятий и организаций составляет около 450 тыс. единиц, из них 298 тысяч предприятий в форме ООО, 13,7 тысяч предприятий с участием иностранного капитала, 2,5 тысяч госпредприятий, более 100 тысяч предприятий в форме фермерских хозяйств, частных и семейных предприятий⁷.

В-третьих, в республике с каждым годом возрастает объем внешних и внутренних инвестиций в различные отрасли национальной экономики и, соответственно, растет потребность иностранных и национальных инвесторов в проведении независимого аудита и получении аудиторского заключения по достоверности финансовых отчетов.

В-четвертых, в стране особое внимание придается подготовке и переподготовке специалистов по международным стандартам в области бухгалтерского учета и аудита на основе совместных проектов с зарубежными странами.

В-пятых, в стране отрасль аудиторских услуг имеет постоянную государственную поддержку, со стороны Правительства принимаются конкретные меры, направленные на развитие аудиторских услуг.

Как показывают исследования, рынок аудиторских услуг нашей республики наряду с сильными сторонами имеет и множество слабых сторон. В частности, в постановлении Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2018 года «О мерах по дальнейшему развитию аудиторской деятельности в Республике Узбекистан» за № ПП- 3946 были указаны следующие слабые стороны, проблемы и недостатки, которые препятствуют дальнейшему развитию аудиторской деятельности и повышению значимости аудиторских услуг для принятия управлеченческих решений и повышения качества корпоративного управления:

*низкий уровень доверия к аудиторским организациям, а также рассмотрение аудиторской проверки как излишней и обременительной административной процедуры, а не как гаранта подтверждения достоверности финансовой отчетности;

*имеющиеся ограничения и практика проведения конкурсов по отбору аудиторских организаций нередко способствуют недобросовестной конкуренции, в том числе ценовой, вследствие чего снижаются качество аудиторских услуг и достоверность аудиторских заключений;

*действующая система специальной подготовки и повышения квалификации аудиторов носит формальный характер, не обеспечивает необходимый уровень

⁶ Расшифровка аббревиатур SWOT анализа: S-Strengths – сильные стороны; W-Weaknesses- слабые стороны, O- Opportunities - возможности, T-Threats- угрозы.

⁷ <http://uzdaily.uz/ru/post/66485>, <https://uz.sputniknews.ru/20210529/>, <https://review.uz/post/goskomstat-temp-rosta-vnov-sozdannx-predpriyatiy-i-organizaciy-sostavili-1200>

профессиональной подготовки и качества аудиторских услуг, в том числе в соответствии с международными стандартами аудиторской деятельности, что приводит к падению престижа профессии аудитора;

*отсутствует эффективная система внешнего контроля качества работы аудиторских организаций, что при ограниченности мер правового воздействия лицензирующего органа не позволяет оперативно реагировать на факты оказания некачественных аудиторских услуг и недобросовестные действия аудиторов;

*неполное соответствие национальных стандартов аудиторской деятельности общепризнанным международным стандартам аудита, что не обеспечивает формирование у иностранных инвесторов понимания достоверности финансовой отчетности отечественных предприятий.

5. Выводы и рекомендации.

Для обеспечения дальнейшего развития и повышения эффективности аудиторских услуг в перспективном будущем в нашей стране имеется множество возможностей. Необходимо, прежде всего, последовательно и полностью реализовать следующие меры, предусмотренные в постановлении Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2018 года «О мерах по дальнейшему развитию аудиторской деятельности в Республике Узбекистан» за № ПП- 3946:

совершенствование законодательства об аудиторской деятельности, в том числе формирование действенной системы внешнего контроля качества работы аудиторских организаций, на основе международных стандартов, направленной на повышение качества аудиторских услуг и поддержание доверия делового сообщества к результатам работы аудиторских организаций;

привлечение молодежи в аудиторскую профессию, в частности, обеспечение активного сотрудничества профессиональных общественных объединений с соответствующими высшими образовательными учреждениями;

повышение уровня вовлеченности аудиторских организаций в международные аудиторские сети, в том числе организация активной методической поддержки аудиторских организаций, аудиторов в вопросах применения международных стандартов аудита;

активизация деятельности республиканских общественных объединений аудиторов по взаимодействию с международными организациями, устанавливающими международные стандарты аудита, распространению передового мирового опыта применения указанных стандартов.

В целях обеспечения дальнейшего развития аудиторской деятельности в Республике Узбекистан, на наш взгляд, немаловажное значение будет иметь также принятие следующих мер.

Во первых, установить порядок, предусматривающий выдачу специалистам, имеющим сертификаты «Сертифицированный международный профессиональный бухгалтер (CIPA)», «Сертифицированный присяжный бухгалтер (ACCA)», «Сертифицированный общественный бухгалтер (CPA)» и «Диплом по международной финансовой отчетности (DipIFR)», по их заявлению квалификационные сертификаты аудитора. Разрешение этого вопроса позволит увеличить в республике численность сертифицированных аудиторов в ближайшие пять лет примерно на одну тысяч единиц.

Во-вторых, в межгосударственные протоколы сотрудничества нашей страны с другими зарубежными развитыми странами необходимо включить вопросы создания совместных предприятий в области аудита с правом проведения аудиторских услуг в этих странах. Разрешение этого вопроса способствует возникновению в нашей стране экспорта

услуг по аудиторским услугам, позволит заработать аудиторским организациям доходы в иностранной валюте, тем самым пополнить казну государства иновалютами, финансировать зарубежные служебные командировки без конвертации валюты.

В-третьих, снизить минимальную обязательную численность сертифицированных аудиторов, для которых аудиторская организация является основным местом работы, до двух человек, только при наличии у них сертификатов «Сертифицированный международный профессиональный бухгалтер (CIPA)», «Сертифицированный присяжный бухгалтер (ACCA)», «Сертифицированный общественный бухгалтер (CPA)» и «Диплом по международной финансовой отчетности (DipIFR)». Эта мера будет иметь многофункциональное значение, например, привести к росту специалистов с международными сертификатами, спрос на которых в республике все больше возрастает, способствовать увеличению аудиторских организаций в отдаленных областях нашей республики, где в настоящее время в общем не имеются такие организации или имеется лишь одна-две аудиторские организации, снизить затраты аудиторских организаций на проведение аудита и, тем самым, повысить экономическую выгоду от аудиторских услуг как государству, так и аудиторским организациям.

В-четвертых, пересмотреть установленный с 1 января 2022 года порядок перевода аудиторских организаций, относящихся к малому бизнесу, с упрощенного режима налогообложения на режим общеустановленного налогообложения. Работа аудиторских организаций по общеустановленному налоговому режиму, на наш взгляд, в настоящее время им не выгодно и не будет способствовать росту аудиторских услуг по многим причинам, К основным из таких причин можно отнести следующее:

*относительно низкую цену аудиторских услуг;

*отсутствие желаний и пониманий заказчиков платить дополнительно НДС к стоимости оказываемых аудиторских услуг;

*незначительную сумму НДС, зачисляемого к зачету по хозяйственным операциям аудиторских организаций с поставщиками по приобретенным товарно-материальным ценностям, работам и услугам;

возрастание требований со стороны аудиторов по увеличению платы за их труд;

*соответствующий рост затрат на социальный налог,

*уплату налога на прибыль по повышенной ставке (15 %) и др.

Предварительные расчеты показывают, что каждая из многочисленных аудиторских организаций, которые имели объем годовой выручки до 1 млрд. сум за предыдущие годы, за 1 квартал 2022 года потратили примерно 120-180 миллионов сум только на уплату НДС и налога на прибыль. Эти дополнительные затраты фактически являются прямыми потерями для аудиторских организаций. Они, естественно, отрицательно повлияли на конечные финансовые результаты аудиторских организаций за 1 квартал 2022 года. Как показывают исследования, во многих аудиторских организациях за данный отчетный период почти в 2 раза снизился уровень рентабельности (вместо предыдущих 30-35 % рентабельность составила 15-17%), наблюдалось снижение коэффициентов ликвидности и финансовой независимости. Поэтому, на наш взгляд, было бы целесообразно в ближайшие 5 лет заново представить аудиторским организациям возможность работы по упрощенному режиму налогообложения, установив для них минимальную величину годовой выручки в размере до 5 млрд. сум как главный критерий для перехода на общеустановленный режим налогообложения.

Литературы:

Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. (1995) Аудит / под ред. Я.В. Соколова. М.: Финансы и статистика, 560 с.;

Арабян К.К., Эриашвили Н.Д. (2018) Рынок аудиторских услуг: проблемы и перспективы// Ж. Экономические науки, № 3, с.275-279.; Р.П.

Арутюнова Д.В. (2010) Стратегический менеджмент. Учебное пособие. Таганрог: Изд-во ТТИ ЮФУ, 122 с. up.ru/books/m205/9_4.htm

Булыга Р.П. (2017) Аудит бизнеса: учебник для студентов магистратуры, обучающихся по направлениям подготовки «Экономика», «Финансы и кредит», «Государственный аудит», «Менеджмент» / М.: ЮНИТИ-ДАНА, 263 с. (Серия «Magister»).

Закон (2021) Республики Узбекистан. Об аудиторской деятельности. от 25.02.2021 года за N ЗРУ-677.

Постановление (2018) Президента Республики Узбекистан О мерах по дальнейшему развитию аудиторской деятельности в Республике Узбекистан. № ПП-3946.

Постановление (2020) Президента Республики Узбекистан. О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты финансовой отчетности. № ПП-4611.

Подольского В.И. (2008) Аудит / М.: ЮНИТИ-ДАНА, Аудит, 580 с.;

Токарев В. (2018) SWOT-анализ новой карьеры – 8. – М.: Ridero, <https://www.ozon.ru/product/swot-analiz-novoy-karery-8-149607254/>

Указ (2022) “Президента О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы”. УП-60 от 28 января 2022 года.



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИНИ УНДИРИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

Эргашов Ж.А.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Мақолада жисмоний шахслардан мол-мулк ва ер солиқларини ундиришишнинг самарали йўллари бўйича тадқиқот олиб борилган бўлиб, мавзуу доирасида иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ўрганилиб, хуоса ва таклифлар шакллантирилди.

Калит сўзлар: солиқ, бюджет, маҳалий бюджет, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртача ставка солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

Аннотация: В статье проведены исследования эффективных способов взыскания имущественных и земельных налогов с физических лиц, изучены исследования экономистов в рамках темы, сформированы выводы и предложения.

Ключевые слова: налог, бюджет, местный бюджет, налоговая нагрузка, репрезентативная налоговая ставка, средневзвешенная налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговый кредит, налоговая ставка.

Annotation: In the article, research was conducted on effective ways of collecting property and land taxes from individuals, the researches of economists were studied within the topic, and conclusions and suggestions were formed.

Key words: tax, budget, local budget, tax burden, representative tax rate, average rate tax report, tax revenues, tax credits, tax rate.

1. Кириш.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бюджет масаласи жуда муҳим ва мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ҳудуднинг ривожи, аҳолисининг турмуш шароити, ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оила ва шахсларни етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда аҳолини рози қилиш, ҳар бир ҳудуддаги давлат ҳокимияти органларининг молиявий масалаларини тўғри ҳал қила билишга боғлиқdir. Бунда маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқ ва йиғимларнинг тури, миқдорини белгилаш алоҳида аҳамият касб этади. Республикализ солиқ тизимини такомиллаштиришда турли ҳокимият органларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича ваколатларини янада аниқлаштириш ва бунда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг бу борадаги ваколатларини ошириш муҳим йўналиш қилиб белгиланиши лозим. Маҳалла фуқаролар йиғини масъул ҳодимларини ва жамоатчиликнинг

манфаатдорлигини ошириш мақсадида жисмоний шахслардан мол-мулк ва ер солиқларини масъул ташкилотлар билан интеграциясини таъминлаш ва улар бўйича мавжуд қарздорликни ўндиришда маҳаллаларда жамоатчиликни жалб этиш ва тушган тушумнинг бир қисмини маҳалла фуқоролар йиғини ихтиёрида қолдириш бўйича механизмни амалиётга жорий қилиш муҳим ахамият касб этади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий нуқтаи назардан, солиқ ва солиқдан ташқари тушумларнинг ўсиши учун қўшимча заҳираларни топиш ва жалб қилиш нафақат маҳаллий бюджетларни тўлдириш, балки замонавий ҳуқуқий маконни шакллантириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар, турли ижтимоий йўналтирилган шаҳар дастурлари ва уларни амалга ошириш масаласидир.

Ю.Власованинг (2015) фикрига кўра “Маҳаллий бюджетларнинг даромадли салоҳияти давлат-хўсусий шерикликни янада фаолроқ амалга оширишни, солиқ имтиёзларини жорий этиш ва бюрократик жараёнларни тезлаштириш ва соддалаштириш орқали бизнес юритишни иложи борича осонлаштиришни, ноишлаб чиқариш харажатлари улушкини камайтиришни ва ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтиришни талаб қиласди. Натижада минтақадаги бюджет сиёсати самарадорлигининг ошишига олиб келади. Маҳаллий бюджетларнинг даромад салоҳиятини ошириш бўйича комплекс қарор узоқ муддатли истиқболда бутун минтақа иқтисодиёти учун кучли ижобий таъсир кўрсатади”.

А.Селезнев, Н.Доценколарнинг (2016) фикрига кўра “маҳаллий бюджетларнинг реал молиялаштириш тақчиллиги муаммоси билан боғлиқ ҳолда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш тизими - муҳим макроиқтисодий вазифа”, деб ҳисоблайдилар.

О.Серебрякова (2017) таъкидлаганидек, “Худудларни молиявий таъминлаш маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини ислоҳ қилишнинг энг қийин ва долзарб масалаларидан бири”, деб таъкидлайди.

О.Сухарев (2020) барча даражадаги бюджет даромадлари манбаларини тубдан ўзgartариш, бюджет механизмини рағбатлантиришга йўналтирилган харажатларни самарали фаолият натижаларни жорий этиш тизимини илгари суради.

С.Худойқулов (2019) ўз тадқиқотларида эконометрик үсуллар орқали давлат бюджети жами даромадларининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланган, А.Аззамов (2019) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 2019-2023 йиллар учун прогноз кўрсаткичларини аниқлаган, У.Пардаев (2018) давлат бюджети даромадларини прогнозлаш масалаларини тадқиқ этган, Ж.Урмонов (2019) 2018-2020 йилларга мўлжалланган ягона солиқ тўловининг солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичларини аниқлаган.

Н.Хайдаров (2020) фикрича маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини кўпайтириш ва вилоятларда янги иш ўринларини яратиш учун хоржий инвесторларни жалб этишни рағбатлантириш зарур. Бунинг учун мамлакат бўйича хорижий инвесторлар қандай турдаги тадбиркорлик ва тижорат фаолияти билан шуғулдана олмайдиган соҳа ва тармоқлар рўйхати ишлаб чиқилиб, қолган барча соҳа ва тармоқларга яшил йўл борлиги кўрсатилиш лозим.

3. Тадқиқот методологияси.

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гурухлаш, қиёсий ва трендли таҳлил үсулларидан фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат молия тизимининг

долзарб масалаларидан бири сифатида маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

4. Таҳлил ва натижалар.

Хозирги бозор иқтисодиёти шароитида бюджет масаласи жуда муҳим ва мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ҳудуднинг ривожи, аҳолисининг турмуш шароити, ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оила ва шахсларни етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда аҳолини рози қилиш, ҳар бир ҳудуддаги давлат ҳокимиюти органларининг молиявий масалаларини тӯғри ҳал қила билишга боғлиқdir. Бунда маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқ ва йиғимларнинг тури, миқдорини белгилаш алоҳида аҳамият касб этади. Республикаиз солиқ тизимини такомиллаштиришда турли ҳокимият органларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича ваколатларини янада аниқлаштириш ва бунда маҳаллий давлат ҳокимиюти идораларининг бу борадаги ваколатларини ошириш муҳим йўналиш қилиб белгиланиши лозим.

Бунда жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк обьектлари ва ер участкаларига мол-мулк ва ер солиқларини ҳисобланиши ва ундирилиши жараёнида давлат солиқ хизмати ва тегишли органлар билан маҳалла фуқаролар йиғини билан масофавий маълумот алмашиниш тизимиға интеграция қилиш, жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк обьектлари ва ер участкаларига мол-мулк ва ер солиқлардан ундирилган тўловларнинг ҳудудлар кесимида маҳалла фуқаролар йиғинига ўтказиладиган дифференцияланган ажратмалар меъёри ва меъзони ишлаб чиқиш ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга ўзгартириш кириш лозим.

Таҳлил этилаётган йилларда маҳаллий бюджетлар даромадлари маҳаллий бюджетлар харажатларига нисбатан доимий равишда камни ташкил этмоқда. Айниқса сўнгги йилларда уларнинг орасидаги тафовут сезиларли равишда фарқланганлигини, яъни харажатларнинг кескин ошиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида маҳаллий солиқларнинг аҳамияти,¹ (фоизда)

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Давлат мақсадли жамғармалар даромадларисиз - жами	100	100	100	100	100
<i>Шундан;</i>					
Маҳаллий солиқлар жами;	41,9	42,3	42,2	26,8	25,3
<i>Шундан;</i>					
Айланмадан солиқ (ягона солиқ)	21,9	20,5	5,7	5	5,1
Қатъий белгиланган солиқ	6,4	4,4	1,9	1	1,2
Мол-мулк солиғи	13,5	11,4	6,7	7,1	7,6
Ер солиғи	6,9	6,6	6,6	8,6	12,6
Сув ресурси фойд. учун солиқ	1,1	0,6	0,9	1,7	2,1
Бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ	11,3	6,7	6	7,5	8,8

¹ Молия вазирлиги маълумотлари асосаидага муалиф тарафидан таёrlанган.

Маълумки, бугунги кунда маҳаллий бюджет даромадлари солиқлар ва йиғимлардан ташкил этиб жумладан, айланмадан олинадиган солиқ, мол-мулк ва ер солиғи, қатъий белгиланган солиқ, сув солиғи ҳамда бендин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ (акциз солиғи) маҳаллий солиқлар сифатида эътироф этилади. Таҳлил этилаётган йилларда маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаи ҳисобланган маҳаллий солиқларнинг улуши юқори эмас. Маҳаллий солиқларнинг улуши таҳлил этилаётган йилларда ўртача 35,7 фоизни ташкил этиб сўнгги йилларда камайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Айланмадан олинадиган солиқнинг улуши 2017 йилда 21,9 фоизни, мол-мулк солиғининг улуши 2016 йилда 42,3 фоизни ташкил этган бўлса 2021 йилга келиб 25,5 фоизга камайган. Маҳаллий бюджет даромадлари улусида мол-мулк солиғининг 7,6 фоизни, айланмадан олинадиган солиқ 5,1 фоизни, ер солиғи 7,6 фоизни ташкил этган. Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, давлат бюджети даромадларида (контингент) маҳаллий солиқларнинг улуши камайган.

Бугунги кунда маҳаллий бюджетлар харажатларини ўз вақтида молиялаштириш мақсадида маҳаллий бюджетларга юқори бюджетлардан турли хил кўринишда молиявий ёрдам бериш тартиби амалиётга жорий қилган. Ушбу ҳолатни маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг етарли эмаслиги ва маҳаллий бюджетлар харажатларини қоплай олмаслигидан келиб чиқиб амалга ошириш чоралари сифатида эътироф этиш мумкин.

Қўйидаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, 2021 йилда олдинги йилларга нисбатан юқори бюджетдан бюджетлараро трансферлар ажратилаётган ҳудудлар сони ортган. Республикализнинг бир қатор ҳудудлари ўз харажатларини қоплаш учун бюджетлараро трансферлар кўринишида молиявий ресурслар билан таъминланади.

2-жадвал

Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ажратиладиган бюджетлараро трансферлар миқдорлари²

Т/р	Ҳудудлар номи	Млрд. сўмда		
		2019 й	2020 й	2021 й
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	-	-	1 301,4
2.	Андижон вилояти	1379,3	616,2	876,7
3.	Бухоро вилояти	-	-	440,0
4.	Жizzах вилояти	730,6	448,2	490,0
5.	Қашқадарё вилояти	-	758,1	1 577,3
6.	Наманган вилояти	1312,2	977,7	1 284,0
7.	Самарқанд вилояти	1760,9	321,8	1 102,7
8.	Сурхондарё вилояти	1214,8	839,1	1 293,6
9.	Сирдарё вилояти	481,1	343,9	534,3
10.	Фарғона вилояти	-	351,9	910,1
11.	Хоразм вилояти	884,2	457,0	632,9
	Жами	7763,1	5 113,9	10 443,0

2019 йилда жами 7 та ҳудуд маҳаллий бюджетларига жами 7 763,1 млрд.сўм бюджетлараро трансферлар ажратилаётган бўлса, 2020 йилда эса 9 та ҳудуд маҳаллий бюджетларига жами 5 113,9 млрд.сўм, 2021 йилда 11 та ҳудудларга 10 443,0 млрд.сўм бюджетлараро трансферлар ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, уларнинг 62,8 фоизи 5 та ҳудудга, яъни Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Мамлакат ҳудудлари

² Молия вазирлиги маълумотлари асосаидан муалиф тарафидан таёrlанган.

молиявий мустақиллигини таъминлаш ҳамда уларнинг ўз даромадларини ошириб боришдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида 2020 йилдан барча ҳудудларга бюджетлараро трансфертлар миқдорининг камайганлигини кўришимиз мумкин. Лекин 2021 йилда бюджетлараро трансфертлар миқдорлари ҳамда ажратилаётган ҳудудлар сони ортганлигини кўришимиз мумкин.

Шу билан биргаликда маҳаллий ҳокимликлар ролини ошириш ҳамда уларнинг молиявий салоҳиятини яънада мустаҳкамлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4555-сонли қарорининг 19-банди жисмоний шахалар даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи ҳамда фойда солиғи бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қолдирилиши белгиланган.

3-жадвал

Республика бўйича 2017-2021 йилларда маҳаллий бюджет даромадлари бажарилиши тўғрисида (ҳудудлар кесимида)³

T/p	Ҳудуд номи	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2021 й / 2017 й нисбати (баробарда)
	Жами	927	5 489	5 567	4 088	9 579	10,3
1	Қорақалпоғистон Рес.	101	868	500	304	466	4,6
2	Андижон вилояти	61	425	652	218	291	4,8
3	Бухоро вилояти	109	312	401	271	628	5,8
4	Жиззах вилояти	48	192	179	216	303	6,3
5	Қашқадарё вилояти	90	463	374	287	561	6,2
6	Навоий вилояти	19	426	421	279	486	25,9
7	Наманган вилояти	52	249	458	161	407	7,8
8	Самарқанд вилояти	43	341	292	253	530	12,3
9	Сурхондарё вилояти	62	313	243	256	288	4,6
10	Сирдарё вилояти	30	187	176	118	154	5,1
11	Тошкент вилояти	39	368	442	297	1 062	27
12	Фарғона вилояти	65	303	393	336	839	12,8
13	Хоразм вилояти	42	222	257	170	429	10,2
14	Тошкент шаҳри	166	819	780	922	3 136	18,9

Юқоридаги жадвалда ушбу қарорнинг қабул қилинишида маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қоладиган маблағларнинг улуши сезилари даражада ўсишини кўришимиз мумкин. Республика бўйича 2017 йилда маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида 927 млрд.сўм миқдорида маблағлар қолган бўлса бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 9 579 млрд.сўмни ташкил этиб 10,3 баробарга кўп миқдорда маблағлар қолишига эришилган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики охирги беш йилда маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қолдирилган маблағларни энг юқори ўсиш сурати Тошкент вилоятида 27 баробар, Навоий вилоятида 26 баробар ҳамда Тошкент шаҳрида 19 баробарни ташкил этиб ўртacha республика

³ Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан таёrlанган,

кўрсаткичидан юқорилигини ташкил этмоқда. Юқоридаги рақамлардан ҳам кўриниб турибдики маҳаллий бюджет даромадларини ортириб бажариш ҳисобига маҳаллий ҳокимликларнинг молиявий салоҳиятини оширишдан иборат.

Таклиф этмоқчи бўлган тартибимиз мол-мулк ва ер солиқлари бўйича ойлик режа ҳар ойда маҳаллалар кесимида тегишли равишда туман (шаҳар) ҳокими, молия бўлими ва давлат солиқ инспекцияси раҳбари томонидан қўйидагиларни инобатга олган ҳолда белгиланади, жумладан:

а) ҳисоб-китоб қилинадиган ойда жорий йилга ҳисобланган солиқларнинг ундирилмасдан қолган қисмини қолган ойларга мутаносиб тақсимлаш орқали (*бунда солиқларни тўлаш муддатларини инобатга олиш лозим*);

б) ўтган йиллардан келаётган қарздорликлар ҳисобидан ундирилиши лозим бўлган маблағлар.

Ундирилиши лозим бўлган мол-мулк ва ер солиқлари режаси ҳисоб-китоб ойининг 10-санасига қадар туман(шаҳар) ҳокими, молия бўлими ва давлат солиқ инспекцияси раҳбари томонидан тасдиқланади. Мазкур тасдиқланган режа белгиланган тартибда маҳалла фуқаролар йиғинларига етказилади. Тасдиқланган режа бўйича солиқ тўловларини йиғиши маҳалла фуқаролар йиғини органлари томонидан ортиқча тўловга йўл қўймаган ҳолда амалга оширилади. Бундан ташқари, солиқ органларининг мажбуриятлар ҳам белгиланиши лозим. Хусусан, ҳар бир маҳалладаги солиқ йиғимлари бўйича масъул ходимга тегишли комъютерларга интернет тармоқларининг мавжудлигидан келиб чиқиб, солиқ органларининг маълумотлар базасидаги жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулк обьектлари ва ер участкалари ҳамда уларга ҳисобланган, тўланган ва солиқ қарздорликлари тўғрисидаги маълумотларни кўриш имкониятларини яратиш;

Ҳар йили 15 февралга қадар ҳар бир солиқ тўловчи жисмоний шахслар бўйича тўлашниши лозим бўлган мол-мулк ва ер солиқлари тўғрисидаги тўлов хабарномаларини чоп этиб, рўйхат асосида маҳалла фуқаролар йиғини раисига етказади.

Бунда маҳалла фуқаролар йиғини раиси тарқатилиши лозим бўлган тўлов хабарномаларни рўйхатга имзо қўйган ҳолда қабул қилиб олади. Солиқ тўловчиларга 1 марта қадар етказилганлигини тасдиқловчи тўлов хабарномалар корешогини маҳалла фуқаролар йиғини раиси (*маъсул ходими*) дан 10 марта қадар қабул қилиб олади. Маҳаллалар кесимида ойлик тушадиган мол-мулк ва ер солиқлари бўйича тўлов режаси тўғрисидаги ҳисоб-китобларни тасдиқлаш учун туман(шаҳар) ҳокимлиги ва молия бўлимларига тақдим этади. Бундан ташқари маҳалла фуқаролар йиғинлари сўровига мувофиқ, ҳудудида жойлашган ҳар бир жисмоний шахсга тегишли кўчмас мулк обьектлари ва ер участкалари учун ҳисобланган, тўланган ва солиқ қарздорликлари тўғрисидаги маълумотларни электрон кўринишида тақдим этиши мумкин. Маҳалла фуқаролар йиғинлари эса қўйдаги мажбуриятлари олади. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинида жисмоний шахсларга тўлов хабарномаларни етказиш, мол-мулк ва ер солиқларини ундириш бўйича бир нафар маъсул ходим бириктирилади. Ҳудудидаги солиқ тўловчи жисмоний шахсларга мол-мулк ва ер солиқларини белгиланган муддатларда тўлаш ва муддатида тўланмаган солиқларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган мажбурий ундирув чоралари тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириб боради. Солиқ органлари томонидан тақдим этилган тўлов хабарномаларини жисмоний шахсларга имзо қўйдирив ёки тўлов хабарномаси олинганлиги фактини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усувлар орқали 1 марта кечиктирмай тақдим этади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини фақат солиқларни автоматик йиғиши тизимига уланган маҳсус қурилмалар орқали ундиради ҳамда солиқ тўловчига ундирилган маблағ тўғрисида маҳсус қурилма чекини тақдим этади. Кўчмас мулк обьектлари ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни кадастр идораларида рўйхатдан

ўтказмаган ҳамда ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёки ҳужжатида кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланаётган жисмоний шахслар тӯғрисида маълумотларни кадастр идораларига ҳамда давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиб боради. Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ундирилган маблағлар учун маҳалла жамғармасига ажратилган маблағларнинг ишлатиш тартиби Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан белгиланади. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ва солиқ органлари ундирилган пул маблағлари ва маҳалла жамғармасига ажратмалар бўйича солиширма далолатмалар тузиши мумкин. Бунда, солиширма далолатнома натижаларига кўра маҳалла фуқаролар йиғинига ажратмалар ундирилган маблағга нисбатан кўп ўтказиб юборилган бўлса, ортиқча ўтказилган маблағ кейинги ойда ўтказилиши лозим бўлган маблағ ҳисобидан камайтирилади, кам ўтказилган ҳолларда кейинга ойда тўланилиши лозим бўлган маблағга қўшган олда ўтказиб берилади.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларининг жисмоний шахслардан мол-мулк ва ер солиқларини ундирганликлари учун олган даромадлари (ажратмалари) бўйича барча солиқларни тўлашдан озод этилади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини барқарорлаштириш жараёнида солиқларнинг аҳамиятини ошириш ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари таркибини таҳлил қилиш натижасида қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари, жумладан, маҳаллий солиқлар ҳажмини ошириш ва уларнинг асосида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий базасини қайта тиклаш мақсадга мувофиқ;

2. Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетга бириктирилган даромадлар турлари шунингдек қонунчилик асосида маҳаллий солиқлар рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ;

3. Маҳалла фуқаролар йиғини масъул ҳодимларини ва жамоатчиликнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида жисмоний шахслардан мол-мулк ва ер солиқларини масъул ташкилотлар билан интеграциясини таъминлаш ва улар бўйича мавжуд қарздорликни ундиришда маҳаллаларда жамоатчиликни жалб этиш ва тушган тушумнинг бир қисмини маҳалла фуқоролар йиғини ихтиёрида қолдириш бўйича механизмни амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади ҳамда ўз навбатида маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласи.

Адабиётлар:

Аззамов А.Т. (2019) Жисмоний шахсларни солиқقا тортиш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Б.17-22.

Власова Ю.А., Абрамова А.И. (2015) Проблемы укрепления доходного потенциала региональных бюджетов в россии на примере калужской области//Креативная экономика. Т. 9. № 10. С. 1255-1276.

Селезнев А., Доценко Н. (2016) Доходный потенциал местных бюджетов и его общегосударственное значение // Экономист. - № 9. - С. 12-22.

Серебрякова О.В. (2017) Финансовая стабильность муниципальных образований как приоритет в развитии бюджетной и налоговой политики на местном уровне // Региональная экономика: теория и практика. - № 11. - С. 126-131.

Сухарев О.С. (2020) Инвестиции в трансакционный сектор и в финансовые активы: влияние на экономический рост. Финансы: теория и практика. 24(3):60–80. DOI:

Пардаев У.Ў. (2018) Давлат бюджетини прогнозлаштириш үслубиётини тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Б.11-20.

Урмонов Ж.Ж. (2019) Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишини тақомиллаштириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. <http://diss.natlib.uz>. Б. 27, 218-220, 225-230.

Хайдаров Н.Х.“Маҳаллий бюджетлар: муаммо ва инновацион ечимлар”. “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2020 йил, 2-сон.

Худойқулов С.К. (2019) Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. Б. 14-16; 20-21; 28-29.



СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ
ОММАБОП ЖУРНАЛ